

Ў. ҲОШИМОВ

# ЕР ФАРЗАНДИМИЗ



«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЕТИ

Тошкент — 1977

**Ҳошимов У.**  
Ер фарзандимиз. Т.,  
«Ўзбекистон», 1977.  
120 б.

Анорга разм солганмисиз? Агар диққат билан қарасангиз, анор допаларининг нақадар мутаносиблик билан жойлашганини кўриб, ҳайрон қоласиз. Гўё улар яхлит, бир бутун гўзаллик бунёд этиш учун атайлаб шундай батартиб жойлашиб олгандек туюлади.

Инсонда ҳам шундай мутаносиблик бўлишини ўйламайдиган, ҳаётнинг мукамал, гўзал бўлишини истамайдиган одам йўқ. Езувчи Ўткир Ҳошимов ҳам оддий одам сифатида, қолаверса, қаламкаш сифатида атрофимизда рўй бераётган воқеалар ҳақида, одамлар ҳақида кўп ўйлайди. Қўлингиздаги тўплам ана шу ўйлардан иборат. Йўқ, у ҳеч кимга насиҳатгўйлик қилмоқчи, «ақл ўргатмоқчи» эмас. Фақат ўз фикрларини сиз билан баҳам кўрмоқчи.

**Ҳашимов У.** Пути и встречи.

Ўз2

Ҳ  $\frac{11301-85}{М 351 (06) 77}$  28—77

© «ЎЗБЕКЎСТОН» нашриёти, 1977 й.

### ЖАННАТМАКОН УЛКА

Дунё кўрган одам билан ҳамсухбат бўлсанг, баҳри-дилнинг очилади, деган гап бор. Яқинда Кавказда бўлганимда шундай бир одам билан дўстлашиб қолдим. Василий Михайлович Алексеев савдо кемасида капитан ёрамчиси бўлиб ишларкан. Экваторни бир неча марта кесиб ўтган. Австралиядан тортиб Канадагача бориб келган бу одам билан суҳбатлашган сайин киши дунёни қайта-қайта кезиб чиққандек бўлар эди. Сочига борган одам бу ернинг осмонини ларзага соладиган момоқалди-рогини, кишини кирган «ини»га қамаб қўядиган ёмғирларини яхши билади. Ана шундай серёмғир оқшомлар Василий Михайлович билан узоқ-узоқ суҳбатлашардик.

— Сиз кўрган жойлар ичида қаер энг чиройли экан?

— Индонезия. Бу ернинг табиати эртактаги тасвирлардан ҳам ортиқлик қилади. Кўчада ўсиб ётган ҳар қандай шох бутогини синдириб, олиб, графиндаги сувга солиб қўйсангиз, эрталабгача гуллаб кетади...

...Капитан ёрамчиси ўз кўзи билан кўрган мамлакатларни, одамларни, турли-туман воқеаларни кўзи пишиган кишиларга хос вазминлик билан ҳикоя қилади. Бу суҳбатлардан мен дунёда энг савдопараст халқ Сингапур халқи эканлигини, у ерда тўғноғичдан тортиб са-

молётгача бозорга чиқарилишини, японларнинг ажиб ҳунармандлигини, улар яратган теннис шарига ўхшаган соққачалар уйнинг ҳавосини бир неча ҳафта муттасил тозалаб туришга қодирлигини, яна кўпдан-кўп нарсаларни билиб олдим. Ҳар сафар капитан ёрдамчиси «гидлик» қилиб хаёлан жаҳон саёҳатига чорлаганида эртақ эшитаётган тўдадек ҳаяжонга тушар эдим.

— Мен дунёнинг турли чеккаларини кўрдим.— деб қолди бир куни у.— Аммо битта армоним ҳозирча ушалгани йўқ: мен Ўзбекистонга боролмадим. Айтингчи, Ўзбекистон бозорларида куз фаслида қовун-тарвузнинг кўплигидан оёқ босишга жой қолмайди дейишади, шу ростми? Ҳусайни деган узум бўларкан. Уни ишкомнинг ўзидан узиб еган одамнинг лаби-лабига ёпишиб қолгундек бўлармиш, шу тўғрими? Газеталардан Самарқанднинг икки ярим минг йиллигига бағишланган мақолаларни ўқиган эдим. Қадимий бинолардаги бўёқлар ҳамон янгидек турибди дейишади. Чинданам шунақами?..

Энди «гидлик» навбати беихтиёр менга кўчган эди. Жаҳонни ҳайратда қолдирган ўлкамиз ҳақида, сахий қуёшимиз нуруни эмиб етилган неъматларимиз ҳақида, асрларни лол қолдирган обидаларимиз ҳақида сўзни нимадан бошласам экан? Ҳикоямни нимадан бошлаб, нима билан якунласам, саховатли ўлкамизнинг қиёфасини дунёнинг нариги бурчагига бориб келган бу одам тасавурида бус-бутун шакллантира оламан.

Мен узоқ ўйладим. Уша топда хаёлимдан кўп гаплар кечди. Ўзбекистон! Бундан минг йил илгари ер куррасининг диаметрини аниқ ўлчаган, Колумб Америкага бориб қолишидан тўрт ярим аср илгари «Ер куррасининг нариги томонида ҳам каттакон қуруқлик бор» деб башорат қилган Берунийни етиштириб, ўзи жаҳолатда қолган ўлка эмасми бу. «Ал-Жабр» асари билан алгебра фанига асос солган Хоразмийни тарбиялаб, ўзи ҳисоб илмидан беҳабар қолган ўлка эмасми бу. Медицина отаси, деган ном олган Ибн Синоннинг бошини силаб, ўзи хасталик-

дан чиқмаган ўлкамасми бу. «Кўрагоний жадвали» билан мингдан ортиқ юлдуз машъални ёққан, осмон жисмларининг харитасини тўзган Улуғбекнинг бешигини тебратиб, ўзи шамчироққа зор бўлган ўлка эмасми.

Вақт катта куч дейдилар. Вақт бешафқат куч дейдилар. У ҳамма нарсани ўчиришга қодир. Лекин вақт ҳам, замонлар ҳам инсон заковатини нур билан ёритган буюк аждодларимиз хотирасини ўчириб ташлай олмади. Буюк боболаримиз интилган, топишган адолатли замон келди. Буюк боболаримиз талпинган зиё кўҳна, азамат ўлкани нурафшон қилди.

Ярим аср... Тарих учун бир киприк қоққудек фурсат. Аммо шу қисқа вақт ичида минг йилга татигулик ишлар қилинди, десак муболаға бўлмас. Ўзингиз тасаввур қилиб кўринг. Бугун республикамизда ҳар ўн минг киши ҳисобига 179 студент тўғри келар экан. Кечагина Ўзбекистонни саводсиз ўлка, қалоқ ўлка деб юрган Англия билан Францияда ҳам, Бельгия билан Италияда ҳам бунчалик кўп студент йўқ. Кечагина бизнинг республикамизни қолоқ шарқ мамлакати деб юрганлар бугун уни бир марта зиёрат қилишни орзу қиладиган бўлиб қолдилар. Фақат бир йилнинг ўзида Ўзбекистонга жаҳоннинг 100 га яқин мамлакатидан 70 мингдан ортиқ киши келиб кетди. Нима қипти! Мана шу жаннатмакон ўлкамиз — жонажон Ўзбекистонимиз жаҳоннинг турли чеккаларидаги турли мамлакатлар учун, турли мамлакатларда яшайдиган хилма-хил элатлар учун дорилфунун бўлса, арзийдиган ўлка эмас деб ким айта олади? Ахир Ўзбекистоннинг пахта хирмонига Канада билан Швеция ҳам, Англия билан Дания ҳам кўз тикиб турибди-ку. Ўзбекистоннинг қорақўлини Америка билан Франция ҳам, Финляндия билан Германия Федератив Республикаси ҳам жон-жон деб сотиб олаяпти-ку. Ўзбекистон заводларида яратилган машиналар жаҳоннинг ҳамма чеккаларида жавлон ураяпти-ку. «Ташсельмаш» заводида ясалган терим машиналари Аргентина-

даги кўргазмада жаҳондаги энг яхши машина деб топилгани сир эмас-ку.

Уч йил илгари биз — бир қанча қаламкашлар Тоғли Бадахшон автоном областига борган эдик. Дунё томи — Помир устида бунёд қилинган Хоруг шаҳри шундоққина чегара яқинида жойлашган. Панж дарёсининг бериги томони бизнинг Ватанимиз, нариги томони — Афғонистон. Бир оқином соҳилда ўтириб, дарёсининг нариги қирғоғига тикилганча узоқ хаёл сурдим. Йўқ, мен ўлкамизнинг бундан ярим аср илгариги қиёфасини кўрган эмасман. Аммо нариги соҳилдаги манзара қандай бўлса, ўлкамизнинг ярим асрдан зиёдроқ илгариги манзараси ҳам тахминан шундай бўлганига ишондим. Пастак уйлар, каталак деразалардан тўкилиб турган қизғиш, увода нурлар, тор, қалтис тошлоқ сўқмоқлар, чўзиб-чўзиб ҳанграган эшак овози — буларнинг ҳаммаси олис-олис ўтмишни эслатгандек эди. Шунда Афғонистонда қурилаётган Жалолобод каналининг лойиҳаси бизнинг ўлкамиздаги институтда яратилганини, бу лойиҳани ишлашда 260 нафар ўзбек мутахассислари қатнашганини эслаб, қалбим ғурурга тўлди. Қобул яқинида қурилган гидростанцияси лойиҳаси Тошкентда чизиб берилганини ўйлаб, қувониб кетдим.

Ҳа, кунни кеча бизни саводсиз деганлар бугун ўзбек олимларидан сабоқ оляпти. Ҳар йили Ўзбекистон Фанлар академиясининг кўплаб олимлари чет элларда плимий командировкада бўлаётгани сир эмас-ку. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ядро-физикаси институтининг директори У. Ғ. Ғуломов Парижда ўз ҳамкасбларини қойил қолдирганида жаҳон алломалари ҳайратдан ёқа ушлагани сир эмас-ку! Ленин даҳоси, партия даҳоси, интернационализм деган буюк куч шу ютуқларда томчида акс этган қуёшдек намоён бўлмадимики!

Шуларни ўйлар эканман, ўзим кўп бор учрашган, ҳамсуҳбат бўлган, ўзим ихлос қўйган одамлар кўз ўнгимга келади. Киши ҳаётида кўп одамлар билан учраша-

ди. Ҳаммани эслаб қолиб бўлмайди. Ўзгалар қалбида из қолдириш учун буюклик билан камтарлик, оддийлик билан мураккаблик, хуллас том маънода Инсонлик мужассам бўлмоғи керакка ўхшайди. Мен шундай одамлар билан кўришганимдан шодман.

Бундан бир неча йил илгари Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, машҳур пахта устаси Мамажон Дадажонов ҳақида фильм яратиладиган бўлди («Пахта — инсоният гули» фильми Мамажон аканинг вафотидан олдинроқ экранга чиқди). Фильм сценарийсини ёзиш учун Ленин помли совхозга бордик. Чўлнинг қоқ ўртасида янги очилган колхозда Мамажон ака билан кўп жойларни кездик. Мамажон ака қорайиб кетган юзи, бақувват гавдасининг ҳар мўйидан тер оқиб дала кезар, янги ер очаётган булдозерчилар билан суҳбатлашар, каттакон совхознинг ҳисобсиз ташвишлари билан муттасил банд бўлар эди. У кундузлари далада бўлса, кечалари идорада катта-кичик юмуш билан келган совхоз ишчиларини қабул қилар, қачон ухлаб, қачон дам олишини ҳеч ким билмас эди. Сафаримиз охирларида у билан узоқ суҳбатлашдик. Ҳамон кўз ўнгимда турибди. Мамажон ака чордона қуриб ўтирганича майкачан бўлиб олиб, сирланган то-горачадаги аччиқ-чучукни иштаҳа билан ер, ора-чора яхна кўк чойни ҳўплаб кўярди. Шунда мен бутун республикага донғи кетган, бир одамга етарли шон-шўратга эга бўлган бу кишининг кун бўйи туз тотмаганини, қаттиқ толиққанини пайқадим. Очигини айтсам, унга ачиндим.

— Чарчадингизми, — дедим ундан кўз узмай.

Мамажон ака қулоғи оғирроқ бўлгани учун яхши эшитмадими, ё эшитса ҳам парво қилмадими, бутунлай бошқа нарсани гапирди.

— Ёшлигимда онам тупроқ олсанг олтин бўлсин, деб дуо қиларди. Ростини айтсам, тупроқнинг ўзи олтин. Ерни яхши кўрган киши ундан хоҳлаганича олтин олиши мумкин.

Яна бир воқеа эсимда қолган. Бадахшонга бораётганимизда Ушдан Хоруггача бўлган 728 километр масофани Солижон деган йигитнинг «ЗИЛ» самосвалида босиб ўтдик. Тоғ йўлларининг қалтислиги, серпантинларнинг кўплигидан ташқари яна бир хатар — тутак деган касаллик бор экан. Баланд кўтарилган сайин, ҳаво сийраклашади. Ҳаво сийраклашган сайин нафас етишмайди, энтикиб қоласиз. Тутак тутганида организми ожизроқ одамнинг оғиз-бурнидан тирқираб қон отилиб кетиши мумкин. Шунақа пайтларда биз пиёз чайнаб жон сақлар эдик. Оқбайтал довонидан ўтаётганимизда айниқса ёмон қийналдик. Мен Солижонга разм солдим. Унинг лаблари гезариб юзи аллақандай кўкимтир, кул ранг тус олган, ҳушидан кетай-кетай деб ўтирар, боши руль чамбаратига тегай-тегай дер эди.

— Ҳар доим довондан ўтаётганда шунақа қийналасизми?— деб сўрадим ундан.

— Ҳа,— деди у бўғиқ овозда.— Тутак ёмон нарса.

— Бўлмаса бошқа ишга ўтмайсизми!

— Энди ука, савоб иш ҳам қилиш керак-да! Хоругга биз юк ташимасак, у ердагилар нима еб, нима ичади?

Яна битта воқеа ҳам эсимдан чиқмайди. Тошкентдаги 15-касалхонага, профессор Рауф Абдуллаевнинг қабулига кирмоқчи эдим. Профессор Туркменистондан келган бир туякаш чол билан суҳбатлашаётган экан. Чол ўзининг дардини айтар, Рауф ака эса гап орасида сўраб қўярди.

— Шундоқ қилиб туя боқаман денг. Туя неча ойда болалайди?

— Ун икки ойда

— Қараи-а. Туянинг сутини соғиб қимрон қиласизларми?

Чолнинг касбига онд савол-жавоблар шу тариқа давом этди. Мен аввалига профессорни чолнинг хасталиги эмас, туя нега қизиқтириб қолди, деб ҳайрон бўлиб турдим, кейин бирданига Рауф ака ўткир психологик қи-



либ беморнинг қалбига йўл ахтараётганини пайқадим.

Бемор чиқиб кетганидан кейин Рауф акага кўнглимдан кечган гапни айтдим.

— Бунинг нимаси қийин!— Профессорнинг кўзларида фақат самимий одамлардагина бўладиган тоза бир нур порлаб кетди.— Киши ўз касбини яхши кўриши учун аввало одамларни яхши кўриши керак.

...Бу учрашувлар ҳар хил ерда ҳар хил касб эгалари билан бўлган. Аммо кейин билсам уларнинг ҳаммасини бирлаштириб турувчи умумий бир куч бор экан. Бу — ўзининг қаҳрамонлигини оддий, кундалиқ иш деб тушуниш экан, бошқачароқ қилиб айтганда, фидойилик экан. Мен шу янгиликни «кашф этганимда» Мамажон Дадажонов ҳам, шофёр Солижон ҳам, Рауф Абдуллаев ҳам кўз ўнгимда янаям қудратлироқ, янаям севимлироқ одамлар бўлиб қад кўтаришди.

### УЙ-ИЧИЛАР ТИНЧМИ?

Асқарали эшикдан кириши билан ошхонадан чиқиб келган хотини бобиллаб берди:

— Шу пайтгача қаёқда сандирақлаб юрибсиз?

Хадичанинг саволидан кўра жеркиб сўраши Асқаралига алам қилди. Ғижиниб пальтосини ечди-ю, ишдамади.

— Мундоқ эркак бўлиб уйим-жойим десангиз, бир ерингиз камайиб қоладими?— энди Хадичанинг овози ошхонадан келди. Болаларнинг аҳволи қалай деб бир оғиз сўрамайсиз. Анвар ўлгур ошхонанинг деразасига муз отиб синдирди. Акбар арифметикадан яна «икки» олибди. Ўз ўлганим ўзимга, ўқитувчисини йўлда кўриб, бошимга ит кунини солди. Зулхуморни боғчадан олиб келгунча она сутим оғзимга келди. Сиз бўлсангиз ҳамтовоқларингиз билан ялло қилиб юришдан бўшамайсиз.

Асқарали хотинининг оғзидан мутгасил отилиб чиқаётган сўзлар оқимини эшитмаслик учун атайлаб ванна-

ни шовиллатиб ювинди. Стол ёнига келиб ўтириши билан Хадича бир коса мошхўрдани дўқ эткизиб қўйди. Коса чайқалиб овқат клеёнкага тўкилди.

— Тоғангиз келиб кетди — деди Хадича ҳамон ўша оҳангда.— Қизини узатмоқчимиз... Шундоқ совуқда бало бормиди. Тўяна қилиш ҳам керакдир ҳали. Уруғларингиз мунча кўп? Қирилиб кетсин.

Асқарали гижиниб хотинига қаради. Унинг тўзиган сочлари, кир халати кўзига шундоқ хунук кўришиб кетдики, косани шиддат билан стол четига суриб қўйди.

— Тўйиб келувдингизми?— деди Хадича лаби титраб.— Ичиб ҳам келгандирсиз?

Асқарали столни шундоқ муштладики, коса ағдарилиб кетди. Энди овқатга ўтирган болалар пусиб ичкари уйга кириб кетишди.

— Нима қилай, айт,— деди Асқарали жиннилардай бақириб.— Айт, нима қилай. Анварнинг қўлини синдирайми? Ақбарнинг қалласини олиб ташлайми? Зулхуморни ишхонамга обориб боқайми? Тоғаннинг соқолини юлайми? Қизингни эрга бермайсан деб бўғиб ўлдирайми, айт.

Бошланди. Уч кунда бир бўладиган ғалва яна бошланди. Хадича эрини пияниста деди. Асқарали хотинини шаллақи деди. Болалар титраб-қақшаб ярим кечада ухлаб қолишди.

Асқарали ухламади. Йўқ, у пияниста эмасди. Аммо шу топда ичгиси келди. Рост, бугун ишдан кеч келди. Прораб илтимос қилганидан кейин йўқ дея олмайди-ку. Бутун бригада икки соатдан кўпроқ ишлади. Бир одам касал эди, ўшанинг ўрнини билдирмаслик керак эди. Ойнинг охири, планни бажармаса бўлмайди. Бир жойда ишлагандан кейин оғир-енгил пайтда бир-биринининг ёнида бўлишинг керак. Хадича бўлса бобиллашини қўймайди. Эшикдан келганида бирон марта кулиб кутиб олганини Асқарали эслай олмайди. Шунақа турмушнинг нима кераги бор?

Хадича ухламади. Йўқ, у шаллақи эмас. Шу эрм деб, уйим деб умри ўтаяпти. Асқаралига тегиб нима кўрди? Топгани шу болаларими? Бири дераза синдирса, бири «икки» олиб юзини ерга қаратади, кун бўйи ишлаб чарчагани етмагандай кир-чир, қозон-товоқ бўйнида бўлса. Эр деган битта болани боғчадан олиб келишни ҳам эпламаса. Бунақа турмушнинг нима кереги бор?

Шу кеча эр ҳам алла-паллагача ухлай олмади, хотин ҳам. Эртасига икковлари терсайишиб ишга кетишди. Хўш, нима бўлди? Бундай муносабат қачондан бошланди? Нега бошланди. Ким айбдор?

Бундай муносабат бошланганига анча бўлди. Бир вақтлар эрта билан ишга кетатуриб, хайрлашишлар бўларди. «Яхши бориб келинг» деган гаплар бўларди. Ишдан келганда «Ассалому алайкум, яхши келдингизми? Валайкум ассалом, ўзинглар яхши ўтирибсизларми, болалар яхшими?»— деган гаплар бўларди. Энди-чи? Йўқ, энди улар, «ўзининг эри», «ўзининг хотини» бўлиб қолишган. Энди ўша муомалалар ортиқча мулозаматдек туюлиб қолган. Хўш, нима қипти? Турмуш қуришганига ўн тўрт йил бўлаяпти. Қияверса ботинка ҳам эскиради, дағаллашади... Эр-хотиннинг муомаласи дағаллашса нима қипти? Бегона эмас, ўзининг эри, ўзининг хотини.

Йўқ, ҳамма фожиа мана шунда. Одамнинг кўнгли ботинка эмас. Кўнгил дағаллашдими одам ҳайвонга яқинлашади деган сўз.

Хадича бугун чиндан ҳам қийналган эди. Аммо Анварнинг дераза синдирганини, Акбарнинг «икки» олганини эри пальтосини ечмасдан туриб ҳасрат қилмаганида, шунинг кейинроқ айтганида, нега кеч келганини кейинроқ сўраганида, тўй ҳақида ётар олдида ётиғи билан тушунтирганида, олам гулистон эди. Эр-хотин маслаҳатлашса, ҳал қилиб бўлмайдиган иш йўқ-ку, ахир.

Аёллар ҳаёти ва психологияси устида узоқ вақт социологик тадқиқотлар олиб борган машҳур чех олимаси М. Климова — Фюгнерова аёлнинг онла кайфиятидаги роли ҳақида гапириб шундай деб ёзади:

«Ўз «хусусий» эрингизни очиқ чеҳра билан кутиб олишигизнинг ҳеч бир мешчанлик жойи йўқ. Ҳолбуки эришга кетаётганда хайрлашмайдиган, келганида саломлашмайдиган хотинлар бор».

Афсуски, кўп онлаларда эр-хотин «синашта» бўлиб олганидан кейин бир-бирига эътибор йўқ даражада каймайиб кетади. Уйланмасдан олдин ҳар кун гулдаста кўтариб қизнинг йўлини пойлайдиган, ҳар ҳафтада киного судрайдиган йигит қизни «ўзиники» қилиб олганидан кейин кино у ёқда турсин, кўчада бирга юришни ҳам эп кўрмай қўяди. Турмуш қуришдан илгари йиғитнинг туғилган кунини кутиб, унинг дидига ёқадиган совга-саломлар олиб юрадиган қиз, тўйдан кейин эрининг туғилган кунини «унутиб қўяди». Тўйдан илгари ўзига оро берадиган одам, битта болалик бўлганидан кейин эрининг олдига сочинин пахмайтириб, кир-чир халат кийиб юришдан уялмайди. Нима қипти, ўзининг эри. Аммо ўзимнинг эрим. ўзимнинг хотиним деган сўз, ўзимнинг молим деган сўз эмас-ку. Ҳар бир онла ўзаро ҳурмат билан, нафосат билан гўзал эмасми? Бошида билинмаган майда-чуйда эътиборсизликлар бора-бора ўртадан номус пардасининг кўтарилишига, қўпол сўзлар, сўкиш-қарғишларга олиб келади. Шундан кейин онла ё бузилади ёки умрбод азоб ўчоғига айланади.

Бир онла бор эди. Эр заводда токаръ бўлиб ишлар, хотин илмий ходим эди. Дастлаб улар иноқ яшашди. Аммо бора-бора муносабатлари чидаб бўлмайдиган даражага етиб қолди. Охири бир болани етим қилиб ажралишиб кетишди.

Сабаб? Сабаби оддий. Хотин эридан 22 сўм кўпроқ маош оларди. Яна бошқа сабаблари ҳам бормиш. Эри олий даврада ўзини тутишини билмас эмиш. Вилкани по-

тўғри ушлар эмиш. Овқатни чапиллатиб ермиш. Даврадагилар олдида шунни айтиб уялтирса, эри сўкканмиш. «Маданиятсиз» эмиш. Хўш, вилкани нотўғри ушласа, осмон узилиб ерга тушибдими? Шунни даврада гапириш шартмиди? Гап шундаки, хотин нимаси биландир эридан устун эканини — «маданиятли» эканини кўрсатиб қўймоқчи бўлган. Бу одат эса анча илгари бошланган. Хотин нимадандир кўнгли тўлмаётганининг эрининг галстукни чиройли тақмаганини, сочини яхши текисламаганини, аллақайси операни тушунмаслигини юзига солаверган. Эр мулзам бўлаверган. Бора-бора бу нарса хотиннинг баттар гашини келтирадиган бўлган. Уша даврдаги сўнги томчи заҳар эса эрнинг сабр косасини тошириб юборган.

Яна бир мисол. Суннат кечки овқатга ўтириши билан хотини писанда қилди:

— Бугун гўштсиз овқат ейсиз. Қассоб меннинг қариндошим эмас, текинга гўшт бермайди.

Суннат индамади. Зум ўтмай хотини сўради:

— Ойлик олдингизми?

— Ҳа.

— Неча пул, яна 56 сўмми?

— Бўлмаса қанча бўлиши керак.

— Ақалли бир ҳаммолчалик ҳам пул олмайсиз? Ана, Дилбарнинг эри! Мебель магазинида ҳаммолчилик қилади. Кунига ўн сўм топади. Сиз ўн беш йил нега ўқиндингиз? Номи улуғ, супраси қуруқ... Орттириб оёғинга битта туфли ололмасам...

Ҳа, аслида хотиннинг мақсади битта туфли олиш эди. Аммо у гапни шундай чалкаштириб юбордини, Суннат чиндан ҳам ўзининг аҳволига ачиниш кетди. Шунча йил ўқигандан кўра бошқа «даромадлироқ» иш топмаганига ўқинди. Ҳолбуки бу даромад дегани ўғирлик дегани эканини билар, ҳаромдан ҳазар қилиб юрарди. Агар хотини туфли олмоқчи эканини тўғри тушунтирганида иш осонгина кўчган бўларди. Ахир унинг ойлигига

шунча пайтдан буён ҳам яшаб, ҳам орзу-ҳавас қилиб келишди-ку.

Яна бир оилада жанжал бундан ҳам оддийроқ нарсадан бошланди. Хотин эрига эртага командировкага кетишини айтди.

— Ҳадеб сен бораверасанми? Бошқа одам қуриб қолганми?— деди эри тўнғиллаб.

— Бошқалар ҳам боради, нима қилай, ишим шунақа.

— Уша бошқалар бораверсин.

— Бормасам бўлмайди.

— Бўлади. Бормайсан.

— Қизиқмисиз, мен иш билан бораяпман-ку.

— Менга қара, нега ойлигингни оширишди?

Хотин ҳайрон бўлиб эрига қараб қолди.

— Билмасам, яхши ишлаганим учундир-да.

— Бекор гап. Яхши кўринганинг учун.

— Уялмайсизми,— деди хотин алам билан.— Нега туҳмат қиласиз?

— Яхши бўлса опанг эридан чиқармиди?

— Менинг командировкамга опанинг нима алоқаси бор?

— Алоқаси бор. Таппи-таппидан узоққа тушмайди.

— Уятсиз.

— Бормайсан, командировкангга.

— Бораман!

— Бормайсан!

Хўш, шу «суҳбатдан» кейин хотин ишхонасидагиларга қандай кўринади? Қандай ишлайди? Хизмат вазифасини бажармаса бўлмайди. Командировкага борса уйга қайтишга юраги безиллайди. Оиладаги аҳмоқона рашк унинг бутун фаолиятига таъсир қилади.

Мана шундай ўринсиз ғиди-бидилар туфайли қанчадан-қанча умр қисқаради. Эрининг беўрин гижиллаши туфайли ҳамиша асабий бўлиб юрадиган хотинлар оз эмас. Хотини ҳадеб рашк қилавергани учун ишдан ярим соат кеч келса «ким билан юриб келган бўлсанг, ўша-

нинг олдига кетавер» деган таъна эшитавергани учун эгри йўлга кириб кетган эрлар ҳам оз эмас.

Совуқ муомала, майда-чуйда шикоятлар... бир-бирининг кўнглидаги дард билан қизикмаслик — буларнинг ҳаммаси ўткинчи гапдек туюлади. Аммо улар йиғилиб бориб шундай портлайдики, ўзингизни парчалаб ташлаганини билмай қоласиз...

...Бекатда икки одам учрашиб қолди.

— Ассалому алайкум. Саломатмисиз? Уй-ичилар тинчми?

«Уй-ичилар тинчми?» Саломдан кейинги биринчи савол! Нақадар оқилона савол! Уй-ичилар тинчми дегани, хотининг билан ёқалашмаяпсанми, дегани эмас, бир-бирингизга меҳрибонмисиз, тотувмисизлар дегани. Негаки уйда роҳати йўқнинг кўчада фароғати йўқ деган гап ҳақ-рост. Чунки ҳар қандай бахт шахсий бахтдан бошланади.

## ҚАДАҲДАГИ ОҒУ

### *Сўнги манзил*

Тошпўлат касалхонага тушганидан буён уч ҳафта вақт ўтди. У дераза олдидаги кароватда ётар, шифтга, оппоқ дарпарда осилган деразага қараб хўрсиниб кўярди. Ташқарида эса хушчақчақ товушлар тинмайди. Қушларнинг сайраши, дераза ортидаги бўртиб қолган ўрик новдаларининг шабадада оҳиста силкиниши ҳаёт ўз йўлида давом этаётганидан дарак беради. Ҳа, ҳаёт ҳамон давом этар, ҳар куни қуёш чарақлаб чиқар, тишиқ осмонда кўпчиган булутлар сузиб ўтар, илк баҳор шабадаси ўрикнинг бўртиб қолган новдаларини сийпалаб киш уйқусидан уйғотарди.

Эрта-индин баҳор келади. Ҳаммаёқ яшнаб кетади, гулга бурканади. Унинг баҳори-чи? Тошпўлат у ёғини ўйлагиси келмасди. Аммо туриб юролмаганидан кейин, дардлашадиган одами бўлмаганидан кейин ўй суришдан бошқа нима иложи бор? Кеча хотини келиб кетди. Анча

вақт у ёқ-буёқдан гаплашиб ўтиришди. Хотини унга ўтган кўнгилсизликларни эслатмади. Аммо, Тошпўлатнинг ўзи бу ерга тушганидан буён ўша воқеаларни қайта-қайта ўйлади. ўзича хулосалар чиқарди. Нега шунақа бўлди? Бунақа пайтда одам айбни ўзидан қидирмайди, бошқалардан излашга ҳаракат қилади. Тошпўлат эса бошқалардан айб топа олмади. Ёши ўттизга яқинлашиб қолса ҳам уни гўдакдек авайлайдиган онасида нима айб? Ҳар доим иззатини жойига қўядиган хотинида нима айб? Ҳамма айб унинг ўзида. Бўлмаса, эл қатори туппа-тузук ишлаб юрганди. Ичкиликка ружу қўйди-ю, ҳамма нарса чалкашиб кетди.

Тошпўлат яхши сувоқчи эди. Трестга янги ишга ўтганида ҳам уни бешинчи разряд билан қабул қилишди. Ойлиги етарли. Битта онаси билан хотинининг талабини бемалол қондиради. Бунинг устига планни ошириб бажаришса, мукофот олишади. Фақат Тошпўлат тушган бригадада ғалати одат бор экан. Ҳар кун ишдан кейин сувоқчилар «бир-бир»дан йиғиб улфатчилик қилишади. Икки шиша ароқ, бир бўлак пишлоқ, ярим буханка нон билан «ўтириш» бошланади. Биринчи қадаҳ саломатлик учун кўтарилади. Иккинчи қадаҳ бирлик йўқолмаслиги учун...

Ичкиликбозлик деган нарса ўпқонга ўхшайди. Ўзидан ўзи чуқурлашиб кетаверади. Икки қадаҳдан кейин яна икки қадаҳ ичилади. Кейин яна икки шиша олиб келинади. Қарабсизки, ҳаммалари ғирт маст бўлиб қолишади. Алла-палла вақтгача ҳасратлашиб ўтиришади. Кейин бир-бирларини ўпиб садоқат изҳор қилиб хайрлашади.

Аввалига Тошпўлат бу қилиқларга кўниколмай юрди. Онда-сонда ичар, ўшанда ҳам эс-ҳушини йўқотмас эди. Шунинг учун бўлса керак, биринчи марта уйига гаңдираклаб кириб борганида хотини қўрқиб кетди, онаси койиб берди. Тошпўлат эртасига улфатларига қўшилмади. Аммо индинга бригадирнинг ўзи уни мазах қилди.



— Хотинингдан кўрқадиган бўлсанг, справка ёзиб берамиз.

Тошпўлат ўзига справка керак эмаслигини, хотинидан кўрқмаслигини кўрсатиб қўйгиси келди. Уйга яна маст бўлиб борди. Хотини бир нима деб гап бошлаган эди:

— Бор, ишингни қил, хўжайинмисан менга,— деди.

Куллар шу зайлда ўтаверди. Ҳеч ким ароқни текинга бермайди. Улфатлар ҳам улушингни қўшмасанг сафига киритмайди. Бора-бора рўзгордан путур кетди.

Тошпўлат охирги марта ичиб борганида онаси кўча эшик олдида ўтирар, уй қоронги эди. Тошпўлат хотинини сўради.

— Кетиб қолди,— деди онаси йиғламсираб.— Бунақа турмушга қайси аҳмоқ чидайди?

— Ажаб бўпти. Кетмонини олиб кетсин.

У ўзининг ҳақ эканига ишонарди. Негаки ёнида жондан азиз ҳамроҳлари бор эди. Улар ҳар куни «бирлигимиз йўқолмасин» деб қадаҳ кўтаришар, Тошпўлат эртага яна шу дўстлари билан улфатчилик қилишига ишонарди. Йўқ, эртасига у улфатчилик қила олмади. Ярим кечаси ошқозони чидаб бўлмас даражада оғрий бошлад-ю, уйғониб кетди. Илгари ҳам қорни оғриб турарди, аммо у ҳеч қачон бунчалик азоб чекмаган эди. У қорнини чангаллаганча ётган ўрнида юмалай бошлади. Охири онаси уйғониб кетди. Теласига келиб, сув ичирди. Оғриқ борган сайини кучаяр, аъзойи-бадапидан муздай тер чиқиб кетганиди. Онаси қўрқиб кетди. Қўшниникидан «тез ёрдам»га кўнғироқ қилишди.

Мана, уч ҳафтаки у шифтга тикилиб ётибди. Докторлар ўрнидан туришни тақиқлаб қўйишган. Эртага уни операция қилишади. Профессор операция жуда жиддий эканлигини рўй-рост айтди. Шу кунлар ичида Тошпўлат ўтмиш воқеаларини бир-бир хаёлидан ўтказди. Йигитга ўлим йўқ, фақат у ўзини ўт-чўққа уради, деганлари рост экан. Тошпўлат шунча дардини ўзига-ўзи орттирганини энди пайқади. Қизиқ, ўзи билан улфатчилик қиладиган,

ҳамиша саломатлик учун қадаҳ кўтарадиган «бирлигимиз йўқолмасин» деб қасам ичадиган ўртоқлари негадир кўринмай қолишди. Тўғри, икки ҳафтача илгари улар келишди. Маош олишган экан. Уч шиша ароқ, бир килоча тузланган бодринг кўтариб келишди. Ҳамшира уларни кўтариб кирган нарсаларини кўриб ҳайдаб солди. Тошпўлат бунга хафа бўлмади. Унинг ўзи улфатларини қандоқ қилиб ҳайдашни билмай турган эди. Ушандан буён улардан дарак йўқ.

Кеча хотини келиб кетди. Бугун яна онаси келди. Тошпўлат ўзининг операцияси мушкул эканлигини айтмади. Негаки, у эртага соғ-саломат қолса, бундан кейин нима қилишини ўзи яхши билар эди.

### *Шоҳига урса...*

Исмоил ота йигирма нафар тенгқурлари орасида шарманда бўлди. Ўзи билан болаликдан бирга ўсган Муҳаммаджон деган дўсти бўларди. Шу кишининг ўғли дўконда ишларди. Қайси кунни суди бўлди. Бировнинг ҳақиға хиёнат қилган экан, уч йилга қамалиб кетди. Муҳаммаджон ота ноқобил фарзандидан шикоят қилиб гапирган эди, Исмоил ота жержиб берди.

— Сен кўп нолимагин, биродар. Ўғлинг қилмишига яраша жазо олди. Қайтага одам бўлиб келади.

Муҳаммаджон ота ҳам тўлиб турган экан шекилли, ундан ҳам кўполроқ оҳангда жавоб қайтарди.

— Менинг ўғлим жазосини олган бўлса, сенинг болаңг ҳали жазосини олгани йўқ. Аммо олиши керак. Маст бўлиб кўчаларда оғзини пашша талаб ётадиган боладаи худо асрасин.

Чойхонадаги қариялар мийиғида кулиб қўйишганини Исмоил ота пайқади. Пайқади-ю, чидаб туролмади. Этак қоқиб ўрнидан туриб кетди. Муҳаммаджон ота рост айтди. Исмоил ота якка-ёлғиз арзандасини папалаб ўстирди. Нима деса, айтганини қилди. Бу ноқобил бола мактабни битириб-битирмас, ичкиликка ружу қўй-

ди. Мана, ёши қирқдан ошибдики, тайинли бир ишнинг бошини тутмади. Бир жойда нари борса уч ой ишлайди. Икки ўртада келинга қийин бўлиб кетди.

Исмоил ота фиғони фалакка чиққанча, ҳовлига кириб келди. Оқшом тушиб қолган, ҳаммаёқ бесаранжом бўлиб ётарди. Ҳар кун шу пайтда кампири ҳовлига сув сепиб, ёғ тушса ялагудек қилиб супуриб қўярди. Бугун бўлса ҳаммаёқнинг чапги ўйнаб ётибди. Ҳовли ўртасидаги сўрига ёзилган шолчанинг бир чеккаси букланиб қолибди. Устига олма хазони тўкилиб, янаям хунук бўлиб кетибди. Исмоил ота ошхонага кирди-ю, ўчоққа олов ёқилмаганини кўриб, ҳайрон бўлди. Кўнгли нохуш бир нарсани сезгандек, шошилиб айвонга чиқди. Ундан уйга кирди. Йўқ, кампири ҳеч қаерда йўқ эди.

Исмоил ота овоз берган эди, нариги уйдан иккинчи синфда ўқийдиган кичик невараси чиқди.

— Бувинг қани?

— Кетдилар,— бола бувасига бир пас қараб турдида, бирдан йиғлаб юборди.— Салима опам йўқолиб қоптилар. Ойим икковлари қидириб кетинди.

Исмоил ота ҳайрон бўлиб қолди.

— Қаёққа йўқолади, нимага?

— Билмайман,— бола ерга қараб жовдиради.

Отанинг катта набираси Салима тўққизинчи синфда ўқир эди. Қап-катта қиз нимага йўқолади, қаёққа болади?

Исмоил отанинг хуноб бўлиб тургани етмагандек, эшикдан ашулани ванг қўйиб Иброҳим кириб келди. Унинг туфлиси лой, шимининг почаси шимарилган, тиззалари тупроқ, кўйлаги ёқавайрон бўлиб кетганди.

Исмоил ота чидаб туролмади. Углининг юзига тарсаки туширди.

— Маладес бобой,— деди Иброҳим тили зўрға айланиб.— Уринг, отамсиз.— У ҳузур қилгандай иккинчи юзини ҳам тутди. Уринг, урмасангиз розимасман,— деди йиғламсираб.

Исмоил ота якка-ёлғиз ўғлининг ҳамма эркаликларини кечириб келар, соқоли чиқиб сочига оқ оралаган бўлса ҳам уни ёш боладек авайлар, кекесайиб қолганига қарамай ўғлининг рўзгорини ҳам ўзи тебратиб келарди. Ҳозир Иброҳим биринчи марта унинг кўзига жирканч кўриниб кетди. Шунча пайтдан буён унинг қилғиликларига чидаб келгани учун ўзини койиди.

Оқшом қуюқлашиб борар, қайнона билан келиндан ҳамон дарак йўқ эди. Иброҳим ўртадаги сўрига бориб ётди-ю, гум тушиб ухлаб қолди. Исмоил ота қаёққа боришини билмасди. Мактабга борса, ҳамма кетиб қолган. Гузарга чиқса, яна бояги гап-сўзларни эслаб дили ранжийди. Шунинг учун кўча эшик олдидаги курсичада ўтираверди. Анча вақт ўтди. Қоронғу тушди. Осмонга юлдузлар чиқди. Қўшни уйларда чироқлар ёнди. Фақат уларнинг ҳовлиси файзсиз, жимжит эди. Кичик набираси икки марта унга келиб суркалди. Аммо Исмоил ота болани эркалатишга фурсат тополмади. Ҳозир у ўз хатоларини ўйлар эди. Ёлғиз бола деб ўғлини ортиқча эркалатиб юборгани учун, боланг пияниста, деган гап эшитгани учун у ўзини койирди.

Ниҳоят кўча бошида келаётган одамлар шарпаси, гап-сўзлар эшитилди. Исмоил ота кампирининг товушини таниди. Улар яқин келишди. Қайнона билан келин ёнма-ён келишар, Салима эса орқароқда келарди. Ҳаммалари гап-сўзсиз ичкари киришди. Исмоил ота чироқни ёқди-ю, неварасига разм солди. Салима йиғлаган, кўзлари қизариб, қовоғи шишиб кетган эди.

— Нима гап?— деди ота қовоғини солиб.

Кампири ҳозир гапирманг, дегандек имо қилди. Чолкампир ичкари киришди.

— Салима синфида ўқийдиган қизлар билан хафалашиб қопти,— деди кампир пичирлаб.— Бу мактабда ўқимайман, уйга бормайман деб кетиб қолган экан, холасиникидан топиб келдик.

— Нимага уришади?— деди Исмоил ота бўғилиб.

— Қизлар ҳам ўлсин,— кампир яна шипшиди,— отанг пияниста деб юзига солишибди. Биров билан нима иши бор, ер ютсин.

— Нега иши бўлмасин.— Исмоил ота худди ҳаммаси учун кампири айбдордек, жеркиб берди.— Пиянистани пияниста дейди-да. Углинг ҳаммага иснод келтираётган экан, бошқаларни эмас, ўша аблаҳининг ўзини қаргагин.

Кампир чолидан бундай гапни ҳеч эшитмаганди. Исмоил отага қараб, анграйиб қолди. Исмоил ота бурчакка тиқилганча индамай ўтирар, эртага ўша нобакор билан, оиллага иснод келтираётган нобоп ўғил билан жиддий гаплашишни хаёлидан ўтказар эди.

### *Қора курси*

Бу воқеаларнинг ҳаммаси кўз очиб юмгунча бўлиб ўтди. Бир қарашда ҳаммаси тасодифга ўхшайди.

Жўравой ишдан кейин одатдагидек кафега кирди. У кўпчилик бўлиб ичишни ёмон кўрар, шундоққина ишхонасининг рўпарасидаги қаҳвахонада бир ўзи ичар эди. Бу ернинг хизматчилари уни таниб қолишган. Жўравой келиб ўтириши билан олдига ароқ, газак қилиш учун гўшт келтириб қўйишарди. Бу сафар ҳам шундай бўлди.

Жўравой икки қадаҳ ичиб олганидан кейин вужудида ёқимли жимирлаш сезди. Ҳаётидан, ўтган кунидан мамнун бўлиб, жилмайиб қўйди. Ҳа, у хурсанд эди. Каттакон базада экспедитор бўлиб ишлайди, ўзига яраша обрўси бор. Топиш-тутиши жойида. Турмуш бадавлат, қўша-қўша тиламлари, чет эл гарнитурлари бор. Яқинда машина олмоқчи. Фақат хотини билан чиқишмайди. Ичиши ёқмасмиш. Унинг ичиши билан хотинининг нима иши бор. Керакли нарсани келтириб бериб тургандан кейин бўлди-да.

Жўравой уйига қайтганда кайфияти яхши эди. Арзимаган нарсадан баҳона чиқиб, яна хотини билан уришиб қолди. Уйга меҳмонлар келиши керак экан. Жўра-

вой кириб борганида хотинни дастурхон безатарди. У бир зум қараб турди-ю, хотинининг харакатларини ёқтирмади.

— Ҳой, молни кетида ўсганмисан?— деди гаши келиб.— Вилка деганни чап томонга қўяди. Қачонгача сенга ўргатаман?

— Хотинларнинг ишига аралашиб нима қиласиз? Кириб дамингизни олинг,— деди хотинни юзини ўгириб.

Жўравой туюқиб кетди.

— Маслаҳатим ёқмадимми,— деди бақриб.— Мана бўлмаса.

У тақсимчани олиб отган эди, чинни лаганини чил-чил қилди.

Хотинининг галати одати бор эди. Чининини ўлгудек яхши кўрарди. Узини урса парво қилмасди-ю, биров чининни сипдирса жони чиқиб кетарди. Ҳозир ҳам жони ачишиб кетди.

— Қанақа аблаҳ одамсиз,— деди йиғлаб.— Ҳар кунни ичиб келиб тўполон қилаверасизми?

Шовқин-суронни эшитиб нариги уйдан онаси чиқди. У кўпдан буён тўшакка ёпишиб ётар, қон босими ошиб кетганди. Уйда қачон жанжал бўлса, кампир куйиб-пишиб ўртага тушар, Жўравой хотинига қўл кўтариши билан билагига осилиб йиғлар эди. Ҳозир ҳам шундай бўлди.

— Кириб ётсанг-чи,— деди койиб.— Қанақа ноаҳил боласан?

Жўравой баттар қутуриб кетди. Столнинг чеккасидан ушлаб бир кўтарган эди, ҳамма идишлар ерга тушиб чил-чил бўлди.

Жўравой конфет солинган биллур вазани хотинининг башарасига отди. Хотинни бошини ушлаганча чўккалаб қолди. Қўлларини орасидан қон сизиб чиқабошлади. Онаси чирқиллаб келиб Жўравойнинг қўлига ёпишди. Жўравой кучи борича, силтаб юборган эди, онаси бурчакка бориб шилқ этиб тушди.

Жўравой жаҳл билан уйдан чиқиб кетди. У тўппатўғри ўша — ўзи ўрганган кафега борди. Яна ичди, кафе бекилгунча ўтирди.

Жўравой уйга қайтганида ярим кеча бўлиб қолганди. У зиналардан амаллаб кўтарилди-ю, қоронғи уйга гандираклаб кирди. Диванга ёнбошлаганча туфлисини ҳам ечмай, ухлаб қолди. Эрталаб боши сирқираб уйғонди. Бошини кўтариб алаиглади-ю, тепасида турган милиция формасидаги йиғитни кўрди.

— Турдингизми,— деди йиғит қовоғини солиб,— Қани энди, кетдик.

— Қаёққа?— деди талмовсираб.— Ойим қани, Раъно қани?

— Билмайсизми?— милиционер қошини чимирди, Иккаласини ўзингиз касалхонага тушурдингиз-ку. Хотинингизни боши ёрилди, онангизнинг аҳволи оғирлашиб қолди...

Жўравой қора курсига ўтиргунча кўп нарсаларни ўйлади. Бу воқеаларнинг ҳаммаси тасодифга ўхшарди. Нима қипти, хотини билан одатдагидек ёжиллашди, онасини билмай туртиб юборди. Ҳаммаси бехосдан рўй берди.

У шундай деб ўйларди-ю, бир нарсани билмасди. Тасодиф ҳақиқат занжирининг бир ҳалқаси эканидан беҳабар эди. Бу тасодифга эса қадаҳда жилва қилиб турган май сабабчи эканини билмасди. Бировнинг саломатлигини, бировнинг обрўсини ўғирлаётган май уни жинойт курсисига етаклаганини ҳали тушуниб етмаганди.

\* \* \*

Бу савдолар турли пайтда, турли одамларнинг бошига тушган. Мен уларни эшитганимга анча бўлди. Ростини, унутиб юборган эдим. Яқинда бир баҳона бўлди-ю, ҳаммасини қайтадан эсладим.

Қайси куни йўлим тушиб, бир шифохонага кириб қолдим. Бу ерда жисмоний камчилик билан туғилган болалар даволанар экан. Бирининг оёғи маймоқ, бирининг кўзи сўқир, яна бирининг руҳий камолати суст болаларни кўриб, очиги кўзимдан ёш чиқиб кетди. Ҳали дунёга келиб, ҳаёт маъносини тушуниб етмаган бу гўдакларда нима гуноҳ? Улар нима учун жазоланаяптилар?

Улар ота-онасининг гуноҳи учун азоб чекапти. Бу ердаги врачларнинг айтишича жисмоний иллат билан туғиладиган ҳар юз боладан саксонтасининг ё отаси, ё онаси муттасил ичкилик ичган.

Бу гапни эшитишдан илгари француз олимларининг тажрибасини ўқигандим. Улар спирт ишлаб чиқариладиган хонага инкубатор қўйиб, 160 та тухумни жойлаганлар. Шундан саксонта жўжа очиб чиққан. Қолганириб кетган. Эсон-омон тухумдан чиққан 80 жўжанинг 40 таси дарҳол нобуд бўлган. Тагин 25 таси эса чўлоқ, маймоқ, тумшуғи қийшиқ, хуллас майиб бўлган.

Бундан қандай хулоса чиқарса бўлади? Ота-она учун ўзининг жигар-порасини майиб қилишдан оғир даҳшат борми? Бундан оғир гуноҳ борми? Наҳотки аллақандай лаънати май учун ўз боласини қурбон қилса киши?

Ҳой, қадаҳ тутуб ваъзхонлик қилаётган ота. Билиб қўй, қўлингдаги мана шу май эртага сенга маймоқ фарзанд ато қилади. Ҳой, юзлари ловуллаб ёнаётган, ичкилик сеҳридан маст бўлиб илжайиб ўтирган она. Эсингни йиғ. Қўлингда жилва қилиб турган мана шу май эртага сенга мажруҳ гўдак ато қилади. Сен унинг гамида бир умр куйиб юрасан. Агар фарзандинг қисмати сенга барибир бўлса, унда билганингни қил.

## МАКТАБИМ

Бундан бир неча йил илгари шоир дўстим Охунжон Ҳакимов билан Фарғонага борганимизда рўй берган бир воқеа асло ёдимдан чиқмайди.



Лоғон қишлоғида меҳмон бўлдик. Эрталаб қишлоқ ўртасидан шарқираб оқиб ўтадиган сойда ювинаётган эдик, дўстим нарироқда ўтиб бораётган кексароқ киши билан бир йигитни кўрди-ю, чала-чулпа артиниб, ўша томонга югурди. Ҳалиги киши билан қўшқўллаб сўраша кетди. Улар қизгин суҳбатлашишар, аммо нима дейишаётгани сув тошқинидан эшитилмас эди. Мен хотиржам ювиниб бўлиб, улар томон юрдим. Забардаст гавдали, қуюқ соқолига оқ оралаган, юзида чечак излари кўриниб турган киши кўзида қувонч тўла табассум билан алланималарни тушунтирар эди. Нарироқда мўйловни эндигина сабза урган йигитча ийманиб турарди. Яқин бориб, салом бердим. Бояги киши ярқ этиб қаради. Аммо кўришиш учун узатган қўлим бир лаҳзада ҳавода муаллақ қолди. У ҳам қўл чўзди-ю, дафъатан қўлимни тополмай: хижолат чеккандек киприklarини пирпиратди. Шундагина бу одамнинг кўзлари, мана шу очиқ, нур порлаб турган кўзлари ожиз эканини сезиб қолдим. Сездиму юрагим сесканиб кетди. Унинг кафтини икки қўллаб маҳкам қисдим.

— Юрсунбой ака бизни ўқитганлар,— деди дўстим ички бир ҳурмат билан.— Мактабда математикадан дарс берганлар...

Юрсунбой ака чеҳрасида балқиган табассум билан тез-тез бош силкиди.

— Ҳа, ҳа сиз математикадан яхши эдингиз...

Устоз билан шогирд ўша, мактаб йилларини эслаб кетишди. Йўл устида турганча узоқ гаплашишди. Охири Юрсунбой ака аниқ ваъдамизни олди.

— Агар меникига қўнмай ўтсангизлар, қаттиқ ранжийман...

Боядан бери нарироқда ийманиб турган йигитча Юрсунбой акани етаклаб олиб кетди.

— Бир вақтлар бу киши илм бериб, бизнинг кўзимизни очган эди. Энди ўзи шундоқ бўлиб қолди... Доим ўғли етаклаб юради.— Дўстим узоқлашиб бораётган

ота-боланинг кетидан анчагача тикилиб турди.— Менга қолса бу одамга тириклигидаёқ ҳайкал қўярдим...

Кейин у ўз ўқитувчисининг тарихини гапириб берди. Юрсунбой ака уруш йиллари мактаб биноси қаровсиз аҳволга тушиб қолганда болаларни ўз уйига олиб бориб ўқитган экан. Кейинчалик унинг соғлиғи ёмонлаша бошлабди. Кўзи хиралашиб, бора-бора фақат кўз қирраси билангина кўрадиган бўлиб қолибди. Врачлар унинг ишлашини қатъий таъқиқлашса ҳам Юрсунбой ака ўз касбини ташламабди. Доскага кўз қирраси билан формулар ёзиб, болаларга сабоқ берибди.

Шу воқеани эшитганимда беихтиёр ўз мактабимни, «минг ранж ила» ҳаққоният йўлини кўрсатган устозларимни эслаб кетдим. Ўтмиш оғирми-енгилми яхшимиз ёмонми, барибир ардоқли. Негаки, у энди кетган, қайтиб келмайди. Шунинг учунми, ўша йилларни ўйлаганимда юрагим энтиктирувчан, соғинч ҳислари билан тўлиб кетди.

Акаларимга эргашиб, мактабга борганимда етти ёшга тўлиб-тўлмаган эдим. Унча-мунча саводим чиқиб қолган, ўз исминини ёзишни билардим.

Урушдан кейинги оғир йиллар эди. Мактабимиз (чамаси асли колхоз омборхонаси бўлган) икки хона, бир коридордан иборат сомонсувоқ томли, полсиз бино бўлиб, Дўмбиробод гузарининг шундоқ биқинига жойлашган эди. Унинг атрофдаги бошқа уйлардан фарқи шу эдики, деворлари оқланган, деразалари каттароқ бўларди. Кеч кўзнинг тансиқ нурлари илтиб турган чошгоҳ палласида танаффусга чиққан болалар телеграф симига тизилишиб олган қалдирғочлардай кунгай девор тагида чўнқайиб ўтириб, исинишардик. Биров-бировнинг олдини тўсиб, офтобдан пана қилса, дошном эшитарди:

— Қоч, арпага ўроқ тушгани йўқ.

— Йима, саратоннинг саригими ҳозир.

Буларнинг кўпчилиги бири урушдан қайтган отасининг шапкасини, бири акасининг этигини кийиб ўқишга

қатнайдыган болалар эди. Орамизда тирикчилик ташвиши билан бўлиб, тўрт-беш йил кечикиб ўқишга қатнаган, дарсдан олдин шаҳарга бир пақир қатиқми, бир қоп пичанми элтиб, сотиб келишга улгурадиган ўсмирлар ҳам бор эди. Мактаб эшигининг тепасида ихчам салла ўраган, чиройли қора соқолли кишининг портрети доим оснғлиқ турарди. Бу — Улугбекнинг сурати, мактабимиз Улугбек номида эди. Мактабимизнинг каттакоп боғи баҳор пайтлари гулга бурканиб кетарди. Боғ этагидан Ширин ариғи оқиб ўтар, бир чеккадаги ёғоч чархналак парраклариға ёнишиб қолган силлиқ сув ўтларини ялтиратиб тинмай гийқиллаб айланар, атрофи доим салқин бўлар эди...

Биринчи марта «Алифбе»ни ўқитган ўқитувчимиз Маъсуда Знебуддинова жуда мулойим, жуда меҳрибон эди. Эрта баҳор қизамик тошиб уйда ётганимда бир неча марта кўргани боргани асло эсимдан чиқмайди. Бу опадан илк бор «беш» олганман.

Директоримиз Одил Қаяумовни жуда гапга чечан дейишарди. Ота-оналар мажлисида унинг сўзларини биринчи марта эшитганман. У кўзларини ярим юмиб олганча, қўлларини силкитиб-силкитиб, ингичка, янгроқ овозда гапирар, йиғилган ота-оналар унинг сўзларини маъқуллаб, қарсақ чалишар эди. Биринчи «икки»ни шу директоримиздан олганман.

Иккинчи синфда бизни Рисолат Қосимова деган ёшгина қиз ўқитар эди. Нима-бўлди-ю, бир кун у дарсга келмай қолди. Қўнғироқ чалиганига анча бўлса ҳам ўқитувчи йўқ. Биз синфни бошимизга кўтариб шовқин сола бошладик. Шунда тўсатдан эшик очилди-да, останада директорнинг ўзи пайдо бўлди. Қўлида синф журнали. Болалар бирпасда жой-жойига ўтириб олди. Одил ака журналга қараб чиқди-да, ҳеч кутилмаганда мени доскага чиқарди. «Қудуқ ёнида» деган текстни ўқиб беришни сўради. Аниқ эсимда бор: бу кичкинагина лавҳа бўлиб, қудуқ ёнида уч хотин учрашиб қолади. Биринчи

ўз ўглини жуда шўх, ерга урса, осмонга сапчийди, деб мақтайди. Иккинчи хотин ўглини ашула айтади, дейди. Учинчи аёл эса, ўглини мақтамайди. Шунда учала аёлнинг ўгли келиб қолади. Биринчи бола хўштак чалиб, осмонга тош отади. Иккинчиси ашула бошлайди. Учинчи аёлнинг ўгли эса индамай келиб, онасининг қўлидан пақирни олиб, унга кўмаклашади. Бу текстни деярли ёддан билардим. Аммо директорнинг салобати шунчалик босдики, китоб ушлаган қўлим қалтираб, дудуқланиб қолдим... Кейин билсам ўша пайтда «2» олганим яхши бўлган экан. Билган нарсамни мантиқли қилиб айтиб беришга ўша кундан урина бошлаган бўлсам эҳтимол...

Ўқитувчи ҳамма ўқувчисининг феълени эслаб қололмайди. Лекин ўқувчи ҳар бир ўқитувчининг феъл-атворини хотирасида яхши сақлаб қолади. Ҳар бир сўзни салмоқлаб, кесиб-кесиб, айни пайтда яширин бир табасум билан гапирадиган математик Қўчқор Турсунов, оғир-вазмин, баъзан ҳатто ўқувчилардан ҳам ийманиб турадиган Аббос Азимов, ҳар қандай вазиятда ҳам болаларга оғир гапирмайдиган, меҳрибон Абдусмон Абдуллаев, ҳамиша жилмайиб турадиган, дарсни ярим ҳазил гаплар билан ўтадиган Зухриддин Сирожиддинов — ҳамма-ҳаммаси ўша мушкул йилларда борини бизлардан аямаган устозларимиз эди. Ўзида бор билмини, фазилатининг ҳаммасини бизларга сахийлик билан тутқазган кишилар шулар эди.

Ушандан буён орадан кўп йиллар кечди, кўп сувлар оқиб ўтди. Бугун мактабнинг уч қаватли биносида ўқиётган болаларга акаларингиз колхоз омборхонасида ўқишган, десангиз ишонишармикан? Ўнларча энг замонавий лабораторияларда машғулот ўтказаетган ўқувчиларга бир вақтлар мактабнинг тўнгич кутубхонасини болаларнинг ўзи уйдан китоб ташиб келтириб очишган, десангиз ишонишармикан? Ҳозир 131-мактабнинг спорт залида бутун Чилонзор райони мусобақатага йирилганида, болалар зал ёнидаги душхонадан чиқиб ке-

лаётганда, мактабнинг кино залида кенг экранли фильмлар томоша қилаётганларида, бир вақтлар бу ерда йилда бир марта кино бўларди, десангиз ҳайрон қолишмасмикин?

Киши болалигини туш кўрганида вужудини нақадар ширин ҳаяжон қоплашини биласизми?... Баъзан мактабимни, тўғрироғи унинг этагидаги Ширин ариғида гий қиллаб айланиб ётган чархпалакни туш кўраман. Неғалигини билмайману, кўпинча шунақа бўлади. Шунда уйғониб кетсам, узоқ ўйга толаман. Чархпалак айланади, сувларни ҳовучлаб кафтида кўтаради, йўлга солади. Сувлар оқиб кетади. У энди орқасига қайтмайди. Чархпалак бунга ранжмайди. Бир жойда туриб, яна янгидан янги томчиларни кафтида кўтаради, ҳаётга йўллайди. Томчилар қаердадир бир чечакка ҳаёт берса, бўстон яратар, демак чархпалакнинг меҳнати зое кетмабди...

...Бугун мен қачонлардир ўзимни кафтида кўтарган, ҳаётга йўллаган чархпалагимиз — мактабимга қайтгим келди. Меҳрибон чархпалагим: жонажон мактабим, азиз устозларим, ўқитувчиларим сизларнинг сабоғингизни оқлай олдимми, жажжигина бўлса ҳам бўстон яратдимми, ақалли бирон чечакка ҳаёт беролдимми, бунисини билолмайман. Аммо сизлардан жуда-жуда миннатдорман мен. Кафтингизда кўтарганингиз учун, ҳаёт йўлига чиқариб қўйганингиз учун, қўлимни кўксимга қўйиб, таъзим қиламан.

### ХОНАКИ ГҮЛ

Вали Набиевич хонага кирди-ю, бахмал қопланган диванда шифтга тикилиб ётган Дилшодга кўзи тушди.

— Нима қилди отам,— деди хавотирланиб.

Дилшод дадасининг товушидаги эркалаш оҳангини сезди-ю, кўзида ёш пайдо бўлди.

— Ҳичнимма,— деди йиғламсираган овозда.

Уч қиз орасида ёлғиз ўғил бўлгани учунми, Дилшодга айрича меҳр қўйган, уни ҳеч ерга ишонмас, сал тоби қочса юрак ҳовучлаб қолади. Ҳозир ҳам кўрқиб кетди. Шошилиб ошхонага кирди. Нафисахон ҳеч гап бўлмагандек картошка артиб ўтирарди.

— Болага нима қилди?— деди Вали Набиевич жеркиб,— касалга ўхшайди-ку.

— Ҳеч нима қилгани йўқ.— Нафисахоннинг хотиржамлиги Вали Набиевичнинг гашини келтирди.

— Қанақа онасан ўзи,— деди бақириб,— бола кўрпатушак қилиб ётса-ю, сен бу ёқда ялпайиб ўтирсанг.

— Ваҳима қилманг.— Нафисахон жаҳл билан қошини чимирди.— Ҳали поликлиникага обордим. Томоғи сал шамоллабди. Дори ичди. Иситмаси йўқ.

Вали Набиевичнинг кўнгли бироз таскин топди. Шундоқ бўлса ҳам яна ўша куюнган оҳангда қўшиб қўйди.

— Бола деганга қараш керак-да. Мороженое егандир. Ҳаво салқин бўлса...

Нафисахон арчилган картошкани юваркан, эрига таънали назар ташлади.

— Биринчидан Дилшод чақалоқ эмас. Ун тўртта чиқди. Иккинчидан ҳадеб папалайвериб нимжон қилиб қўяяпсиз. Нима, сиздан бошқа одамда ўғил йўқми? Қишлоққа боргандаям шарманда қилувдингиз одамни...

Вали Набиевич хотинининг жаҳли чиқиб кетганини пайқади. Секин йўлакка чиқди. Шу топда у отдан тушса ҳам, эгардан тушгиси келмас, аммо хотини ҳақ гапни айтаётганини сезиб турарди. Умуман у ўғлини қизларидан негандир устун қўяр, уни ҳадеб авайлар, шу масала устида Нафисахон икковлари тез-тез тортиниб туришарди.

Вали Набиевич хонага қайтиб кирди. Дилшод ҳамон шифтга тикилиб ётарди. Вали Набиевич бурчакда турган столи ўғлининг олдига яқинроқ келтириб ўтирди. Дилшодга тикилиб қараркан, ўғлининг чеҳрасида ёшига ярашмаган аллақандай жиддийликни кўрди. Аввал пай-

қамаган экан, Дилшод ёшига ярашмаган даражада дўм-боқ, юзлари қиз болаларникига ўхшаш лўппи, ҳаракатлари қандайдир суэт эди. Йўқ, Вали Набиевич буни энди сезаётгани йўқ. Ёзда қайнотасиникига — Чинозга — қишлоққа ўғлини олиб борган эди. Ушанда у Дилшод ўз тенгдошларидан кўп жиҳатдан фарқ қилишини пайқаган, бундан гаши келган эди. Ҳозир хотини қишлоққа борганда шарманда қилган эдингиз деганини яна ўйладию ўша тафсилотларни эслади.

Қайнотасиникида уларни қучоқ очиб кутиб олишди. Нафисахон опаси билан, Вали Набиевич эса қайнотаси билан суҳбатлашишга тушиб кетишди. Вали Набиевич каттакон олма дарахти тагидаги сўрида ўтираркан, қайнотасининг ўғли Адҳам билан Дилшод алланимани талашаётганини пайқаб қолдию, уларнинг гап-сўзига бенхтиёр қулоқ солди.

— Бу нима?— сўради Дилшод ҳовлидаги райҳонларни кўрсатиб.

— Вой, шуниям билмайсанми? Райҳон-ку — деди Адҳам ҳайрон бўлиб.

— Геранга ўхшайди-ку,— деди Дилшод ишонмай.— Бунақа гул тувакда ўсади.

— Бекор айтибсан. Ҳеч қанақа геран-перан эмас. Бу райҳон. Ошга солиб эса бўлади.

— Гулни ҳам еб бўладими, эчкимисан?

— Ўзинг эчкисан. Ҳалигача райҳон нималигини билмайсану, тагин ақл ўргатасан.

Вали Набиевич шунда бир нарсани ҳис қилиб ичидан эзилди. Дилшод ҳали кўп нарсани билмайди. Билмагани етмагандек, ўзини билимдон санагани ортиқча.

Ўша кеча улар сўрига жой солиб ётишди. Шунда Вали Набиевич болалигини эслади. Унинг болалиги ҳам қишлоқда ўтган, ўзи ҳам бир вақтлар шунақа сўрида ётар, осмонга қараб юлдуз санашни яхши кўрарди. Ҳозир сўрининг нариги чеккасида ётган Адҳам Дилшодга ҳадеб тушунтирарди.

— Мана, бу Катта айиқ юлдузи, наригиси Етти қароқчи. Ҳов, кўряпсанми, анави ярақлаб турган юлдуз Олтин қозик бўлади. Дилшод унинг гапларини эшитиб ҳайрон қолар, икки гапнинг бирида «ростданми-ростданми» деб сўрар эди. Шунда Вали Набиевич ўглининг мактабда аъло баҳо билан ўқиётганига ўзи ҳам ҳайрон бўлди. Наҳотки Дилшод — ўн уч яшар бола осмонга бирон марта тикилиб қарамаган бўлса. Наҳотки уфқ нималигини билмаса?

Эртасига кечқурун ундан ҳам галати воқеа бўлди. Оқшом пайти Вали Набиевич қайнотаси билан суҳбатлашиб ўтирарди. Бир маҳал ранги ўчган Дилшод югуриб келиб қолди.

— Нима қилди?— сўради Вали Набиевич.

— Сигир. Сигир келяпти. Сузиб олади.

Нафисахоннинг гаши келди.

— Соқолинг чиқай деб қопти-ю, подадан қўрқасанми? Қанақа йигитсан ўзи?

Вали Набиевич ўглининг ёнини олди.

— Боланинг қўрққани етмайдами? Нега дағдаға қиласиз? Умри бино бўлиб пода кўрибдими бу?

— Кўрсин. Ургансин,— деди Нафисахон чертиб, чертиб.

Шаҳарга қайтишадиган куни Дилшод эшикдан йиғлаб келди. Мезбонлар бирпасда уни овутишга тушишди.

— Адҳам ўлгур, болани нима қилдинг?— Вали Набиевичнинг қайнонаси мункиллаб қолган кампир Адҳамга косов ўқталди.

— Мен ҳеч нима қилганим йўқ,— деди Адҳам бош чайқаб.— Ўзи болалар билан чиллак ўйнади. «Зув» лашш керак эди, нафаси етмади. Кейин Олимжон опичмоқчи бўлган эди, қўли тегиб кетди.

Ҳаммалари Дилшодни юпатишди. Шунда Вали Набиевич ўгли қандайдир пўк, омонат бола эканини биринчи марта ўйлаб қолди.

Ҳозир Вали Набиевич ўша тафсилотларни эслар



экан, хотини ҳақ гапни айтаётганини, ўзи ўглини керагидан ортиқ эркалатиб юборганини тушуниб гаши келди. Ўглининг болалиги қанақа ўтаяпти ўзи? Бир вақтлар ўзининг болалиги қандоқ ўтган эди. Очин-тўқини яшашса ҳам, устлари юпун бўлса ҳам, болалиги сермазмуи, қувноқ ўтган эди-ку. Баҳор чиқиши билан томга чиқиб варрак учирешлари ҳам, чиллак ўйнашлари ҳам, ёзда Шодасойда эртадан кечгача қоп-қорайиб чўмилишлари ҳам, кечалари ярим кечагача бекинмачоқ ўйнашлари ҳам ёқимли эди-ку. Энг муҳими Вали Набиевич болалигида касаллик нималигини билмасди.

Дилшодни, яккаю-ёлғиз ўглини қандоқ тарбияляпти. Бола тугилиши билан коляскага тушди. Кўрган — тўртинчи қавату, зиналар бўлди. Кейин яслига жойлашди. Эрталаб туриши билан онаси яслига физиллатади. Кечқурун уйга келиши билан пар тўшакка ётқизиб ухлатади. Ундан кейин боғчага жойлашди. Кейин мактаб йиллари бошланди. Бола нима хоҳласа ота-онаси муҳайё қилишади. Меҳмонга дадасининг машинасида боради. Бир вақтлар Вали Набиевич қора нон еб ўсган эди. Албатта ҳеч ким боласига машаққатни раво кўрмайди. Лекин Дилшодга овқат едириш учун Вали Набиевичнинг ўзи тепасида ялиниб ўтиради. Дилшод бир куни сарёғни нонга қалин сурибсизлар деб хархаша қилса, эртасига колбасанинг пўстини артмабсизлар деб гингшийди. Тўғри, у яхши ўқийди, скрипка чалади. Лекин бўш қолса телевизор кўришдан бошқани билмайди. Соатлаб югуриб чарчаш нима, қумлоқ соҳилда ётиб офтобда куйиш нима, буларнинг ҳеч бирини ҳис қилмайди. Гулининг очилишини томоша қилмаган, осмондаги юлдузларни кўриб энтикмаган бола эртага ким бўлиши мумкин? Икки қадам жойга дадасининг машинасида борадиган боладан нима кутиб бўлади.

Ҳозир Вали Набиевич ўглининг тепасида ўтирар экан, шуларни ўйларди.

— Ана, бинойидек ётибди-ку, дам олиб.

Вали Набиевич берилиб қаради. Нафисахон гоҳ эрига, гоҳ Дилшодга кулиб қараб турарди.

Вали Набиевич ўғлининг пешонасига кафтини қўйди. — Қани тур ўғлим, бунақа чўзилиб ётсанг ланж бўлаверасан,— деди кулимсираб. Кейин ҳазиллашиб Дилшоднинг елкасига шапатилади. Дилшод индамай ўрнидан турди.

— Бир кўча айланиб келайлик,— Вали Набиевич кулимсираб, эшик томон юрди. Нафисахон ота-боланинг кетидан жилмайиб қараб қолди.

Ота-бола баҳор ҳавоси билан тўлган гавжум йўлкада юриб боришаркан, Вали Набиевич ўғлига қараб, қўяр, хаёл суриб борарди. Хонаки гул кўзни қувонтиради, ял-ял ёниб кишининг баҳри-дилни очади. Лекин у барибир табиий гулга ўхшамайди. Қаҳратон совуқни, шиддатли шамолларни кўрмагани учун нимжон бўлиб қолади. Ҳозир унинг ёнида кетаётган ўғли ҳам табиатнинг фарзанди. У табиат билан қанча ошна бўлса, ўзига шунча яхши.

Тўғри, шаҳарда парк дейсизми, стадион дейсизми, ҳаммаси шу болаларнинг хизматида. Фақат кўпинча уларнинг нимжон бўлиб қолишига табиатдан узоқлашиб кетишига ота-оналарнинг ўзи сабабчи. Улар боласининг жонини койитмасликка қанча уринса, боланинг саломатлиги шунча ёмонлашаверади.

Вали Набиевич шунини ўйлаб бораркан, кўпдан буён бу ҳақиқатни чуқурроқ мулоҳаза қилиб кўрмаганига ўзи ҳайрон қолди. Ҳозир у ишни майдончага кўчат ўтказишдан бошлашга аҳд қилди. Дилшод меҳнат нималигини, ўсиб-униши учун нималар керак бўлишини билсин. Эртага эса янги машгулотлар топилади. Вали Набиевич бунга ишонар эди.

### ТҶЙ АЗАГА АЙЛАНМАСИН

Ҳар йили куз палласи ўлкамизда ўзгача бир мавсум — байрам мавсуми, тўй фасли бошланади. Ҳар оқ-

шом ҳар бир маҳаллада камида биттадан тўй бўлади. Ҳар кўчада карнай-сурнай садосини, қўшиқ овозини эшитасиз. Шанба-якшанба кунлари бўлса қайси тўйга боришни билмай қоласиз.

Замон тинч экан, халқимизнинг дастурхони бут экан, тўй бўлаверади. Бу ҳам тўқчиликдан, тўкинчиликдан бир нишона. Бунинг устига халқимизнинг бир одати бор. Қариялар бировни дуо қилса топган-тутганинг тўйларинга ярасин, дейди. Бунинг ҳам ўз тарихи бор: халқимиз қадимдан меҳмондўст халқ, тўйпараст халқ. Майли, аза бўлмасин, ҳамиша тўй бўлсин.

Лекин гоҳо тўйга борганда баъзи бир нарсаларни кўриб чидолмай қолади киши.

### *Нон кўр қилмай дими?*

Шанба куни Толкўча маҳалладаги қассобниқида тўй бўлди. Каттакон ҳовли шамолоқдай қилиб безатилди. Кам деганда уч юз киши сиғадиган жой тайёрланди. Дастурхонга қовурилган товуқ дейсизми, пиширилган гўшт дейсизми, қовун-тарвуз дейсизми, хуллас одамнинг жонидан бошқа ҳамма нарса қўйилди. Яшик-яшик ароқлар намойишқорона териб ташланди.

Келин билан куёв ўтиришгандан кейин ҳовлига одам сиғмай кетди. Ерларга ҳам жой қилиб юборишди. Аллақайси каттакон идоранинг бошлиғи чиқиб, одамлардан куёв билан келиннинг отини сўраб олди-да, тўйни очди. Бундан аввал ўзининг қўлида юзлаб одам ишлашини ҳам айтди. Мендек катта одам гапиргандан кейин ичишинг керак дегандек қилиб, буюрди:

— Қани, шишалар очилсин, қадаҳларга қўйилсин.

Ҳамма ичди. Кейин куёвнинг қариндоши, ундан кейин келиннинг янгаси, хонадон бошлигининг холаваччаси, қуда томоннинг аммаваччаси сўзга чиқди. Ҳаммасининг сўз охирида айтадиган гапи битта:

— Қани, фалон нарса учун ичайлик.

Шундоқ қилишди. Столларнинг таги бўшаган шешаларга, кайф билан устига ароқ тўкиб дастурхондан тушириб юборилган нон бўлаklarига, гўшт, қовун-тарвуз, ширинликларга тўлиб кетди.

Эртасига юртга ош берилди. Чойнакларда тагин ароқ тарқатилди. Маҳаллада яна учта ош бор эди. Бу ошнинг ярми қолиб кетди.

Шу куни кечқурун қассоб билан суҳбатлашиб қолдик. Ёши элликка бориб қолган бўлса ҳам «супра қоқти» қилиб озгина ичиб олган экан, очилиб-ёзилиб гаплашди.

— Олтмиш кило гуруч дамлаган эдим. Бир новвос, икки қўй сўйгандик, чакки бўлди, қолиб кетди. Кеча закускага қилинган товуқлар сасиб қолибди, ташлаб юбордик. Хотинларнинг дастурхонига кетар деб нонни кўпайтириб юборган эканмиз майда бурдалари билан қўшилиб, икки сандиқ ортиб қолди. Майли, қўшнининг сигири еса савоб бўлади. Эллик кийим газлама кетди. Игирмата тўн кийгаздим. Ўзиям зап тўй бўлдимми? Эшик олдига ўн бешта лўккавой келибди. Ароқ билан коньякнинг ўзидан саккиз юз сўмлик олудим. Шипириб юборишибди азаматлар. Майли, фарзандимиз учун жонимиз қурбон.

Эшитяспизми, у бу гапларни керилиб гапираяпти. Ичкиликнинг ўзига саккиз юз сўм кетган бўлса, тўй тўрт минг сўмга тушганини мақтаниб гапираяпти. У ўзининг ҳаром-ҳариш йўл билан топган пулини егизиб, сизларни масхара қиляпти.

Исроф бўлган ноз-неъматлар-чи? Эсингиздами, уруш йилларида бир бурда нонга зор бўлган гўдаклар? Бир бурда нон деб бировнинг боласини эмизган хотинлар эсингиздами? Бир бурда нонга кўзи мўлтираган порасталарнинг аяпч чеҳраси эсингиздан чиқдими?

Ундоқ кунлар қайтиб келмасин. Келмайди ҳам. Аммо, ноннинг уволи йўқми? Ўша қассоб икки сандиқ нон ортиб қолганини қўшнининг сигирига бериб, савоб

олмоқчи бўлганини айтиб, гар-гар кекиряпти. Шу савобми? Йўқ, бу кони гуноҳ. Нон табаррук нарса. Ноз-неъматлар табаррук нарса. Уни хор қилган кўр бўлади.

*Читтак лайлак бўламан деб...*

Инсоф билан айтинг-чи, заводда ишлаб бир юз йиғирма сўм ойлик оладиган, олти болалик аёлманд киши шундай тўй қила оладими? Йўқ қилолмайди. Аммо қилади. Тўй қилиш учун уч йил, беш йиллаб пул тўплайди. Ҳар куни қозонига тушадиган гўшти бир тилиш эмас, ярим тилишга айлантириб, тежаб-тергаб йиғади. Болаларининг усти юпинлашаётганини, оғзинга ёқар овқатини еёлмаётганини, уйига на радио, на гилам, на телевизор олишга кўзи қиймаётганини билиб туриб йиғади. Охири дўппи тор келиб қолганидан кейин қарз кўтаради. Тўй ҳам ўтади. У бўлса қарзни тўлаш учун яна ўшандай юпун ҳаёт кечираверади.

— Ҳой, инсон эсинг жойидами, нима қилганинг бу, десангиз, жавоб битта:

— Элдан қолишни хоҳламайман.

Ким айтди сизга, элда шундай қонда бор деб? Ким айтди сизга, ўз насибангизни қийиб данғиллама тўй қилинг деб, қани, ким айтди?

Дуруст, халқимиз тўйни яхши кўради. Лекин табаррук ашъаналаримизни ўзимиз бузаямиз. Ота-оналаримизнинг табаррук одатини оёқ ости қиялпмиз. Қадимдан қолган бир гап бор: «Аввал хеш, кейин дарвеш». Бу «аввал ўзингни эплаб ол, кейин хайр-эҳсон қиласан, бўлмаса гуноҳга ботасан» дегани. Ота-боболаримизнинг яна бир гапи бор. «Бир коса сув билан ўқилган никоҳ-ҳалол» дейдилар. Бу ортиқча исрофгарчиликсиз тўй қилсанг ҳам ижобатга ўтади дегани бўлади. Ҳолбуки биз ўламан саттор фалончидан қолишмайман, деб чирапамиз. Бизнинг фожиямиз мана шунда.

Бир замонлар ер юзида Ҳотамтой деган одам яшаган экан. Бир куни етти маҳаллаши чақириб, етти кеча-кун-

дуз юртга ош бериб, тўй қилибди. Меҳмонларни хурсанд қилиш учун ҳар биттасига биттадан қўй етаклатиб юбораверибди. Буни қарангки, охирида арқон етишмай қолибди. Беш-ўнта меҳмон қўйнинг бўйинига қийиқча солиб етаклаб кетибди.

Ҳотамтой, одамлар мен ҳақимда нима деяпти экан, деб кўприkning тагида яширишиб ётаверибди. Шунда арқон етмаган меҳмонлардан бири кўприк ёнига келганида қўйни чарслик қилиб туриб олибди.

Ҳотамтой қулоқ солса, ҳалиги меҳмон ҳадеб уни сўқаётганмиш:

— Тўй қилган падарлаънат, қурумсоқ! Қўй бердинг, арқонини қўшиб берсанг ўласанми,— дермиш.

Бизнинг яна битта фожиамиз худди мана шунда. Туппа-тузук киши ҳам гоҳо одамларнинг тўйига бориб келиб раҳмат дейиш ўрнига чойхонада иғвосини қилади.

— Фалончи тўйида ўнта чопон кийгизган эди, пистончи учта кийгизибди. Фалончининг тўйига фалон артист келганди, пистончининг ашулачилари мундоқроқ экан.

Нафсиламрига айтнинг-чи, шу ҳам инсофданми? Биз-ку, еймиз ичамиз, чиқамиз-кетамиз. Ахир тўй қилган ҳам одам-ку. Унинг ҳам бола-чақаси бор-ку. Ҳаром-ҳариниш йўл билан пул топиб, тўй қилганларга етаман деб чўзилиб қолсинми?!

### *Она суги сотиладимиз?*

Қачон ўнг келиб қолса ўтмиш сарқитлари йўқолаяпти деб ваъзхонлик қиламиз. Қалин бериш йўқолди, палон-пистонлардан қутулдик, деймиз. Тўғри, ўтмишда шундай одатлар бўлган. Лекин бу одатларни заҳматкашлар эмас, бойлар, балоҳўрлар ўйлаб топган. Камбағаллар эса, тенги чиқса текин бер, деб кетаверган.

Ҳозир-чи? Сирасини айтганда, ҳозир тўй қилиш аввалгидан осон эмас. Ҳозир қалиннинг янгича усуллари

ўйлаб топилган. Тўй олдидан «замонавий» олиқ-солиқ бўлиб ўтади.

— Келинга ўн сидра сарпа, қайнона-қайнатасига бош-оёқ кийим, саккиз йил илгари ўлиб, кўкариб чиққан бувасига тўн, дўппи, қийиқча. Келиннинг бошига қўйишга гилам, телевизор. Келин сарпасининг устига юз эллик сўмлик ялтироқ этик. Энди янгича расм пайдо бўлибди. Келинга кремплин пальтонинг ўзи етмасмиш. Беш юз сўмлик шуба олиш қоида бўлганмиш.

Ҳой, ноинсоф, эсинг жойидами? Куёв моянахўр бир одам бўлса, кийим-кечакнинг ўзи икки мингга чиқиб турибди. Бир йўла «Волга»ям сўраб қўяқол. Ҳовли-жойини сотсин-да, қизинг иккови гиламни тагига ташлаб кўчада яшайверсин. Ана ундан кейин кўрасан тўйнинг азага айланишини.

Куёв томон ҳамон бўш келмайди.

— Бизни ҳам кўраман деганлар кўп. Ҳозир келин гарнитур олиб бориши расм бўлган. Ўзимизники эмас, венгерский, бир минг уч юз сўм туради...

Бу нима, отбозорми? Ахир тўйдан кейин куёв қийналса, келин қийналади, келин қийналса ота-онаси азоб чекади.

«Бозор»нинг авжи қизиғида келин учун сут ҳақи сўралади. Биров уч юз сўм сўрайди, биров беш юз.

Бу қандай шармандалик? Онанинг сути ҳам сотиларди. Тўғридан-тўғри қалин сўраб қўяқол.

Шундоқ десангиз жавоб битта:

— Одат шунақа.

Қим чиқарди бунақа одатни? Қим?!

### *Беш юз сўмлик никоҳ*

Собиржон ака қариндош-уруғлари, маҳалла-кўй билан маслаҳатлашиб, Содиқжонни уйлантирадиган бўлди. Узи оддий хизматчи. 130 сўм ойлик олади. Содиқжон ҳарбий хизматдан қайтиб ишлай бошлаганига икки йил-

ча бўлиб қолган. Хуллас, ота-бола оз-оздан тўплаб, пул йиғишди. Лекин тўйдан бир ҳафта олдин келин-куёв ЗАГСдан ўтадиган куннинг ўзиёқ пулнинг баракаси учиб кетди. Куёв эрталаб ўртоқлари билан уйдан чиқиб кетаётганида 500 сўм пул сўради.

— Шунча пулни нима қиласан?— деди кампир ҳайрон бўлиб.

— Сиз билмайсиз,— куёв уҳ тортди.— Ўртоқларим билан ҳисоблаб кўрдик. ЗАГСдан ўтишга шунча пул кетаркан.

Йўғ-е, унчалик эмасдир болам,— онаси Содиқжонга ҳайрон бўлиб қаради.

ЗАГСдан ўтишингга ариза берганда пул тўлаб келгансан-ку?

Куёв ўзи тўлиб турган экан шекилли, бақриб берди:

— Тушунмаган нарсангизга аралашиб нима қиласиз? ЗАГСдаги опага «суюнчи» бериш керакми? Керак. Сураат олдириш керакми? Керак. Совға магазинига кириб келинга балдоқ, янгасига, дугонасига биронта совға олиб бериш керакми? Керак. Махсус чиқарилган усти очиқ машинада шаҳар айланиш керакми? Керак. Ўзимиз ўртоқларим билан беш кишимиз. Улардан ҳам беш киши бўлса ўн одамни ресторанга олиб бориш керакми? Керак.

Чиндан ҳам худди шундай бўлди. Содиқжон 500 сўмнинг ҳаммасини эмас-у, салкам 400 сўмини ўша куни йўқотиб келди. Ҳа, йўқотиб келди. ЗАГСдан ўтаётганида «суюнчи» деб мудир хотинга ўн сўм узатган эди, куёвжўра биқинига туртди: «Улар ердამисан, 25 талик бер»...

Шундай қилиб мудир хотинга 25 сўм «суюнчи» берилди. Хира пашшага ўхшаш сураткаш бор экан. Ялтоқлашиб туриб олди. Аввал қоғозга қўл қўяётган келиннинг суратини олди. Кейин куёвиникини. Кейин келин Содиқжонни елкасига бошини қўйиб суратга тушди. Ундан кейин бир-бирига гул узатиб суратга туришди. Бир-бири-



нинг қўлига узук тақишаётганда сураткаш яна аппарата-  
тини чиқиллатди. Хуллас, салкам 50 сўмлик квитанция-  
га қўл қўйдириб, пул олиб қолди.

Келин томондан келган қизлар нозикроқ экан, усти  
очиқ «Чайка» бўлмаса, шаҳар айланмаймиз деб ноз қи-  
лишди. Икки четига лента тақилган, қаншарига қўғир-  
чоқ ўрнатилган машинада офтобда куйиб ярим кун ай-  
ланишди. Куёв бола кўзини чирт юмиб, бунга ҳам «сдача-  
сиз» пул тўлади. Совғалар магазинига киришганида яна  
200 сўмча пул қулоғини ушлаб кетди. Келин «пробаси  
зўр» олтиндан ясалган балдоқ олгиси келди. Янгасига  
английский шарф, энг яқин дугонасига хил-хил рўмол  
олинди.

Кейин ресторанга навбат келди. Официанткалар ҳам  
келин-куёвларга муштоқ бўлиб туришаркан. Содиқ-  
жоннинг оғзидан гап чиқмасданоқ, столни безатиб таш-  
лашди. Келиннинг ўзи ҳам, дугоналари ҳам умр бўйи  
оғзига ичкилик олишмаган эди. Шу кунни шампанское  
ичиб, шафтолидек қизариб ўтиришди. Нариги столда  
тўртта маст ўтирган экан, келиннинг келишганидан тор-  
тиб, дугонасининг кийимигача қолмай оғзидан боди ки-  
риб шоди чиқиб, валдираб ўтиришди.

Хуллас, куёв кечқурун сўппайиб уйга кириб келди.  
Гўё унинг ҳаётида қувончли воқеа рўй берган эмас, ким-  
дир кун бўйи омовга қўшиб ишлатгандек эди.

Хўш, нима бўлди ўзи? Бир никоҳнинг ўзига шунча пул  
сарфлашни ким ўйлаб топди? ЗАГСда ўтирганлар иш-  
лагани учун ойлик олади. Келин билан куёв ЗАГСдан  
ўтиш учун давлатга ҳақ тўлайди. Бу ердаги ходимларга  
«суюнчи» беришни ким қўйибди. Майли никоҳ ноёб нар-  
са. Шу пайтда суратга тушиб қўйиш яхши. Лекин мўл-  
тоши сураткашлар хиралик қилиб нима учун ўнлаб су-  
рат олади. Майли, келин-куёв бир-бирига узук тақиши  
рамзий удум. Лекин унинг аллақандай дугоналари-ю, қа-  
риндошларига совға таъма қилиш кимдан чиққан  
қонда?!

Одилжон билан онасининг суҳбати анча нохуш бошланди:

— Опанг сенга ҳеч ким қилмаган яхшиликларни қилган. Елкасида обкаш кўтариб сут сотиб, сени боққан. Ука деган онасининг яхшилигини унутмаслиги керак.

Бошланди. Одилжон кичкиналигида опаси унга китоб олиб бергани, оёғига туфли олгани, дўппи совға қилгани, ҳаммаси айтилди. Одилжоннинг юраги сиқилди.

— Мақсадни айта қолинг, ойи.

— Мақсад шуки, опанг қизини узатяпти. Тоға деган ота ўрнида бўлиши керак. Ўзинг биласан, ҳозирги пайтда қиз узатиш осон эмас. Унинг гарни.урига 450 сўм қўшмасанг бўлмайди.

Одилжон бунақа пайтда кескин гапириш ўринсизлигини билар эди. Шундай бўлса ҳам чидаб туrolмади.

— Мен 450 сўмни қаёқдан оламан? Ўзимнинг учта болам бўлса. Ойлик билан яшасам. Бунинг устига саломатлигим бунақа бўлса.

Қампир ҳам худди шу эътирозни кутиб турган эканми, тутақиб кетди.

— Секция олиб чиқиб кетганингдан буён айнадинг, топганинг хотинингдан ортмайди ўзи. Нима топсанг, ўшанга тиқиштиравер. Хотин керак, жигар керак эмасми одамга.

Бошланди. Одилжон уйланганда опаси билан поччасининг оёғи олти, қўли етти бўлиб хизмат қилгани, Одилжон янги уйга кўчганида поччаси шолча совға қилгани— ҳаммаси айтилди. Икки соатда Одилжоннинг мияси шишиб кетди. Охири тўйга қўлидан келганча ёрдам беришини айтиб қутилди. Онасининг гап-сўзлари камайди-ю, бу билан унинг елкасидаги юк барибир енгиллашгани йўқ. У шунча пулни қаердан олишини, қимдан олишини билмас эди.

У ўзлари яшайдиган уйга, бешинчи қаватга қўтарилганида вақт алламаҳал бўлиб қолган эди. Хотини ухламай ўтирган экан.

— Нима гап?— деб сўради эрининг кўзига жонсарак назар ташлаб.

Одилжон ҳафсаласизлик билан қўл силтади:

— Нима бўларди, тағин тўй-да.

Бултур ҳам худди шу пайтда холаваччаларининг ўғли уйланган. Одилжон отпуска пулини шунақа икир-чикирларга сарфлаб, даволаниш учун ишхонасидан олган пүтёвкасини қайтиб берган эди.

— Бу ёқда божангиз келиб кетди,— деди хотини майингина кулиб.

— Нима, у кишиникида ҳам тўйми?— Одилжон энсаси қотиб бурилиб қаради,— у кишининг узатадиган қизлари йўқ шекилли.

— Йўқ, иккита кичкина ўғлини тўй қилаётганмиш. Ҳали жуда шошилиш эмас. Октябрда қилмоқчи экан. Шунини маслаҳатлашгани келган экан.

Одилжон жаҳл билан диванга ўтирди.

— Тўй қиладиган одам ўзининг калласини ишлатиб қилаверсин. Менинг маслаҳат беришга ҳам, ёрдам беришга ҳам қудратим етмайди.

— Уят бўлмайдими?— хотини яна мулойим товушда дашном берди.— Нима қилсаям, қариндошингиз. Ҳеч бўлмаса, бир сидра сарпасини қилиш керак.

Одилжон тутатиб кетди.

— Нима мен ўғриманми, ё пул ишлаб чиқарадиган фабрика борми? У ёқда униси тўй қилса, бу ёқда буниси қизини узатса. Тўй қиладиган улару, азоби менгами? Эртага касалхонада чўзилиб ётсам, биронтаси менинг жонимга оро кирадими? Бу қандоқ адолатсизлик.

У кечаси алла-паллагача ўйлаб ётди. Бу қандоқ гап, одамлар бир йилда бир марта отпускага чиқиб дам олишни, ўйнаб-кулишни хоҳлайди, ҳордиқ чиқаради. Чет элга бориб дунё кўриб келади. Отпуска пулига

уй-рўзғорининг камчилигини тўлдиргиси келади. Нега энди аллақандай қариндошларнинг тўй тантанаси учун мен азоб чекишим керак? Ақалли ўз соғлигимни ўйлашга ҳаққим йўқми?

Бу саволга нима деб жавоб бериш мумкин? Бугунги кунда ортиқча сарф-харажатлар билан тўй қилиш фақат ўша онлаларнинг ўзигагина эмас, бошқаларга ҳам юк бўлаётганини нима деб аташ мумкин? Тўй қиладиган онлаларку ортиқча харажатлар туфайли қанча азоб чекишини айтиб ўтирмасак ҳам бўлади. Нега энди бу азобга бошқаларни ҳам шерик қилиш керак экан? Албатта, тўй шодиёнасиз, совға-саломларсиз бўлмайди. Лекин тўйда бировга бирон нарса совға қилган одами эртасига икки ҳисса жавоб таъма қилиб ҳадыя қилмаслиги керакку. Бу нарса қадимдан ҳам, бугунги ҳаётимизда ҳам қораланган-ку.

### *Безор бўлдик*

Яқинда Тошкент Давлат университетида ўқийдиган бир группа студентлар билан ҳамсуҳбат бўлиб қолдик. Гап айланиб тўйлар мавзусига тақалди.

— Ҳозир тўйлар кўп,— деди йингитлардан бири,— ҳаммаям тўй кўргиси келади. Бизларнинг ҳам орзуларимиз кўп. Аммо бир нарса жуда ёмон бўляпти. Ётоғимиз шундоқ маҳаллага тутаниб кетган. Баъзан кечаси билан магнитофон бақириб, тинчлик бермайди. Дарс тайёрлай олмаймиз.

— Беҳаё аскиялар айтишгайм уялишмайди,— деди бир қиз жаҳли чиққанидан қизариб.— Бировдан истиҳола қилишмайди. Утган шанба кунни ойим келган эдилар. Тонготар ухлолмай мазаларни қочиб қолди. Ён қўшнимиз бўлса тўйимни етти маҳалла эшитсин деб, учта карнай қўйибди... Хўш, бунга нима дейсиз. Студентларнинг шикоятни ўринлими? Жуда ўринли.

Тўғри, баъзилар айтиши мумкин: киройи тўй қилгандан кейин орзу-ҳавас ушалсин-да, деб. Рост, ҳаммамнинг

ҳам орзу-ҳаваси бўлади. Лекин ҳамма нарса инсоф донрасида бўлса — олам гулистон.

Баъзан шикоят қилиб қоламиз. Нима дейсиз, одамлар ўртасида инсоф пардаси кўтарилиб кетаяпти деб. Инсоф пардасини осмондан тушган шайтон кўтариб кетаётгани йўқ. Ўзимиз кўтаряпмиз.

Эсингиздами, яқин-яқинларгача қўни қўшнини безовта қилмаслик учун самовар тарашани ҳам эрталаб эмас, кечқурун ёриб қўйиларди. Биз қўшнимиз азадор бўлса тўй қилишга ийманиб турардик. Энди-чи, тўйхонанинг томига баркашдек карнай қўйиб, тонггача бақиртира-миз. Отарчи «хонанда»лар беҳаё лапарлар айтади. Майли, қўшнингиз бўлмасину, ўн беш ҳовли наридаги маҳалладошингиз азадор бўлсин, ёки аҳволи оғир бир ҳолатда ётган бўлсин. Сизнинг тонготар базмингиз қулогига ёқармикан? Ўзингизни ўшаларнинг ўрнига қўйиб кўринг. Ёинки, уч-тўрт ҳовли наридаги қўшнингизнинг уйига нозик меҳмонлар келган бўлсин. Сизнинг тўйингизда аскиянинг кўчасидан ўтмаган иккита саёқ микрофонни чангаллаб олиб, алжираса-ю, уни етти маҳалла эшитса. Диёнатга тўғри келармикин?

Пийсабилло гап тўй ҳазил билан, ўйин-кулги билан гўзал. Лекин сиз шундай қилинг-ки, дарди бор одамнинг кўнгли чўкмасин. Инсонгарчилик шуни тақозо қилади. Негаки ўзини ҳурмат қилган одам аввало ўзгаларни иззат қилади. Ҳамма гап шунда.

## БИР ОҒИЗ СЎЗ

Эр-хотин бир-бирларига жуда меҳрибон эдилар. Уларга ҳамманинг ҳаваси келарди.

Ҳаммаси арзимаган нарсадан бошланди. Эрта кузда хотин эрига «эркалик» қилди.

— Ялтироқ этик олиб беринг.

Эр зорланди:

— Бултур ҳам 60 сўмлик этик олувдинг-ку. Ҳали янги турибди.

— Униси энди модадан чиқди. Ана Тамаранинг эри ялтироғидан оберибди. Кечагина зирак олдинг. Пулим йўқ. Юз йигирма сўм ойликни қайси бирига етказаман?

Хотиннинг алами келди. Қўзига ёш олди.

— Албатта олиб беролмайсиз-да. Қачон бир нарсадан ёлчитувдингиз. Тўйдаям қаёқдаги бозордан қочган артистларни таклиф қилгансиз. Қурумсоқсиз.

Эри тутақиб кетди:

— Ўзинг ишлаб, бир сўм топгин, ундан кейин тушунасан.

Хотин чиндан ҳам тикувчилик фабрикасига ишга кирди. Биринчи маошига ялтироқ этик олиб келди. Тўқ этиб стол устига қўйди.

— Мана, эр бўлиб сиз олиб беролмасангиз, ўзим олдим.

Йигирма кун илгари рўй берган дилисиёҳлик унутилгандек эди. Шу куни қайтадан янгиланди. Эрининг яхши тўй қилолмагани, хотинининг овқатни шўр қилгани, ҳар ҳафтада майда-чуйда оилавий жанжалларга сабаб бўлаверди. Оқибат, ўртадан қандайдир парда кўтарилди, қанақадир жуда ноёб нарса йўқ бўлди. Арзимаган бир гап билан икки юрак жароҳатланди. Оилада тотувлик йўқолди...

Инсон қалби тошдан қаттиқ, гулдан нозик, дейдилар. Ҳақиқатан ҳам бир оғиз сўз билан филдек бақувват одам йиқилиб қолиши ҳеч гап эмас экан.

Узоқ бир қариндошимиз юрак касаллиги билан шифохонага тушиб қолди. Қишлоқда яшайди. Умр бўйи кетмон чопган. Ҳар кафти белкуракдек келади. Доим далада яшаса, егани олдида, емагани кетида бўлса, нега энди шундай одам бирдан йиқилди?

Маълум бўлишича, унинг тўнғич ўғли нобопроқ чиқибди. Мактабни битириб сандирақлаб юраберибди. На ўқишнинг тайини бор, на ишнинг. Бунинг устига ичадиган одат чиқарибди. Отаси қаттиқ койнган эди, бир кун

чамадонини кўтариб, аллақаёққа кетиб қолибди. Тўнгич бола эмасми, ота чидолмай йиқилиб қолибди.

Начора, ҳаёт мураккаб. Кундалик ҳаётимизда ҳар куни қанчадан-қанча асабийликларга дуч келамиз. Уларнинг ҳар бирига эътибор бераверсак, умуман ёруғ дунёда яшашнинг ўзи ортиқчадек кўриниб кетади.

Қайси куни кўшнимиз бетоб бўлиб қолди. «Тез ёрдам» чақирдик. Машинадан тушиб келган бесўнақай йигит беморга дағдаға қилди:

— Қанақа бепарво одамсиз ўзи. Улишингизга бир варақ қолипти-ю, ялпайиб ётибсиз. Мана, шу дориларни дарров ичинг.

Врач кетганидан кейин беморнинг аҳволи баттар оғирлашди. Яна «Тез ёрдам» чақиришга тўғри келди. Машинадан тушган аёл беморнинг қон босимини ўлчади.

— Ҳеч хавотир олманг, отахон. Босимингиз бироз ортиқроқ экан. Мана шу дорини ичсангиз, ҳеч нима кўрмагандек бўлиб кетасиз.

Иккала врач бир хил дори ёзиб берган экан. Аммо бемор ўша аёлнинг дорисини ичди. Чиндан ҳам, кўп ўтмай оёққа турди.

Қизиғи шундаки, ҳозирги пайтда «нервиннийлар» кўпайиб кетган. Қайси куни ресторанга кириб қолдик. Шошилиб турган эдик. Официантқадан тезроқ хизмат қилишини ўтиндик. Аммо у ҳадеганда келақолмади. Яна чақирдик, шошилаётганимизни айтган эдик, бобиллаб берди:

— Менинг ўнта қўлим йўқ.

— Бақирманг, ахир,— дедик,— ўзингизни босинг.

— Сизлар кўпчиликсиз, мен биттаман. Ҳаммага хизмат қилавериб нервинний бўлиб қолганман.

Унинг ёғ босган кўзларидан, қип-қизил юзидан асло «нервинний» эмаслиги кўриниб турарди.

Яна бир мисол. Яқинда трамвайда кетаётган эдим. Эрталаб транспорт тиқилинч бўлади. Нима бўлди-ю, бир йигит ўрта яшар кишининг оёғини босиб олди.

— Ҳой, кўзми, пешопами?— Деди ҳалиги киши ҳаммага эшиттириб.— Башарангга бир туширайми?

— Кечирасиз,— деди йигит мулзам бўлиб.

— Тагин кечирасиз дейди-я. Ботинкамни катта холанг ювиб берадими? Маданиятсиз, ахмоқ.

Йўқ, йигит маданиятли экан. Индамади. Аммо дили снёҳ бўлди. Бу машмашани эшитган бошқаларнинг ҳам асаби бузилди.

Кинотеатрнинг кассири-ю, магазин сотувчиси ҳам, сартарош-у, телефончи ҳам, айрим муассаса бошлиқлари ҳам асабийликдан шикоят қилишади. Негаки, улар кўпчиликка хизмат қилармиш. Айтнинг-чи, ҳозирги кунда фақат ўзига хизмат қиладиган, ўзгалар билан муомала қилмайдиган одам борми? Йўқ, «нервеннийлик» кўполликни яширувчи бир ниқоб, холос.

XX аср тараққиётининг ўзи инсон асабига кескин таъсир қилаётгани сир эмас. Шаҳар транспорти, шовқин, аҳоли зичлиги, ниҳоятда кўп информациялар, табиатдан маълум маънода узоқлашиш, ҳаво — буларнинг барчаси одам психикасига таъсир этмай қолмайди. Статистик маълумотларга қараганда, АҚШда вафот этаётган эркекларнинг тенг ярми юрак касаллиги туфайли оламдан кўз юмаркан. Бу касалликнинг кўпчилиги, кучли ёки узоқ давом этган асабийлашиш туфайли келиб чиқаркан.

Хўш, ортиқча асабийлашмаслик, ўзининг ҳам, ўзгаларнинг ҳам саломатлигига путур етказмасликнинг иложи борми? Бор. Бу аввало, ўзимизга боғлиқ. Кўпинча ўзимизнинг асабимизни, ўзимиз бузамиз.

Айтайлик, сиз ўрнингиздан кеч турдингиз. Апил-тапил юзингизни ювиб турган жойингизда бир бурда нон билан бир пиёла чой ичдингизу, бекатга югурдингиз. Иш бошланишига ярим соат вақт қолган. Кечиксангиз, гап эшитасиз. Автобус ҳадеганда келавермайди. Сиз ер тепкилаб, папирос чекасиз. Шоферни сўкасиз. Автобус тикқилинч бўлса, яна кимнидир жеркиб берасиз. Ишхонангизда гап эшитмасангиз ҳам, барибир асабингиз бузилади. Шу ку-



ни ишнинг ҳам тайини бўлмайди. Врачларнинг аниқла-  
шича кундалик режимга амал қилмайдиган ана шундай  
одамлар асабий бўларкан.

Баъзилар хумордан чиқсам, асабим тинчланади, деб  
ўйлашади. Айтайлик сиз бошлиғингиздан гап эшитдин-  
гиз-у, уйга келиб болангизни бир тарсаки урдингиз. Бу  
билан сиз асабларингизга таскин берганингиз йўқ. Ак-  
синча, ўзгалар асабини буздингиз. Мабодо сизни ноўрин  
хафа қилишса ҳам, адолатни уруш-жанжалсиз рўёбга  
чиқариш мумкин. Ҳақиқат учун бақариб-чақариш шарт  
эмас. У шундай қудратли нарсаки, ҳар қандай дилиснөх-  
ликдан устун туради.

Ўз асабини жиловлашга оналар энг ёрқин мисол бўла  
олади. Айтайлик, аёл ишдан чарчаб келди. Овқат қили-  
ши керак. Кенжатоининг кўйлагини ювиши керак. Кат-  
та ўғил галстугига сиёҳ тўкиб келибди. Иккита ўртанча-  
си дафтар талашаяпти. Бунинг устига кенжатоё диван-  
дан йиқилиб, йиғлайди. Четдан қараган одамнинг қу-  
лоқлари шанғиллаб, боши ёрилиб кетгудек бўлади. Аммо  
она жуда хотиржамлик билан ишни ҳам қилади, болалар-  
ниям овутади. Нима, унинг асаблари темирданми? Йўқ,  
ҳаёт тажрибаси онани ўз асабларини жиловлашга ўр-  
гатган. У шунга кўниккан, ўзини мажбур қилган.

Бир оғиз сўзни қай оҳангда, қай тарзда айтиш ҳақи-  
даги қадимий афсона эсингизда бўлса керак. Кунларнинг  
бирида бир подшоҳ туш кўрибди. Тушида оғзидаги ҳам-  
ма тишлари тўкилиб кетган эмш. У вазирларини бир-  
ма-бир чақариб сўрабди:

— Тушимнинг таъбирини айт.

— Ҳамма уруғ-аймоғларингиз ўлар экан,— деб жа-  
воб беришибди вазирлар.

Подшоҳ уларнинг барчасини ўлимга буюрибди. Охи-  
ри сўнгги вазирини чақарибди.

— Тушимнинг таъбирини айт.

— Яхши туш кўрибсиз, шоҳим,— дебди вазир. — Сиз  
ҳамма авлод-аждодларингиздан узоқроқ умр кўраркансиз.

Подшоҳ бу доно вазирга қимматли совға-саломлар берган экан.

Одатда ақлий меҳнат билан шуғулланувчилар айниқса кўп асабийлашиши аниқ. Айтайлик космик кема учун керакли ёнилги топган олим, бировнинг ҳаётини асраш учун мураккаб операция қилаётган хирург, юракни ёндирувчи дoston ёзган шоир, неча тунларни бедор ўтказди. Ўзининг қалби неча кунлар ловуллаб ёнади. Асаблари таранг тортилади. Аммо у буларнинг ҳаммасига табиий бир нарса деб қарасагина, завқ билан ишласагина ниятига етади. Бу тушунчани барча касб эгаларига у ёки бу даражада тадбиқ этса бўлади.

Чеховга яқин меҳрибонларидан бири хат ёзиб, унинг саботига, ўта хотиржамлигига қойил қолганини билдирганида машҳур ёзувчи унга шундай жавоб қилган экан: «Сен менинг характеримга қойил қолганингни ёзибсан. Шунга айтиб қўйяки, мен табиатан кескин, баджаҳл ва ҳоказо одамман. Лекин мен ўзимни тутабилишга ўрганиб кетганман. Негаки, ўзни тута билмаслик дуруст одамга ярашмайди».

Йирик шахсларнинг барчаси ўзини тута билишдек, ўзгалар қалбини авайлашдек ажойиб фазилатга эга бўлганлиги тарихдан маълум. Алишер Навоий турли баҳсларда жаззак одамларга гоят хотиржам, оқилона жавоб қилган. Абдулла Қаҳҳор оғир аҳволда бемор ётганда, ўзидан ҳол сўраб келганларнинг кўнглини кўтариш учун ҳазил-мутойибани қўймаган.

Инсон ўз характерини тарбиялаши мумкин. Бу мақсадда медицинада махсус тажрибалар қилиб кўрилган. Жаззак одамлардан бир қанчасини йиғиб, уларнинг асабига таъсир қиладиган гапларни айтишган. Муттасил тажрибадан кейин беморлар аста-секин ўзини тутишга, дарров тутоқиб кетмасликка ўрганишган.

Албатта, бу—медицинадаги тажриба, аммо шундай тажрибани ўзимизда синаб кўрсак ҳам бўлади. Орамизда шундай одамлар ҳам борки, аслида асаблари ҳар қанча

чарчаган бўлса-да, биз уларнинг асабийлашаётганини пайқamayмиз. Киши доимий кўникиш билан шундай натижага эришиши мумкин.

Биров сиздан ҳақли равишда ўпкаланса, ўз камчиликларингиздан кўз юммаслигингиз керак. Лекин биров сизга ноўрин ўшқирса, бекорга хафа қилсачи? Бу ўринда бир нарсани ўзингизга сингдиришингиз мумкин. Билингки, бунақа одам майда шахс бўлади. Киши бундайлардан ўзини баланд тутиши керак. Бор-е, шу билан ҳам пачакилашиб ўтираманми, деб ўзига таскин бериши ҳам кишининг яхши фазилати. Негаки жанжаллашиб турган икки кишининг қай бири ақллироқ бўлса, ўша айбдор, деган оқилона гап бор. Ақлли одам жанжал қилмайди.

Хуллас, бир оғиз сўз билан дилни ранжитмаслик, саломатликни асраш ўзимизга, иродамызга, маданиятимизга боғлиқ.

## МЕНИНГ МАҲАЛЛАМ

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир заргар бўлган экан. Қунлардан бирида шоҳ уни саройга чақириб, олтиндан тахт ясаб беришини талаб қилибди.

— Ишни қирқ кун ичида битирасан. Шартим шуки, саройдан бир қадам ҳам жилмай ишлайсан, сенга ҳамма нарсани муҳайё қилишади,—дебди подшоҳ.

Заргар ишга киришибди. Белгиланган муддат тугашига уч кун вақт қолибдики, ишнинг натижаси ҳеч кўринмасмиш. Подшо дарғазаб бўлибди.

— Мен тахтни уч кун ичида битириб бераман. Фақат битта талабим бор,—дебди заргар.—Ишни уйимга олиб бориб қиламан. Агар олтинни ўғирлайди деб қўрқсанг, кузатиб туришсин.

Заргарнинг талаби қондирилибди. У уч кун ичида чиндан ҳам тахтни битирибди. Подшо ҳайрон қолибди.

— Шунча муддатда қилолмаган ишингни қандоқ қилиб уч кунда битирдинг? — деб сўрабди.

— Саройда мен учун ҳамма нарса етарли эди-ю, лекин илҳом манбаи бўлган ўз муҳитим етмай турган эди. Шунинг учун ҳам ишни битиролмагандим,— дебди заргар.

Бу қадимий ривоят. Ҳозир ҳеч қандай тахт ҳам, ҳеч қандай подшо ҳам йўқ. Аммо муҳит деган тушунча, Ватан деган туйғу ҳамон муқаддас. Ватан деган тушунча эса ўз уйингнинг остонасидан бошланади. Балки шунинг учундир, киши ўзининг болалиги ўтган жойларни тонг саҳарда кўринган ширин туш каби энтикиб, соғиниб эслайди.

Менинг болалигим кечган Дўмбиробод қишлоғининг ўтмиш манзараларини кўз олдимга келтирар эканман, боғ-роғларга кўмилган жаннатмакон жой тасаввуримга келади. Беш-олти яшар боланинг тасаввурида дунё жуда кенг кўринади. Балки ўша пайтда Дўмбиробод қишлоғини ўраб олган боғлар жуда ҳам катта бўлмагандир. Уша ноқзорлару, ёнғоқзорлар жуда ҳам поёнсиз бўлмагандир. Аммо менинг гўдак хаёлимда улар чексиз-чегарасиз из қолдирган. Тонг палласи ҳаво тиниқ бўлганидек, ёш боланинг хотираси ҳам ёрқин бўлади. Унда кўринган одамларнинг қиёфаси аниқ сақланиб қолади.

Гира-шира ёдимда бор. Эрмонбува деган оппоқ соқоли, оппоқ қуюқ қошли чол бўлар эди. У бир шоҳи синган ола сигирини етаклаб ўтлатиб юрарди. Эрмонбува оқсоқ бўлгани учун доим ҳассага суюниб юрар, ювош сигирини арқондан бўшатиб юбориб ўтлоқ тепаликлар бағрида ёнбошлаганча биз — болаларга турли-туман афсоналар айтиб беришдан зерикмасди. Тут пишиғида қишлоқнинг ярми боласи Эрмонбуванинг кафтдеккина, озода ҳовлисида тўпланишарди. Ҳовли ўртасидаги каттакон балх тутининг йирик-йирик мевалари бизнинг насибамиз эди.

Яна бир одам аниқ хотирамда қолган. Бу—қорача юзлари чўзиқроқ Баҳри хола эди. Онамга эргашиб тўйларга борганимда Баҳри холанинг дутор чертиб, маҳзун-маҳзун қўшиқлар айтганини кўп эшитганман.

Кейин мактаб йиллари бошлади. Урушдан кейинги оғир йиллар эди. Икки уй, бир йўлакдан иборат синфхонада сабоқ олдик. Қиш кезлари тунука печка совуб қолар, биз чопонимизни ечмасдан бир-биримизнинг пинжимизга кириб ўтирардик. Мактабимиз бинноси каттакон тол тагида жойланган чойхонага яқин бўлгани учун ўша томондан чойхўрларнинг аскияси, қаҳқаҳа садолари тез-тез эшитилиб турарди.

Агар қайси куни тасодифан ўша ўзимизнинг жонажон мактабимизга—Улуғбек номли мактабга кириб қолмаганимда, балки бу узук-юлуқ хотираларни эсламаган бўлур эдим.

Ҳар бир она ўз болаларини тарбиялайди. Лекин ҳамма оналарда бир-бирига ўхшаган хусусиятлар бўлади. Бу—уларнинг меҳрибонлиги, жонкуярлиги бўлса керак. Ҳар бир мактаб ўз ўқувчиларини учирма қилади. Лекин ҳамма мактабларда бир-бирига ўхшаш хусусиятлар бўлади. Салқин йўлаклар, бўр ҳиди, кўнғироқнинг жарангдор садоси, болаларнинг шодон кулгуси — ана шу хусусиятлар бўлса керак. Балки шунинг учундир, киши қайси мактабга бормасин, нимаси биландир уни ўзининг мактабига ўхшатади. Мен ҳам ана шу янги мактабга келганимда бир вақтлар ўзим сабоқ олган синф хоналарини эсладим. Ушанда бизнинг мактабимизда бор-йўғи 180 ўқувчи таълим оларди. Ҳозирги мактабнинг уч қаватли биносига эса 1729 бола таълим оляпти экан. Оёқ остига қараб юрсангиз, аксингиз кўринадиган силлиқ пол йўлакдан юриб борарканман, мармар зиналардан юқорига кўтарилар эканман, мингларча китоб дид билан териб қўйилган мактаб кутубхонасига кирар эканман, менинг собиқ мактабимда таълим олаётган укаларимга ҳавасим келди. Киши кўз ўнгида рўй бераётган ўзгаришларга ҳадеб эътибор қилавермайди. Пайти келиб бир баҳона билан эътибор берганингизда эса шунчалик катта ўзгаришлар бўлгани, аммо уни ўзингиз пайқамай қолганингизни кўриб, ҳайрон қоласиз. Менда ҳам худди шундай ҳолат

рўй берди. Бир вақтлар ўзимга сабоқ берган Одил Қаюмов, Қўчқор Турсунов, Зухриддин Сирожиiddинов, Николай Антонович Запурцкий сингари домлаларим кексайиб қолишганини кўриб ҳайрон қолдим. Уларнинг баъзилари пенсияга чиқиб кетишибди. Баъзиларининг соғдирига оқ, юзларига ажин оралабди. Буларнинг ҳаммасини ўйлар эканман, беихтиёр Дўмбиробод маҳалласида рўй берган ўзгаришларга ҳам ҳайрат аралаш эътибор бердим. Бир вақтлар Дўмбирободдан Бешёғочгача пиёда қатнар эдик. Ҳозир бўлса, бу ерга трамвай, троллейбус, автобус қатнаб турибди. Бир эмас учта мактабда 4 мингдан ортиқ бола ўқияпти.

Улуғ Ғалабанинг 30 йиллиги арафасида Дўмбиробод гузурида жангда ҳалок бўлганлар хотирасига ҳайкал ўрнатилди-ю, шу баҳонада ўтмиш хотираларини узоқ эсладим. Шунда болалик тасаввуримга жойлашиб қолган кишиларнинг қиёфаси қайтадан жонланди. Уларнинг хотираси бирдан ёрқинлашиб, нур таратиб юборгандек бўлди. Гўдак пайтимда Эрмонбуванинг афсоналарини кўп эшитган эканману, унинг юрагида нима дардлари борлигини пайқамаган эканман. Буванинг икки навқирон ўғли—Маҳамат билан Маҳкам урушда ҳалок бўлганини билмаган эканман. Баҳри холанинг тўйларда айтган маҳзун-маҳзун қўшиқларини эшитибману, уни шундай қўшиқлар айтишга нима мажбур қилганини билмай қолибман. Баҳри хола жангоҳда ҳалок бўлган ўғли Миновар Обидовнинг ҳасратида қўшиқлар айтар экан, сўққабош қолганидан нола қилар экан. Уша пайтда биргина кўчасию, унда-мунда чироқлар кўриниб қоладиган сийрак аҳолиси бўлган Дўмбиробод қишлоғидан 150 дан ортиқ одам урушга кетган экан. Шундан 82 киши Ватан учун қурбон бўлишибди. Уларнинг хотирасига ҳайкал очилган куни жангоҳда жасорат кўрсатган ҳамқишлоқларимнинг номи яна бир бор хотирлаб ўтилди.

...Шундай қилиб мактабимга кириб қолиб, болалик хотиралари билан бугунги кунни беихтиёр солиштириб

кўрганимда ҳаёт нақадар шиддат билан илгарилаб бораётганини яна бир бор чуқур ҳис қилдим. Бу ўзгаришлар менинг қишлоғимда, менинг маҳалламда, демакки, менинг Ватанимда рўй бераётганидан фахрланиб кетдим.

### САДАҒАНГ КЕТАЙ КЎПЧИЛИК...

Кунлардан бирида афандининг оти лойга ботиб қолибди. Афанди у ёғидан тортқилаб кўрибди, бу ёғидан тортқилиб кўрибди, ҳеч чиқара олмабди. Шу яқин орадаги чойхонада бир неча киши улфатчилик қилиб ўтирган экан. Афанди уларни ёрдамга чақиришга мажбур бўлибди. Кўпчилик тўпланиб, ҳайҳайлашиб юборган экан, от ўрнидан туриб кетибди.

— Баракалла, кўпчилик. Отанга раҳмат, кўпчилик—дебди Афанди қувониб. Шу пайт кўпчилик орасида шум ниятлилар ҳам топилиб қолибди-ю, от гўшти ейишга кўнгли суст кетибди. Ҳай-ҳай сурон билан отни итариб, оёғини синдириб қўйишибди.

— Минг лаънат кўпчилик,—дебди Афанди куюниб,—сенларга ишонган менинг ўзим ахлоқман.

Ҳозир Афанди ҳам, унинг оти ботиб қоладиган лой ҳам йўқ. Лекин қош қўяман деб кўз чиқарадиган кўпчиликнинг қилиғини кўрганда баъзан одамнинг ғашини келади.

Эрталаблари автобус тиқилинч бўлади. Худди шунақа пайтда энди мўйлови чиқабошлаган қилиғи совуқ йигитча эшикка суяниб олиб без бўлиб тураверади. На тушадди, на чиқади. Бунинг устига бошқаларга ҳам халақит беради.

— Ҳой йигитча, йўлни бўшатсанг бўлмайдимми,— дейди одамлардан бирининг ғашини келиб.— Шу туришингда қанча одамга халақит бераётганингни биласанми?

Худди шу пайтда кўпчиликнинг жазаваси тутиб кетади. Биров йигитчани қоралайди, бошқа биров эса унга дашном берган одамнинг устига маломат тошини ёғдиради.

Бу гапларни эшитган тарбиясиз йигитчанинг димоғи кўтарилади. Бугун бир карра сурбетлик қилаётган бўлса, эртага ўн чандон ошириб юборади.

Яқинда Навоий театри олдидаги майдонда қизиқ воқеа бўлди. Мороженое сотилаётган дўконча олдида ўн-ўн беш киши навбат кутиб турарди. Сотувчи енг шимариб олиб мороженое билан савдо қиларди. Шу пайт савдо сусайиб қолди. Энг олдинда турган бир киши сотувчига шундай деди:

— Қайтимини беринг.

— Қанақа қайтим,— деди сотувчи,—40 тийинга иккита мороженое бердим бўлади-да. Тағин нима дейсиз?

— Тўғри, мен 40 тийин бердим. Лекин иккита мороженое 38 тийин туради. Агар мен сизга 36 тийин берсам, иккита мороженое бермасдингиз-ку.

— Ҳой, қанақа қурумсоқ одамсан?— деди орқароқдан турган қориндор киши бақариб.— Икки тийинга талашиб ўтирибсанми? Уялмайсанми?

— Ҳозирги одамларда уят борми,— деди мункиллаб қолган кампир чийиллаб.

— Ҳой, акаси жонидан,— мўйловдор бир киши шимининг чўнтагига қўл суқиб ковлаштира бошлади.— Пул керак бўлса, мана, биздан олинг. Лекин, одамларни сарғайтириб қўйманг.

Кўпчиликнинг бундай корчолонлигига нима дейсиз? Ахир бу билан улар очиқдан-очиқ ўғирликка йўл очиб беришяпти-ку. Нима учун сотувчи ҳаммадан пул «уриб» қолишига уялмаслиги керагу, харидор ўзининг ҳақини талаб қилишга уялиши керак.

Кўпчиликнинг масалага билар-билмас аралашини ақсарият ҳолларда бутун бошли жиноятга ҳам олиб келади. Яқинда Чилонзорда худди шундай ходиса бўлди.



Кечаси соат ўнларда такси машинаси уйлар орасидан қаттиқ сигнал берганча отилиб чиқди. У тротуардан шиддат билан елиб борар, қўлида бутилка кўтариб олган иккита йигит унинг кетидан қувиб келар эди. Машина сигналини эшитишди шекилли, иккита милиция ходими етиб келди. Машина тўхтади. Унинг кетидан қувиб келаётган йигитлардан бири аллақаяёққа ғойиб бўлди. Иккинчисини милиция ходимлари ушлаб олишди. Таксичи йигит машинасидан тушиб келди. Унинг ранги ўчиб кетган, қўллари қалтирар эди. У милиция вакилларига воқеани тушунтирди.

— Иккита йигит уйига элтиб қўйишимни илтимос қилди. Уларни нариги уйнинг олдига олиб келдим. Йўлкира ҳақини сўраган эдим, улардан биттаси елкамга туширди. Мен қочиб мажбур бўлдим. Ўзингиз кўрдингиз, улар бутилка кўтариб кетимдан қувишди.

Милиция вакиллари қўлга тушган йигитни машинага ўтиришга таклиф қилишди. Маст бўлиб олган йигит машинага ўтирмас, ҳадеб қайсарлик қилар эди. Шу пайт одатдагидек бекорчи кўпчилик йиғилди.

— Нима бўпти?

— Ўлсин. Манови таксичи мени босиб кетай деди.

— Ҳамма айб шоферда-ю, милиция айбсиз йигитни ушлаб ўтирибди.

— Шундоқ қилиб, туппа-тузук болани жувонмарг қилишмоқчи.

— Ҳой, милиция, нега бировни ноҳақ хафа қилипсан? Бировнинг боласини ушлашга нима ҳақинг бор? Қани, қўйиб юбор-чи, бу болани мен яхши танийман, қўй оғзидан чўп олмаган йигит.

Ҳаммаёқ бозор бўлиб кетди. Бировнинг ҳаётига хавф солган, бутилка билан уриб, бошини ёрмоқчи бўлган безорини милиция вакилининг қўлидан суғуриб олиб, қочиб юборишди. Бу ҳам етмагандек ҳамма айбни шўрлик таксичига юклаб қўйишди. Негаки у, одам юрадиган жойда машинасини тез ҳайдаган эмиш...

Ёндан чиққан ёнқозиқ бўлиб воқеага билар-билмас аралашган ўша одамларнинг биронтаси худди ўша безорилардан ўласи бўлиб калтак еса, масалага қандай аралашиш кераклигини тушунадиган бўлиб қолади. Афсуски, бу сафар улар эзгуликка эмас, қабоҳатга хизмат қилишди. Ўзларининг масъулиятсизларча гап-сўзлари билан безориларга ҳисса қўшишди.

Тўғри, баъзан кўпчилик миқ этмай турадиган пайтлар ҳам бўлади. Бир танишимнинг айтишича, шундай воқеа яқинда трамвайда рўй берибди. Трамвай Хадрага келиб тўхташи билан иккита бадмаст ёқавайрон йигит олдинги эшикдан чиқиб келибди.

— Оранда мардинг бўлса, чиқ ўртага,— дебди улардан бири кўксига муштлаб.

— Қани, ҳой номардлар, куч синашадиган одам борми ораларингда?— дебди иккинчиси.

Йўқ, трамвайда бу бадмастлар билан олишиш у ёқда турсин мушугини «пишт» дейдиган биронта ҳам мард топилмабди. Боядан буён гавжум бўлиб келаётган трамвай бирданига жимжит бўлиб қолибди. Пашша учса эшитиладиган даражада сукунат чўкибди. Безорилар кейинги бекатда тушиб кетганидан кейин «мардлар» кўпайиб қолибди.

— Бир уриб башарасини тескари қилиб қўярдим, ёш экан-да,—дебди гавдали бир йигит.

— Ҳозирги ёшлар шунақа одобсиз бўлиб кетган,— дебди ўрта яшар киши тўнғиллаб,— на одобни билади, на ҳурматни.

Хурмачасига сиққанича ичса ўладими? Бир урсам ўлариб қўярдим, раҳмим келди,— дебди спортчиларга ўхшаган мушакдор йигит.

Шундай бўпти. Улар баҳслашгунча безорилар бекатда турган қанчадан-қанча одамларнинг асабини қақшатибди...

Бизда коллектив деган тушунча ғоят ҳурмат билан тилга олинади. «Бир киши—ҳамма учун, ҳамма бир киши

чун» деган шнор ҳам, «озчилик кўпчиликка бўйсунди» деган шнор ҳам ана шу ҳурматдан келиб чиққан. Афсуски, баъзи ўринларда кўпчилик ўзининг куч-қувватини билмайди. Мабодо билса ҳам баъзилар ўзини чеккага олиб қочишга ҳаракат қилади. Аллақандай мавҳум масъулият ҳиссидан чўчиб турадиган одамлар ҳам йўқ эмас. Бу билан улар ўз атрофларида рўй бераётган воқеаларга бепарқ қарабгина қолмай, қабоҳатнинг кучайиб кетишига йўл очиб берадилар. Бундай кишиларга сиз ёмон одамсиз, десангиз, ҳайрон бўлишади. Мен ҳеч кимга ёмонлик қилганим йўқ, деб қасам ичишади. Ёмонлик қилиш билан ёмонликка шароит яратиб бериш ўртасида фарқ кўп эмас.

Кўпчилик эса катта куч. Ундан фақат эзгулик йўлида фойдаланиш керак.

### МЕН — ПАХТАКОРМАН

Мен деҳқонман. Бу сўзни мен кўксимга муштлаб айтаётганим йўқ. Бу сўзни кўлимни кўксимга қўйиб айт-япман. Мен пахтакорман.

Айтишларига қараганда, Одаматодан қолган учта ҳунар бормиш. Бир — деҳқончилик, бири — табиблик, яна бири — устозлик. Ростдан ҳам инсон боласи дунёга келибдики, ерга дон сепади, ризқу-рўз ундиради. Инсон боласи пайдо бўлибдики, ўлимга чора излайди. Инсон боласи дунёга кептики, бир-бирига устозлик қилиб, яхшиликка ўргатади.

Мен поболаримиздан қолган шу табаррук касбнинг этагидан тутганим учун, шу касбнинг нонини еганим учуннинг бор шукрона айтаман.

Мен пахта ундираман. Бу ҳунар менга ота мерос. Пахта енгил дейдилар. Маъқул гап. Аммо унинг зилдан оғир меҳнатини қилиб кўрган одам пахта кўпам енгил эмаслигини дарров билиб олади.

Пахта момиқ дейдилар. Маъқул гап. Аммо унинг ме-

тишдай қаттиқ заҳматини чеккан киши пахта кўпам мо-  
миқ эмаслигига ақли етади.

Қаҳратон қиш палласи заҳматкаш Ер чуқур нафас  
олиб уйқуга кетади. Кўклам чиққунча майин қор кўрпа-  
сини бошига тортиб ширин-ширин тушлар кўриб ётади.  
Ер ухласа ухлайдики, мен мижжа қоқмайман. Қиш бўйи  
тиззадан қор кечиб дала бошига ўғит чиқараман. Муз  
аралаш сувга кириб шўр юваман, яхоб бераман.

Иссиқ-иссиқ шамоллар билан кўклам келади. Баҳор  
ёмғирининг илиқ томчиларидан сесканиб уйғонган Ер  
кўзини очади-ю, ўз бошида турган Пахтакорни — мени  
кўради. Шу кундан ҳаловатсиз дамлар бошланади. Мен  
ариқ тозалайман, Ерни кафтдек текис қилиб мола боса-  
ман. Ниҳоят чигит Ерга тушади. Опа-Ер деймиз — Опа  
табиат деймиз. Омади гап. Лекин бу онанинг меҳрига яра-  
ша қаҳри ҳам бор. Ҳомиладор она боласининг эрта-ин-  
дин дунёга келишини қанчалик интизорлик билан кутса,  
мен ҳам ўзим эккан чигитнинг униб чиқишини шундоқ  
интиқлик билан кутиб тураман. Шунда тўсатдан осмон-  
нинг таги тешилиб узундан-узоқ ёнгарчилик бошла-  
нади-ю, чигит ивиб кетади. Мен Ер селгишини кутиб,  
яна қайтадан мола босаман, чигит ташлайман. Чигит  
Ерга тушгандан кейин қурғоқчилик бўлса яна бир бало.  
Терлаб-пишиб чигитга сув бераман. Қулогидан тортгудек  
бўлиб амаллаб ғўзани чиқариб оламан. Болам йўлга  
кирганда қандай қувонсам, ғўзам қўшқулоқ бўлганда  
шундоқ суюнаман. Аммо меннинг қувончим кўпга чўзил-  
майди. Қўққисдан совуқ туриб, бир кечада ҳамма ёқни  
шипириб кетади. Буям етмагандай дўл уриб беради. Мен  
ҳамма ишни қайтадан бошлайман. Гўдак боласи бевақт  
побуд бўлган отадек босиқ изтироб билан қайта чигит  
экаман. Ниҳоят ғўза бало-қазолардан омон қолиб қад  
кўтаради. Ана энди суғориш, чопиш, ягана қилиш деган  
гашвишлар бошланади. Мен учун нима азиз — сув азиз.  
Баҳор қисқа келган йиллари сув истаб ернинг қаърига  
сириб кетган пайтларим бўлади. Қудуқ қазийман, зовур

сувини чучук сув билан аралаштириб эгат оралатиб ғўза суғораман. Саратоннинг сариқ кунларида пахтазорнинг ичида дўзах алангаси қизийди. Эллик даража иссиққа чидай олмаган қушлар дарахт панасида тумшуғини каппа-каппа очиб ҳансирайди. Аммо мен панага қочмайман. Менинг қочишга ҳаққим йўқ. Қасал боласи устида мук тушган она сингари эгат оралайман. Ғўза касалланмадими, ҳашарот босмадими деган хавотир саратон куёшидан кўра қаттиқроқ ёндиради мени. Пахта шу хатардан ҳам ўтиб олса, эрта оқшом чоғи бўзарган уфқда ёнган митти юлдуз сингари оппоқ пахта ялт этиб жамолини кўрсатади. Бу кун менинг энг бахтиёр куним бўлади. Хотиним тўнғич ўғлимни туққанида қандоқ суюнган бўлсам, ғўзам мулойим жилмайиб оппоқ тишини кўрсатганида худди шундоқ суюнаман. Шу куни ҳамкасбларимдан суюнчи оламан. Бу қувончнинг гаштини бошидан кечирган одам билади. Буям қадимдан қолган удум.

Менинг энг серташвиш кунларим энди бошланади. Энди мен кеча-кундузнинг фарқига бормай қоламан. Каттадан-кичик ҳамма—мўйсафид чоллардан тортиб мактаб болаларигача пахтазорга шўнғийди. Дехқон боласининг қўлидан, кийимидан, борингки еган нонидан ҳам ғўзанинг ўткир ҳиди анқийдиган бўлиб қолади бу кезларда. Кечалари уйқуга кетганимда, кўз ўнгимдан соп-сапоқсиз пахта чаноқлари муттасил ўтаверади. Охири бу манзара тушимга ҳам қўшилиб кетади.

Ниҳоят хирмон кўтарилади. Йил бўйи тер тўкиб толиққан Ер уйқуга кетишга чоғланади. Куз ёмғирининг салқин томчилари остида ювиниб-тараниб ҳордиқ чиқара бошлайди. Аммо мен ҳордиқ чиқармайман. Ғўзапоя йиғишим, шудгор қилишим керак. Қор устига қор ёғиб Ер қаттиқ уйқуга кетади. Мен бўлсам ухламайман. Дала бошига ўғит олиб чиқиш керак. Муз кечиб яхоб беришимиз керак.

Бу ташвишлар тамом бўлганда қарабсизки, туйнукдан яна баҳор мўралаб турибди...

Пахта енгил дейдилар. Маъкул гап. Битта чаноқдаги пахта беш грамм келади. Мен шу беш граммдаги беш миллион тоннадан анча ошириб хирмои йиғишим керак. Буни нимага қиёс қилсам бўларкин? Бу тун коинотдаги сон-саноқсиз юлдузларни биттадан узис бир жойга тўплашга ўхшатсам чакки кетмайманми? Яхшиям оғиримни енгил қиладиган азамат машиналар ишлаб чиқарадиган ишчи дўстим бор. Яхшиям шунақа ақлли машиналарни ўйлаб топадиган олим дўстим бор. Бўлмаса пахтадек енгилу, пахтадек оғир, пахтадек юмшоғу, пахтадек қаттиқ заҳматталаб юкни кўтаришим мушкул эди.

Мен деҳқонман. Бу сўзни кўксимга муштлаб айтаётганим йўқ. Бу сўзни қўлимни кўксимга қўйиб айтаяпман. Ишчи биродарим билан олим дўстимга таъзим қилиб айтаяпман.

Мен — пахтакорман. Бобокалонларимиздан қолган шу табаррук ҳунарнинг этагидан тутганим учун, шу касбнинг нонини еганим учун минг бор шукрона айтаман.

### ОДАМИ ЭРСАНГ...

Одами эрсанг демагил одами,  
Ониким, йўқ халқ ғамидин ғами.  
А. НАВОИЙ.

Бу тантанага маҳалланинг кўпдан-кўп катта-кичиги йиғилди. Аҳмаджон отанинг шинам ҳовлиси гавжум бўлиб кетди. Гулзорлар четидаги чиройли безатилган столлар атрофига, сўриларга меҳмонлар тўпланишди.

Энг тўрда, деворга гилам қоқиб қўйилган жойда Аҳмаджон ота билан Ҳамида хола ўтиришарди. Ким билсин, бундан 50 йил илгари уларнинг никоҳ тўйи бўлганида келин билан куёв шундай ўтиришмагандир. Балки уларнинг бахт-саодатини тилаб ҳеч ким қадаҳ кўтармагандир. Уларнинг шаънига тантана-дабдабали сўзлар айтилмагандир. Лекин бугун ана шу қайноқ тилаклар-

нинг ҳаммаси айтилди. Отанинг уч ўғил, уч қизи, йигирмадан ортиқ неваралари югуриб-елиб хизмат қилишди. Чол-кампирининг олтин тўйи ана шундай нишонланди. Бундай қараганда Аҳмаджон ота эл-юрт ўртасида дoston бўладиган бирон фавқулodда қаҳрамонлик кўрсатгани йўқ. Улуғ Ватан урушида иштирок этмади. Уша пайтда Аҳмаджон отага ўхшаш педагоглар шу ернинг ўзида ҳам зарур эди. Урушдан кейинги йилларда ҳам ота одатдагидек ўз вазифасини бажариб келди. Ҳар куни эрта билан ишга боради. Болаларга дарс беради. Дарсдан кейин билими саёзроқ ўқувчилар билан алоҳида шуғулланади. Кутубхонага боради. Кечқурун маҳалланинг катта-кичик ташвишларига аралашиб юради...

Ҳа, бу ҳаётнинг фавқулodда қаҳрамонлиги йўқ. Лекин бугун эл-юрт уни бошига кўтарди. Негаки Аҳмаджон отанинг ўша кундалик ҳаётининг ўзида ҳам қаҳрамонлик бор экан. Буни унинг ўзи сезганми-йўқми, бунисини билмаймиз-у, лекин маҳалла-куй, эл-юрт буни билган экан. Отанинг катта ўғли Нўъмонжон Берлин остоналаригача жанг қилиб борди. Икки марта Шуҳрат орденини олишга сазовор бўлди. Ўртанча ўғли Халилжон Сталинград остоналарида оғир яраланди. Кенжа фарзанди Солиҳжон эса таниқли инженер бўлиб етишди, Оҳангарондаги йирик корхоналар шу йигитнинг лойиҳаси билан қурилди. Отахоннинг қизлари бири врач, бири ўзига ўхшаган педагог бўлиб эл-юртга хизмат қилди.

Кечага йирилганлар Аҳмаджон ота билан Ҳамида холанинг олтин тўйида худди шу гапларни айтишди. Бу икки оддий одам эл гами билан яшайдиган болаларни вояга етказганини ҳаяжонланиб гапиришди. Кеча охишлаб қолганида жингалак сочли бир йигит сўзга чиқди. Агар унинг иш жойини, унвонини эълон қилишмаганда бу йигит математика фанлари доктори, профессор эканлигини ҳеч ким билмасди ҳам. Йигитнинг қўлида иккита китоб бор эди. У Аҳмаджон ота билан Ҳамида хола ўтирган стол ёнига келиб ҳаяжон билан гап бошлади:

— Азиз ота-оналар. Ҳурматли дўстлар. Мен математикман. Чиройли гапириш кўпам қўлимдан келмайди. Бугун мен ҳурматли устозимга бир нарсани эслатиб қўймоқчиман. 1947 йили мактабга энди қатнай бошлаганимда Аҳмаджон ака менга алифбени ўргатган эдилар. Мен бу китобни асраб қўйгандим. Мана ўша китоб. Буниси эса менинг ўзимнинг китобим. Яқинда Москвада нашр этилган бу тўпламининг домлага ҳадя қилмоқчиман. Яна шуни ҳам айтмоқчиманки, бир вақтлар Аҳмаджон ака менда мана шу алифбега муҳаббат уйғотмаганида балки мен бугун мана бу китобни ёза олмасдим.

Денгиз тўлқинидек шовуллаган қарсақ товушлари олимнинг сўнгги сўзларини кўмиб кетди. Аҳмаджон ота бугун ўзи кўпчиликка устозлик қилаётган олимни — собиқ шогирдини бағрига босаркан, кўзларида ёш ҳалқаланди.

Орадан бир ҳафта ўтгандан кейин худди шу маҳаллада бошқа бир тантана бўлмаганида балки мен бу воқеани эслаб ўтирмасдим. Маҳалланинг бошқа чеккасида шанба кун бошқача бир тўй бўлди. Тўғри, бу тўйдаги тантаналар ҳам, дастурхондаги неъматлар ҳам худди Аҳмаджон отанинг ҳовлисидагига ўхшарди. Аммо тўйнинг руҳи бошқачароқ эди. Кун ботмасданоқ тўйхонанинг томига қўйилган тоғорадек радиокарнайлар еру кўкни ларзага келтирди. Кунгирадор нақшлар билан безатилган дарвоза олдида катта-кичик машиналар тиклиб кетди. Каттакон ҳовлининг чеккасида созандалар созини танғиллата бошлади. Қуёш ботиши билан ароқ ҳиди гул исига, қўшиқ садоси мастона ҳайқириқларга аралашиб кетди. Давра ўртасига чиқиб олган қориндор бир киши тўй эгаси Ботиржоннинг қатор фазилатларини санаб кетди. Бу йигит ажойиб шинаванда эканлиги, эл-юрт хизматига ҳамиша тайёр туриши, саҳовати, дилкашлиги, хуллас дунёда нимаинки фазилатлар бўлса, ҳаммасини ўзида мужассам қилганини айтди. Аввало шу йигитнинг саломатлиги учун қадаҳ кўтаришни илтимос



қилди. Тўй эгаси — малла сочли ошпаз Ботиржон эса бу пайтда мошранг бахмал дўпписини бостириб олиб, дарвозахона олдида ўтирар, келган меҳмонлар билан таъзим қилиб сўрашар, ҳар бир меҳмонни «хассакашларига» топшириб ўзи яна қайтиб келиб жойига ўтирарди.

Ярим кечага борганда ҳам Ботиржоннинг номига айтилаётган ҳамду-санолар тугамади. Бир-биридан қолса қулоғини кесишга шай турган номдору — номсиз отарчилар микрофонни оғзига тиққудек бўлиб овози борича кучаниб ашула айтди. Ҳамма маст бўлиб чўзилиб қолгандан кейин ҳам биттаси бўш келмади. Тонг отгунча «қаргалар»ни айтиб, бутун маҳалланинг миясини қоқиб қўлига берди. Эрталаб меҳмонлар яна кўпайди. Дошқозонларда дамланган ош тарқатилди.

Хўш, тонг отгунча номи тилда дoston бўлган бу ошпаз нима каромат кўрсатиб қўйган экан? Маълум бўлишича, унинг «қаҳрамонлиги» шундан иборат эканки, битта тўққиз яшар, битта саккиз яшар ўғилчаси бор экан.

Албатта орзу-ҳавас кўриш ҳар кимнинг ҳам тилагида бор. Ботиржон болаларининг ҳузурини кўрмоқчи бўлса бунинг айби йўқ. Халқимиз эл олдида дастурхон ёзишни қадимдан фарз деб билади. Лекин ҳалол йўл билан пул йиғган одам шунчалик катта ҳаражат қила олармикан? Ботиржонга йўқ фазилатларни ёпиштириб мақтаган маддоҳлар ҳаром йўл билан топилган таом еганларини билишармикин? Боринг-ки, бунисига ҳам чидаб турайлик. Масаланинг бошқа томони ҳам бор эди. Худди шу тўй бўлмасидан уч кун илгари қўлимга тушиб қолган мактуб мени Ботиржоннинг тўйига етаклаб борган эди. Мана ўша мактуб.

«Мен 5-синфда ўқийман. Дадам Ботир Хуррамов ҳали мен кичкиналигимдаёқ оймни ташлаб кетган эканлар. Ойимларнинг айтишларига қараганда дадам ҳар ойда менинг номимга 23 сўм нафақа пули юбориб турар эканлар. Ойимлар фабрикада ишлайдилар. Биз яхши турамиз. Фақат дадамни соғинаман. Уларни бултур янги

Йил арафасида бир марта кўрган эдик. Ушанда оймлар билан улар ишлайдиган ошхонага борган эдик. Ушандан буён учрашганимиз йўқ. Дадам менга кийим-кечак олиб бермасалар ҳам майли. Фақат ўртоқларимга менинг ҳам дадам борлигини айтгим келади. Насиба».

Хўш, ўзининг фарзандига ҳар ойда бор-йўғи 23 сўм юбориб турадиган Ботир Хуррамов қандоқ қилиб камида 2 минг сўмлик дастурхон безатиб, шунчалик тўй қилди экан? Буниси ҳам майли. Тўйи туфайли ҳамду-сано эшитган Ботиржоннинг қолган икки боласининг қисмати қандай бўляпти? Шунини аниқлаш учун болалар ўқийдиган мактабга бордик. Директор билан эринмасдан журналларни текшириб чиқдик. Маълум бўлишича, Равшан иккинчи синфдан учинчига ўта олмаган, баҳолари фақат «икки», Рустам эса биринчи синфни амаллаб битирибди. Асосий баҳолари «уч». Бундан қандай хулоса чиқариш мумкин? Хулоса жуда оддий. Ботир болаларининг қисмати уни ўйлаб эмас, уларнинг ҳақиқий инсон бўлиб етишишини ўйлаб эмас, ўзининг қудратини кўрсатиб қўйиш учун тантана қилган. Шундан бошқа гап бўлиши мумкин эмас. Бўлмаса у ўз фарзандларининг маънавий оламини назардан четда қолдирмаган бўлар эди.

Яқинда Ботиржон билан гаплашдик. Суҳбатимиз ҳеч қовушмади.

Ботир Хуррамов қонун кодексларини унча-мунча юристлардан яхшироқ билар экан.

— Қизчангизга 23 сўм нафақа юбораркансиз.

— Мен юбормайман. Маошимдан босиб олиб қолиб юборишади. Ойлигимнинг 25 проценти 23 сўм. Ҳаммаси законний.

— Демак ойлигингиз 100 сўмга ҳам бормайди. Қандай қилиб шундай дабдабали тўй қилаолдингиз?

— Орзу-ҳавасни яхши кўраман. Ўртоқларим кўп. Ёрдам беришди. Тўй қилиш айб эмас.

— Рустамжон билан Равшанжонни жуда яхши кўрасизми?

— Сиз-чи? Ким ўзининг боласини ёмон кўради?

— Бўлмаса нега уларнинг ўқишидан хабар олмай-сиз? Боши «икки»дан чиқмай қолибди-ку.

— Зиёни йўқ, ўзим ҳам 7-синфни амаллаб битирганман. Ҳаётда йўлни топиб кетса бўлди-да. Энг муҳими ҳисоб-китобни бопласа бўлди. Ўз соҳамга жойлаб қўяман.

— Ўз соҳангизда ҳамиша ишингиз силлиқ кетаверишига ишонасизми?

— Бўлмаса-чи. Мен бировга ёмон гапирмайман. Биров билан ишим йўқ. Ўзимнинг аравамни тортиб юришни биламан.

— Аравангиздаги юк ошиб кетмаяптимики? Ундаги юкнинг ҳаммаси ҳалол деб ўйлайсизми?

— Буни ҳамма ҳар хил тушунади. Масалан, мен ҳар бир одам йўлини топиб юрсин, деб ҳисоблайман.

Ана фалсафа. Ботирга ўхшаган одамлар ҳар ким тўғри йўлдан юрсин демайди, йўлини топиб юрсин деб ҳисоблайди. Бу — планг-биланг қилиб бўлса-да, «силлиқ» юрсин, керак пайтда бировга заҳар солаверсин дегани. Бу дегани мен учун муқаддас нарса йўқ, бойликка олиб борадиган йўл энг тўғри йўл дегани. Албатта бу йўл нурли уфққа олиб чиқмайди. Эртами-кечми боши берк кўчага олиб киради. Буниси аниқ. Лекин Ботирнинг тўйида оғзидан бол татиб уни мақтаган, унинг ҳаром-хариш йўллар билан топган луқмасини еб маддоҳлик қилган одамлар нега шу ёғини ўйламайди. Нега улар мен ким ҳақда гапиряпман. Мен кимни мақтаяпман. мен кимни улуғлаяпман демайди? Шуниси ачинарлики, бу тўйда ваъзхонлик қилганлардан бири ҳам педагог эди. Ботирнинг бир қизчаси шаҳарнинг бир чеккасида юргангани билладиган, бир ўғилчаси «икки» баҳо олиб ўқиётганини билладиган, тўғрироғи ўша болани ўқитадиган педагог эди. Наҳотки, бу одамда принцип бўлмаса? Наҳотки, ўқувчиларга ҳамиша ҳалол йўлни ўргатиши шарт бўлган касб эгаси бу ўринда лўттибозлик қилиб ўтирса?

У ёғини сўрасангиз худди шу дабдабадан келиб чиқадиган бошқа кўпдан-кўп маънавий хулосалар ҳам йўқ эмас. Эрталабгача ҳеч кимга тинчлик бермаган бу тўй бировнинг ғашини келтирса, бошқа бировнинг ҳавасини келтириши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас эди. Ҳалолми, ҳаромми — ишқилиб йўлини топиб шунчалик обрў орттирсанг бўларкан-ку, деб ўйлайдиган, маънавий олами саёз кишилар йўқ деб ўйлайсизми? Фалончи тўйини бундай ўтказди, сиз эса битта болангизни ҳам дурустроқ тўй қилолмаяпсиз, деб эрига хархаша қиладиган калтафаҳм хотинлар йўқ дейсизми?

Халқимиз тўйни яхши кўради. Бировни олқишласа, топган-тутганинг тўйга буюрсин дейди. Ҳақ гап, яхши тилак. Биз чиндан ҳам тўй-тантаналарни яхши кўрамиз. Биз чиройли одатларимизни яхши кўрамиз. Лекин ҳар бир тантананинг ҳам ички моҳиятига кириб бориш керак. Битта маҳаллада бир ҳафта ичида бўлиб ўтган иккита тўйни кўрганимда шуларни ўйладим.

### КАТТА ҲАЕТ БУСАҒАСИДА

*Ун икки йилдан кейин*

Яқинда Тошкентдаги мактабларнинг бирида 10-синфни бундан роппа-роса ўн икки йил илгарин битирган синфдошлар тўпланишадиган бўлишибди. Улар мени ҳам шу кечага таклиф қилишди. Собиқ синфдошларнинг учрашуви жуда ғалати бўлди. Улар ўртасида шундай савол-жавоблар бўлиб ўтди.

— Ие, Фатхулла ўзингмисан? Семириб кетганингни қара, қаерда ишляяпсан?

— Лойиҳа институтида.

— ТошМИга кирган эдинг-ку?

— Бўлмади, мендан врач чиқмас экан.

— Ановини қаранглар. Муҳаббат-ку. Эсингдами, мактабда «Шоҳи сўзана»ни қўйганимизда Ҳафиза ролини ўйнаган эди. Актриса бўлмоқчийди...

— Йўқ, ҳозир ательеда ишляпти...

— Қаримжон, болалар нечта бўлди?

— Бешта.

— Уҳ-ҳў, зўрсан-ку. Телевизорда фамилиянгни кўриб тураман-у, ўзинг кўринмайсан. Ҳужжатли фильмларда «оператор Қарим Собиров» деб ёзиб қўйишади. Уша сен-мисан?

— Узим-да...

— Инженер бўлмоқчи эдинг-ку.

— Ҳайлаб қарасам, менга инженерликдан кўра операторлик кўпроқ мос келаркан...

Уша оқшом ҳаяжонли хитоблар ҳам, кулги ҳам мўл бўлди. Аммо мени юқоридагига ўхшаш савол-жавоблар ҳаммадан кўра кўпроқ ўйлантирди. Чиндан ҳам нима учун қачонлардир врач бўлишни орзу қилган одам бугун лойиҳачи бўлиб қолди? Нима учун қачондир талантили актриса бўламан деб юрган қиз бугун тикувчилик қилади? Нега энди мактабни битираётганида тажрибали уста бўлишни орзу қилган йигит, энди педагоглик билан шуғулланаяпти? Ҳаётда бундай мисоллар нима учун кўп-лаб учрайди?

Бу масала кўпларни қизиқтираётгани бежиз эмас. Ҳамма гап шундаки, оғирликни, масофани ўлчайдиган ўлчов бор-ку, қобилиятни ўлчайдиган мезон йўқ. Мактабни битираётган кўп ўқувчилар ўзлари нимага қобил эканликларини яхши билмайдилар. Яқинда Москвада қизиқ бир тажриба ўтказилган эди. Урта мактабни битираётган 289 ўқувчига «Сен ҳар қандай касбни эгаллашга қодирмисан?» деб савол беришганида, фақат 19 нафар болагина «Йўқ, мен ҳар қандай касбни бирдек осон эгаллай олмайман» деб жавоб берган. Психолог Н. Д. Левитовнинг тажрибаси бундан ҳам қизиқ. У 1500 ўқувчидан «Сен қайси касбни танлайсан?» деб сўраганда, болаларнинг 57 проценти қандай касб танлашини билмаслиги аён бўлган.

Утган йили Литвадаги мактабларда тагин бир тажриба ўтказилган. Болалар 9-синфни битирганидан кей-

ин уларнинг ҳар бирдан қандай касбни яхши кўришини сўрашган. Шундан кейин уларни ўзлари ихлос қўйган касбдан ёрдамчи қилиб ишлатиб кўришган. Шунда жуда кўп болалар касбни нотўғри танлаганларини айтишган. Бир қиз болалигиданоқ врач бўлишни орзу қилар экан. У касалхонада бир ойча қарашиб юрганидан кейин кундалигига «Касалхона дегани турмага ўхшаган гап экан. Касалларнинг оҳ-воҳини эшитиш, қонни кўришга тоқатим қолмади» деб ёзиб қўйган.

Москвадаги техник олий ўқув юртлари студентларига «Сенга ўзинг таълим олаётган олий ўқув юрти, ўзинг эгаллаётган касб ёқадими?» деб савол беришганда студентларнинг 18 проценти «Нимага ўқиётганимни ўзим ҳам билмайман», деб жавоб берган. 12 проценти эса «Танлаган касбим мутлақо ёқмайди» деб тан олган.

Буларнинг ҳаммаси аччиқ гаплар. Аммо, ана шу аччиқ маълумотлар остида ҳақиқат ётибди. Бу ҳақиқат шундан иборат: орамизда қандай қилиб бўлмасин институтга кириб олсам бас, дейдиган ёшлар ҳам, болам амаллаб институтга кирса бўлди, дейдиган ота-оналар ҳам учраб туради.

### Ҳаёт синови

Эргаш болалигидан машина ҳайдашни орзу қиларди. Мактабда очилган автомобиль тўғарагининг энг «ашаддий» аъзоси шу бола эди. 10-синфни битирмасданоқ ҳаваскор ҳайдовчилик гувоҳномасини олди. Ўқишни битириши билан автопаркка кириб ишлашни кўнглига тугиб қўйди.

Ўқиш битди. Аттестат қўлга тегди. Энди унинг келгуси тақдири ҳақида жиддий қайғуриш бошланди.

— Инженер бўласан, — деди отаси.

Онаси янаям кўпиртирди:

— Ёлғизгина болам инженер бўлмаса ким бўларкан.

Эргаш мактабда математикадан амаллаб «уч» олиб юргани учун кириш имтиҳонидан йиқилиб чиқишига кўзи етиб турарди. Йўқ, йиқилмади. Отаси елиб-югуриб уни «амаллаб» ўқишга жойлаб қўйди. Қизик, Эргаш бундан чандон қувонмади ҳам. Биринчи курсни бир бало қилиб битирди. Иккинчи курснинг биринчи ярмидаёқ учта фандан «қарз» бўлди. Бири-бирдан мураккаб математик формулалар ҳам, физик олимлар кашф этган бошқотиргич қонунлар ҳам, юрак сиқадиган чизмачилик ҳам унинг гашини келтирар эди. У нима қилишни билмай юрганида тасодифан ҳаммаси осонгина ҳал бўлди. Бир куни такси тўхтади. Қараса, рулда ўзининг синфдоши Ботир ўтирибди.

Икки ўртоқ ярим кун шаҳар кезишди. Эртасидан бошлаб Эргаш портфелини қўлтиқлаб, таксопаркка қатнай-диган бўлди. Тўрт ойчадан кейин сир очилди. Ота-онаси «ноқобил бола» нинг ўзбошимчалигидан афсусланишди. Эргаш бўлса бекор ўтган салкам икки йил умрига ачинди.

\* \* \*

Нодир ака ишдан қайтиши билан Муниса опа ҳасрат қилди.

— Аҳад имтиҳондан «икки» олибди. Укам шўрлик доктор бўламан деб атайлаб Намангандан келган эди. Боядан буён овқат емай, тумшайиб ўтирибди.

Нодир ака қайнисини чақирди.

— Нима бўлди?— сўради гапни нимадан бошлашини билмай.

— Йиқилдим,— деди Аҳад эшитилар-эшитилмас.

— Энди нима қилмоқчисан?

— Ҳужжатларимни олиб, театральний институтига топширсам деб турибман.

Нодир ака ҳайрон бўлиб бошини қашлади.

— Қизиқсан-а, жиян, врачлик билан артистликнинг нима алоқаси бор?— Аҳад индамай елкасини қисиб қўйди.

— Ахир врач бўлмоқчимидинг?— сўради Нодир ака нуноби ошиб.

— Нима фарқи бор? — Муниса опа укасининг ёнини олди.— Врач бўлмаса артист бўлади-да. Институтга кирса бўпти-да.

— Сен қизиқсан,— хотинининг енгил-елпи гапидан Нодир аканинг гаши келди,— ахир одам бир мақсадга қараб интилиши керак-ку.

— Сиз қишлоқни билмайсиз.— Муниса опа унинг гапини бўлди.— Укам шўрлик имтиҳондан йиқилдим деб шўппайиб қишлоққа кириб борадими энди? Дўст бор, душман бор... Ҳолинг шу экан, демайдими? Поччаси ёрдам бермабди-да демайдими?

— Биринчидан ҳозир ўқишга киролмасликнинг ҳеч қанақа уят жойи йўқ. Қолаверса, қишлоққа қайтиб бориб, ўз тенгқурлари билан меҳнат қилса, яхши-ёмонни кўриб пишиса, ўзига фойда.

Уша оқшом эр-хотин узоқ баҳслашишди. Муниса опа эрини укамга ёрдам бермадингиз, деб койиди. Нодир ака ҳаммаям институтга киравериши шарт эмас, меҳнат қилиб тобланса, сиртқими, кечкими бўлимда ўқиб, билимини оширса, Аҳаднинг ўзига яхши бўлади, деб узоқ тушунтирди.

Аммо йигитча ўжар экан. Ўз билганидан қолмади. Театр ва рассомчилик институтига бориб кўрган эди, актёрликка мутлақо қобилияти йўқлигини биринчи синовдаёқ очиқ айтишди.

Аҳад отдан тушса ҳам эгардан тушмай анчагача сандирақлаб юрди. Нодир ака битта қайнисини сиғдирмабди деган гап чиқмаслиги учун анча вақт индамай юрди. Ниҳоят уч ойдан кейин қишлоққа хат ёзиб, бор гапни хабар қилди. Аҳад ўқишга кириб олдим, деб ота-онасини лақиллатиб юрган экан. Қишлоқдан келиб, олиб кетишди.

Балки ўшанда у Нодир акадан хафа бўлгандир. Аммо у ўзига тўғри йўл кўрсатганини энди тушуниб ол-



ди. Ҳозир тез-тез хат ёзиб туради, ўзи яшайдиган колхозда механик ёрдамчиси бўлиб ишлаётганини, келгуси йил автомобиль йўл институтига имтиҳон топширмақчи эканлигини айтади. Бу хатлардан ўзининг қобилиятига яраша касб топиб олган йигитнинг қувончини сезиб олиш қийин эмас.

Бу икки йигитнинг қисматини ўйлаганимда киши ўз тақдирини белгилаш учун ҳаётнинг каттами-кичикми синовидан ўтиши нақадар зарурлигига яна бир бор ишонгим келади.

### *Ҳамма эшиклар очик*

Ҳозир ҳамма олий маълумот олишни истайди. Бу бежиз эмас. Давлат ёшларнинг билим олиши учун ҳамма имкониятларни яратиб берган. Мактабда ўқийдиган ҳар бир бола учун йилига юз сўмдан кўпроқ, олий ўқув юртининг студенти учун эса йилига 800 сўмдан ортиқ маблағ қилинади.

Республикамизда илм-фан беқиёс даражада ривожланиб бораёпти. Республика халқ хўжалигида ишлаётган олий ва ўрта маълумотли кадрлар сони 620 минг кишидан ошиб кетди. Ҳозир Ўзбекистондаги институтларда, техникумларда 400 мингдан ортиқ студент таълим олаяпти.

Шундай экан, хоҳлаймизми, хоҳламаймизми барибир ҳужжат топширган беш ўқувчининг фақат биттаси маъмур институтга қабул қилинди. Шундай бир ҳолда институтга билими ниҳоятда юксак, ўзи кириб ўқимоқчи бўлган соҳа бўйича маълум бир малакага эга бўлган йигит-қизларни қабул қилиш зарурлиги ҳақида ортиқча гапириб ўтиришнинг ўрни бормикин? Айтайлик, беш боладан биттаси ўқишга кирди. Қолган тўрт «омадсиз» йигит ёки қиз нима қилиши керак?

Авалло уларни «омадсиз» деб бўлармикин? Балки улар худди шу соҳага ўқишга киролмагани омадсизлиги

эмас, аксинча омадининг келганлигидир, балки улар бу соҳада мутлақо қобилиятсиздир-у, буни ўзи пайқамай юргандир? Ҳаётда шундай ҳоллар кўп бўлади-ку. Қолаверса, биз меҳнат энг яхши тарбиячи, бахт меҳнатда деган гапларни кўп гапирамиз-у, аммо уларнинг нақадар ҳикматли эканлигини ҳамма вақт ҳам тўла тушунавермаймиз. Баъзан тушунсак ҳам амал қила олмаймиз. Инсоф билан айтганда қурувчилик ёки токарликнинг, слесарлик ёки ошпазликнинг нимаси ёмон? Бу касб эгалари бировдан ёмонроқ яшайдими? Қайси касб эгаси бўлмасин олий ўқув юртида ўқибми, ёки ўқимайми оқибат натижада барибир меҳнат қилади-ку? Нега биз баъзан ўзимиз севган касбни боламизга раво кўрмаймиз? Дурадгорлик касбини жон-дилдан яхши кўрган, шу касб орқасида рўзгор тебратаётган, орзу-ҳавас кўраётган, ҳеч нимадан нолимайдиган ота нима учун баъзан ўғлининг албатта врач бўлишини хоҳлайди? Чеварлик билан ном қозонган она нима учун қизининг албатта тарихчи бўлишини истайди? Агар боланинг ўзида бунга иқтидор бўлмасачи? Нима учун баъзан бола буёқда қолиб, ота-оналар институтдаги ўринни хомталаш қилишади? Ахир бу билан улар фақат болаларнинг қисматини чигаллаштирибгина қолмай, жамият тараққиётига ҳам тўсқинлик қилишади-ку.

Маълум бир соҳага жон-дилдан илхос қўйган таланти одам ўрнига шу соҳага қизиқмаган иқтидорсиз одам «жойлашиб» олса, жамият тараққиётига зарар етмайдими?

Мен хизмат юзасидан республикамизнинг турли чеккаларида бўламан. Тоғларни тешиб тоннель ўтказаетган, чўлларнинг қоқ ўртасида ақл бовар қилмайдиган улкан насос станциялари қураётган, офтобда қорайган хушчақчақ, бақувват йигит-қизларни кўриб, очиғи ҳавасим келади. Ҳаёт қозонида пишиб олган шунақа йигит-қизлар биринчи навбатда ўзи севган соҳадаги ўқишга қабул қилинса, жуда қувончли иш бўлар эди. Негаки

институтга «бир амаллаб» кириб олган ўнта чаламулла «студент»дан кўра битта ана шундай меҳнатсевар, қобилиятли йигит ёки қиз жамиятга кўпроқ наф етказди.

«Йигит кишига қирқ ҳунар оз» деганлари бежиз эмас. Ҳам ҳунар, ҳам билим берадиган даргоҳлар — ҳунар-техника билим юртлари ёшлар учун ҳар доим очиқ-ку. Нега биз баъзан уларни қадрламаймиз?

«Эртага ким бўламан?» деган муаммо бугун ёшларни ҳаяжонлантириб турган, бу ҳаяжоннинг бир чеккаси ота-онанинг ҳам кўнглини тўлқинлантириб турган экан, энг тўғри йўлни танлаш ўзимизга боғлиқ эмасми-кан?

### ДИПЛОМЛИ КЕЛИН

Тўй жуда чиройли ўтди. Лолахон ўз бахтидан шод эди. Одатда ҳар бир қизнинг кўнглида битмас-туганмас ширин орзулари бўлади. Тўй арафасида ҳар бир қиз бошқаларга насиб этмаган бахтга муяссар бўлаётгандек туюлади. Лолахон ҳам шод эди. У институтни битирди. Инженер бўлди. Ўзи билан бирга ўқиган Муроджонни севиб турмуш қурди.

Тўй тантаналари орқада қолди. Ҳовлини тўлдирган меҳмонлару хизматчилар уй-уйларига тарқалишди. Хонадон одатдаги ҳаётини давом эттираверди.

Ҳар бир оиланинг ўзига яраша ёзилмаган қонун-қоидалари бўлади. Шунинг учун ҳам бировнинг оиласига тушган келин дастлабки пайтларда бу қоидаларга кўни-колмай қийналади. Лолахоннинг турмушида ҳам шундай бўлди. Бу оилада ўзига яраша тартиб-қоидалар бор экан. Уч ака-ука бир ҳовлида яшайди. Ҳар бирининг ўз уй-жойи бўлса ҳам кечқурунлари бир дастурхон атрофида ўтириб овқатланишади. Уйдаги хизматлар ҳам оила аъзолари ўртасида тақсимланар эди. Биров овқат қилса,

бирова кир ювади. Биров печка ёқса, бошқа биров дазмол босади.

Лолахон аввалига бу тартибларга кўп ҳам эътибор бермай юрди-ю, кейинчалик гаши кела бошлади. Нега энди у бировнинг кирини ювиши керак? Нега энди у қўлини кўмир қилиб печка ёқаркан? У фақат эри билан ўзининг аравасини тортса бўлди-да.

...Икки ой ичида мана шу муаммолар унинг тоқатини тоқ қилди. Кечқурунлари бола-чақалар билан қий-чув қилиб овқатланиш ҳам, эрталаб барвақт туриб печкага кўмир қалаш ҳам жонига тегди. У ҳеч ким билан тортишиб ўтирмади. Гап-сўзни кўпайтирмай, онасиникига кетиб қолди.

Тор қорнимга сизган кенг уйимга сизмайсанми?— деди аяси уни юпатиб. Мен сени бировга хизматкор бўлиш учун беш йил ўқитган эмасман.

Орадан икки кун ўтди, уч кун ўтди. Бир куни Муроджон уни йўқлаб келди. Лолахон кўнглидаги гапни очиқ-ойдин айтди.

— Хоҳласангиз ўз аравамизни ўзимиз тортиб яшаймиз. Мен сизнинг акаларингизга хизмат қилиш учун келин бўлиб тушган эмасман.

Муроджон пешонасини тириштириб узоқ ўйга толди.

— Мен нима қилай?— деди ниҳоят уф тортиб.— Шунча йил ўқиганимда янгаларим пайпоғимгача ювиб дазмоллаб беришган. Шунча йилдан буён онамнинг хизматини қилишган. Мен уларга бир нима дейишим қийин.

— Унақа бўлса, ҳалиям пайпоқларингизни янгаларингизга ювдираверинг,— деди Лола қовоғини солиб.

Муроджон пешонасини тириштирган кўйи чиқиб кетди. Орадан яна бир ҳафта ўтди. Лола қилмишига пушаймон бўла бошлади. Ҳар нима бўлганда ҳам бу онладагилар унга бир оғиз ёмон гапиришмаган эди. Турмушлари ширин эди. У шуни аясига айтмоқчи бўларди-ю, бўйни ёр бермасди. Аяси ҳам икки гапнинг бирида таъкидлаб тураверди.

— Ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилгани йўқ. Хотин керак бўлса, эринг шартингга кўнсин.

Шартга кўнадиган эр ҳадеганда келавермади. Бир куни уларнинг уйига оппоқ соқолини серкиллашиб қайнотаси келди.

— Биздан нима гуноҳ ўтди қизим? — деди илтижо қилгудек бўлиб.— Иссиқ ўрнингизни совутманг. Насиб этса бола-чақалик бўлиб ўзингиздан тинчиб кетарсизлар. Одам ҳамиша яхши ният билан яшаши керак. Ниятингизни яхши қилинг.

Лола қайнотасининг фикрига тўла қўшилиб турарди. Лекин шу пайт яна орага аяси тушди.

— Мен қизимни кўмир чангаллаб печка ёқсин деб инженер қилган эмасман. Хизматкорни бошқа жойдан топасизлар. Мен боламини отасиз бўлса ҳам емаганини егизиб, киймаганини кийгизиб катта қилганман.

— Биз нима қилайлик,— деди қайнота ҳамон ўша алпозда.— Келин бўлгандан кейин хизмат қилмай иложи йўқ. Эрта-индин бола-чақали бўлса, ўзи учун ўзи хизмат қилиши керак-да.

— Хизматни бошқа келинларингиз қилаверсин. Менинг қизимнинг қўлида ярақлаган дипломи бор,— деди аяси.— Хоҳласангиз шу, хоҳламасангиз катта кўча.

Қайнота яна узоқ жимиб қолди.

— Менга ҳамма келинларим барибир. Дипломи борми, йўқми, бизнинг оиламизга фарзанд бўлса, ўз болаларига бош бўлса бас.

Бу сафар ҳам Лоланинг аяси бобиллаб берди.

— Ана ўша стройкада лой чангаллаб юрадиган келинингиз хизматкорлик қилаверсин

Чиндан ҳам Лоланинг катта овсини қурилишда ишлар, кичкина овсини тикувчи эди. Лола инженер бўлгани учун улардан ўзини анча устун ҳисобларди. Онасининг ҳозирги гапи унинг ўша истакларига мос тушди-ю, қайнотасига уйга қайтиб бормаслигини айтди.

Орадан яна бир неча ойлар ўтди. Баъзан Лола эрини туш кўриб уйғониб кетар, шунда пайтда нима учун она-сининг олдида ётганини ўзи ҳам тушунолмасди. Эрталаб онаси одатдагидек бозор-ўчарга киришиб кетар, Лола ишга борар, кечқурун эса яна ўша фэйзсиз уйга қайтар эди. У Муроджоннинг бош эгиб келишини кун сайин, соат сайин кутар, шунга ишонарди. Қизиқ, Муроджон энди келмай қўйди.

Қайси куни улар автобус бекатида кўришиб қолишди. Қизиқ, ўз эри у билан худди бегона одамдай совуққина саломлашди-ю, шошилиб таксига ўтирганча жўнаб кетди.

Наҳотки энди арзимаган баҳона билан улар бир-бирларига бегона бўлиб қолишса?

Худди шу оқшом Лолани ўйлантиришга мажбур қилган яна бир воқеа бўлди. Ҳа деганда автобус келавермади. Таксига ўтириб кетай деса шошадиган жойи йўқ. Борди-да, ўша уйига.

Анчадан кейин бекатга Лола билан бир хонада ўтириб ишлайдиган дугонаси Шарифа келиб қолди. У тўрт ёшлардаги ўғилчасини чўғдек қилиб ясатиб олган эди.

— Танишинглар,— деди нарироқда турган шляпка кийган йигитга имо қилиб.— Бу киши менинг ўртоғим бўладилар. Шарифанинг эри Лола билан самимий саломлашди. Эр-хотиннинг юриш-туришидан бахтиёрлик нафаси гуркираб турарди. Ўғилчалари гоҳ онасига, гоҳ дадасига ёпишар, чуғурлаб алланималарни гапирар эди.

— Меҳмонга кетяпмиз,— деди Шарифа.— Хоҳласангиз юринг, бирга обориб келамиз.

Лола бир нима деб баҳона қилди. Аммо нима деганини ўзи ҳам тушунмади. Дуч келган автобусга ўтириб жўнаб қолди. Қизиқ, нега энди у эри билан меҳмонга бормаслиги керак? Нега уларнинг ўғилчалари бўлмаслиги керак? Унинг Шарифадан нимаси кам?

Лола шу кеча кўп қайғурди. Кўп йиғлади. Эрталаб аяси унинг кўзлари шишиб кетганини кўриб юпатди:

— Қўявер, болам. Ун гулингдан бир гулинг очилгани йўқ. Қолаверса қўлингда дипломинг бор.

Лола ҳайрон қолди. Шу куни у кўп нарсаларни ўйлади. Нега энди у дипломи борлиги учун бошқалардан устун туриши керак? Нега энди дипломи бор келин кир ювмаслиги, овқат қилмаслиги керак экан? Ахир ҳаёт деган нарсанинг ўзи мана шундай кундалик ташвишларга асосланган-ку. Балки у дипломи борлиги учун оналикдан ҳам воз кечиши керакдир?!

Қолаверса у бошқалардан устунроқ бўлиши учун ўқиган эмас-ку. Билим олган бўлса, ўзи учун олган-ку. Нега у шуни тушунмади. Балки у ҳаммадан ақллироқман деб юргандиру, ҳаммадан кўра ахмоқроқ иш қилгандир.

Лола шу саволларга жавоб излар, аммо тополмас эди. У ишига кечикиб келди. Хонасига кирди-ю, телефон трубкасини кўтарди. Нариги томондан Муроджоннинг товуши келиши билан титроқ овозда салом берди.

— Муроджон ака, мен сиз билан гаплашишим керак,— деди секингина. Муроджон узоқ вақт жимиб қолди-да, хўрсиниб қўйди.

— Лола сифатида гаплашасизми ёки дипломли мутахассис сифатидами?

Балки Муроджон бу гапни киноя қилиб айтгандир. Лекин Лола ҳазилга йўйди.

— Лола сифатида,— деди кулимсираб.— Розимисиз. Телефонда Муроджоннинг ҳам кулгани эшитилди.

— Унақа бўлса бемалол.

Лола трубкани жойига қўйди-ю, шошилиб кийинди.

## УСТОЗ ҲУРМАТИ

Муродали ишига кеч қоладиган бўлди. Аксига олиб бугун машинаси кеч келди. Шофёрларнинг баҳонаси доим тайёр: сувни иситиб моторини юргизгунча қийна-

либ кетганмиш. Бу ёқда ҳали болани боғчага олиб бо-  
риш ҳам керак.

Муродали ўғилчасини кийинтириб, боғчага элиб  
қўйгунча соат тўққиздан ошди.

— Тезроқ ҳайданг — деди шофёрга қовоғини солиб.

Эрталаб йўллар тиқилинч бўлади. Чорраҳада улар-  
нинг машинаси ҳам узоқ тўхтаб қолди. Бу ҳам етмаган-  
дек телпагини бостириб кийган, томоғини шарф билан  
ўраб олган бир киши олд томондаги эшикни очиб боши-  
ни ичкари суқди.

— Саккизинчи поликлиникага ташлаб ўтинг, барака  
топкур. Мазам қочиб турибди.

Муродали жаҳл билан бурилиб қаради.

— Такси эмаслигини кўриб турибсизку, қанақа одам-  
сиз ўзи — деди жеркиб. Шундай деди-ю, телпакли одам  
кўзига танишдек кўринди. Хаёлига келган фикрдан бир  
силкиниб кетгандек бўлди. «Муҳиддин ака».

Бир кўнгли у собиқ ўқитувчисини машинага таклиф  
қилгиси, манзилига элиб қўйгиси ҳам келди. Лекин шу  
ондаёқ бошқа фикр устун чиқди. «Ўқитувчи бўлса нима?  
Таниб ўтирибдими?» Бунинг устига Муродали каттакон  
 заводнинг каттакон инженери бўлса, шошилиб турган  
бўлса. Ҳар ким ўзининг ишини қилиши керак-да. Идора-  
нинг машинасини бировнинг аравасига айлантириши  
қолдими энди?

Эшик ёпилиши билан машина сапчиб юриб кетди. Со-  
биқ ўқитувчи чорраҳада қиялатиб уриб турган ёмғир  
остида шумшайганча қолаверди. Машина шиддат билан  
елиб бораркан, Муродалининг хаёлида бир чеккаси  
ийманишга, бир чеккаси виждон азобига ўхшаш туйғу  
хийла жонга кирди.

— Ҳалиги одам ўқитувчимиз эди, — деди шофёрига. —  
Обориб ташласак бўларди, майли энди. Узимнинг таш-  
вишим бошимдан ошиб ётибди...

Катта заводнинг катта инженери чиндан ҳам ўзига  
етгунча ташвишлар билан банд эди. Шунинг учун чор-



раҳада қолган собиқ ўқитувчисини, ўзининг умр йўлида қолиб кетган болалик дамларини ҳам унутиб юборди. Ҳолбуки, унутмаслиги керак бўлган бир умр унутилмас хотиралар кўп эди.

Муродалилар ўқийдиган мактаб шаҳар чеккасида эди. Аслини олганда уни мактаб деб атамаса ҳам бўларди. Иккита пастак уй, битта қоронғу йўлак. Болалар ана шу мактабда тўртинчи синфни битиргунча ўқишар, кейин эса нариги маҳалладаги «катта» мактабга қатнашарди.

Муродали ана шу жажжигина мактабга биринчи марта қадам қўйганида худди мана шу киши — Муҳиддин ака унга «Алифбе»ни ўргатган эди. Урушдан кейинги оғир йиллар бўлгани учунми, мактабнинг деразалари синган, ойналари ўрнига ёғли қоғоз ёпиштириб қўйилар, синф хоналари қишда яхши иситилмасди. Муҳиддин аканинг уйи шундоққина мактаб биқинида эди. Қиш чилласида болалар чопон кийиб бир-бирининг пинжиги кириб ўтиришганда Муҳиддин ака чидаб туrolмас, уйдан ўтин олиб чиқиб занглаб кетган тунука печкага олов ёқиб, хоналарни амаллаб илитар эди.

Муродали эсласа бўладиган яна бир воқеа рўй берганди. Ушанда у ё учинчи, ё тўртинчи синфда ўқир эди. Эрта баҳорда акаларига эргашиб варрак учирини учун томга чиқди. Нимаям бўлди-ю, варрак ипини силтаб орқага югураётганида чалқанчасига йиқилиб тушди. Шу куйи у қирқ кунгача ўрнидан туrolмай ётди. Ушанда Муҳиддин ака ҳар кунни бўлмаса ҳам, кун ора уларнинг уйига келиб турди. Муродалига сабоқ ўргатди. Ҳар сафар эшикдан кириб келганида танча чеккасида ётган Муродалига қараб кулиб қўяр, кўзларида меҳрибон, мулойим табассум порлаб кетарди.

— Қалай? Тузукмисиз?— дер эди у Муродалининг тепасига келиб. Кейин уни онасига мақтаб қўярди.

— Кўрарсиз ҳали, ўғлингиз зўр йигит бўлади. Ҳисоб илмидан зеҳни жуда баланд.

Муҳиддин ака адашмаган экан. Муродали чиндан ҳам мактабни яхши битирди. Математикадан зеҳни ўткирлиги учун политехника институтига ҳамма фанлардан «беш» баҳо билан кирган эди. Мана, энди у каттакон инженер. Ўзига яраша ташвишлари бошидан ошиб ётибди. Бугун у ўзига қачондир сабоқ берган, шу кунга етиб келиши учун илк бор йўл очиб берган одамни кўчада тасодифан учратиб қолди. Домласи касал экан чоғи, томоғини боғлаб, телпак кийиб олибди. «Поликлиникага кетяпман» деди шекилли. Аслида олиб кетса ҳам бўларди-ю, иши кўп-да. Майли, бошқа машина топиб олар. Энг муҳими уни танимади-ку. Муродали шу ўй билан ўзини юпатди. Чиндан ҳам Муҳиддин ака уни танигани йўқ. Начора, болалар катта бўлгандан кейин ўсади, унади, ўзгаради. Ўқитувчи ҳамма ўқувчисини ҳам эслаб қолломайди. Мабодо бугун Муҳиддин ака Муродалини таниган тақдирда ҳам унинг ишга шошилиб кетаётганини тушунишга ҳаракат қилган, машинасида олиб кетмагани учун ранжимаган бўлар эди. Шунақа катта қалбга яхшилик ҳам, ёмонлик ҳам жойлашиб кетаверади. Катта қалб ёмонликдан ҳам яхшилик излайди. Фақат ўзгаларнинг қалби катталигидан фойдаланиб, унга ёмонликни раво кўрадиган одамлар борлигига ачинасан киши.

Агар дунёда разиллик бўлмаганида эзгуликнинг маъносини тушуниш ҳам мушкул бўлиб қолар эди. Бу воқеани Муродалининг шофёри — қўшнимиз ҳикоя қилиб берганида беихтиёр бошқа бир воқеа хотирамга келди.

Бундан икки йил илгари айни саратон пайтида Арслонбоб томонга саёҳатга бордик. Орамизда университет домласи ҳам бор эди. Бизнинг борадиган манзилимиз аниқ эмасди. Шунчаки кўнглимиз ҳоҳлаган жойда машинани тўхтатиб, дам олмоқчи, шу тариқа ўн кун айланиб келмоқчи эдик.

Тоғ қишлоғидан йўлга чиққанимизда кеч бўлиб қолганди. Иланг-биланг йўллардан юравериш адашиб қолдик. Бунинг устига қоронғи тушиб қолди.

— Қаерда чироқ кўринса бораверамиз,— деб таклиф киритди ҳамроҳларимиздан бири. Чиндан ҳам анчагина йўл юргандан кейин қуюқ дарахтзор орасидан пастакки-на уйнинг деразаларида чироқ кўринди.

Машинани тўхтатиб сигнал бердик. Ҳа деганда уй эгаси чиқавермади. Энди бурилиб кетмоқчи бўлган эдик. Тоғлиқларга хос ихчам гавдали, мўйловли бир йигит чиқди.

У ҳаммамизга бир-бир қараб қўйди-да, бирдан чеҳраси ёришди.

— Қани, марҳамат меҳмонлар,— деди қўлларини ёзганча ичкарига имо қилиб.

Тўрттала меҳмон чор атрофи олмазор билан ўралган шинамгина ҳовлига кириб қолдик. Мезбон елиб-югуриб ичкаридан шолча, кўрпа-тўшаклар олиб чиқди. Ҳовли ўртасидаги супага жой солди. Йўл юриб толиққанамиз учун дам олишга рухсат сўрадик. Бунинг устига мезбоннинг ҳаракатларида алланечук асабийлик, паришонлик сезилиб турарди.

— Йўқ, меҳмонлар, шошмаймиз, гап бор,— деди мезбон қўлини кўксига қўйиб. Кейин қора чироқни кўтариб офилхонага кириб кетди-да, каттагина қўйни етаклаб чиқди.

— Розилик берсангизлар, шу қўйни сўйсам,— деди у яна қўлини кўксига қўйиб.

Биз ҳайрон бўлиб қолдик. Ҳар қанча қаршилиқ қилишимизга қарамай, у ҳаш-паш дегунча қўйни саранжомлади. Дарҳол ошхонага қараб югурди.

У ҳамма ишни бир ўзи қилар, чамаси бу ерда болачақаси ҳам, оиласи ҳам йўқ эди.

Уша куни алла-паллагача гурунглашиб ўтирдик.

Эртасига йўлга чиқаётганимизда унинг исмини, адресини сўраб олмоқчи бўлдик.

— Сиз мени танимадингиз-а, устоз—сўради у университет домласидан.— Ахир сиз мени ярим йил ўқитгансизку. Мен ўқишни битиролмадим. Ушанда отам вафот

этиб қолганидан кейин қишлоққа қайтиб келдим.— Мезбон бир лаҳза ўйланиб турди-да, яна қўлини кўксига қўйди.— Сизларни кўнгилдагидек қутиб ололмаганим учун узр. Келинингиз ётибди. Узр-да, дурустроқ хизмат қилолмадим.

Биз ўша кунни йўл-йўлакай ўзимизни койиб кетдик. Бировнинг тинчини бузганимиз, оиласида оғир бемор бор одамни овора қилганимиз учун ўзимиздан-ўзимиз ғашимиз келар эди. Аммо ўша йигит — ўқишни битиролмаган, ҳозир колхоз фермасида ишлаётган мезбон учун оғирлигимиз тушмаганини юрак-юракдан ҳис қилар эдик. Гап дастурхонда ҳам, меҳмондўстликда ҳам эмас. Гап мана шу йигитнинг қачондир олган сабоғини эъзозлашида, бир кун бўлса ҳам эзгулик йўлида дарс берган устозини ҳурматлашида эди.

Шу воқеани эслаганимда Арслонбоб тоғининг аллақайси бурчагида фермада меҳнат қилаётган ўша йигит билан Муродали ўртасида осмон билан ерча фарқ борлигини чуқур ҳис қилдим.

Яқинда эса институтда дарс берадиган дўстим бундан ҳам қизиқ воқеани айтиб берди.

— Бир аспирантим бор эди. Билими унчалик чуқур бўлмаса ҳам, дуруст йигит эди. Атрофдагиларни ҳурмат қилар, айтилган топшириқни қўлидан келганча бажаришга интилар эди. Шунинг учун унинг илмий ишга иложи борица ёрдам беришга ҳаракат қилдим. Кўнглимининг бир чеккасида бу одам фанга каттароқ янгилик қўшмаётганидан ранжиш туйғуси бўлса ҳам ёрдамимни аямадим. Ниҳоят у диссертациясини битирди. Бошқа домлалар ҳам аспирантнинг иши анча эпақага келганини айтишди. Қизиги шундаки, ўша шогирдим диссертация ёқлаган куннинг эртасидан бошлабоқ мен билан ҳам, бошқа устозлари билан ҳам салом-аликни йиғиштириб қўйди. Албатта, мен унга ёрдам берган бўлсам, ўзимнинг устозлик бурчимни, олимлик бурчимни бажарганман. Қолаверса бировга салом бериш ё бермаслик ҳар ким-

нинг ўз иши. Гап шундаки, мен шогирд танлашда адашганим учун ўзимни кечира олмайман. Шу боланинг ўрнида бирон иқтидорли аспирант олим бўлганида фанга фойдаси тегар эди. Бу йиғит эса фақат диссертация ёқлаш учун илмий иш қилганини, бундан кейин фанга хизмат қиладиган биронта иш қилмаслигини юрагим сезиб турибди. Мен шунисига ачинаман. Нега деганда шуни яхши биламанки, киши яхши одам бўлмай туриб, ҳеч қачон яхши олим бўлолмайди.

Чиндан ҳам бу гапларда ҳикмат бор. Ота-оналар болани гўдак чоғиданоқ нонни эъзозлашга ўргатишади. Негаки, нон табаррук нарса. Ота-оналар болани гўдак чоғиданоқ китобни эъзозлашга ўргатишади. Негаки китоб табаррук нарса. У одамнинг олдида бутун дунёни очади. Ота-оналар болани гўдак чоғиданоқ устозини эъзозлашга ўргатишадими? Афсуски ҳамма ерда ҳам шундай эмас. Уқитувчининг обрўсини, умуман устоз обрўсини бола олдида бир пул қилиб камситадиган ота-оналар йўқ дейсизми?

Ҳаёт олдида, келажак авлод олдида бундан оғир гуноҳ бўлмаса керак. Негаки устоз шогирдига ҳеч қачон ёмонликни раво кўрмайди. У ҳар қандай бўлмасин боланинг қалбида эзгулик туйғусини уйғотишга ҳаракат қилади.

Бир вақтлар Александр Македонский айтган экан: «Мен отамдан устозимни улуғ деб биламан. Негаки отам менга ҳаёт берди, устозим эса яшашни ўргатди. Туғилиш осон, яшаш қийин».

Чин гап. Киши ўз ҳаётида қандай сўқмоқдан ўтмасин, хоҳласа-хоҳламаса устози берган сабоқни эслайди. Халқимизда устоз — отангдан улуғ деган гап бекорга айтилган эмас. Халқимизда авлоддан-авлодга, замондан-замонга ўтиб келган кўп урф-одатлар ҳам шундан далолат беради. Қайси ҳунар эгаси бўлмасин, этикдўзми, тўқувчими, иморат қурадиган устами, мустақил ишга киришишдан олдин устозининг розилигини олган. Бу тадбир

каттакон тантана сифатида нишонланган. Ҳар бир шо гирд устози оқ йўл бериши учун унинг кўнглини олган совға-саломлар қилган.

Бугунги кунда устоз изидан бориш учун, унинг ишини давом эттириш учун ўқитувчи ёки устозга совға-саломла бериш, унинг кўнглини олиш шарт эмас. Фақат бис устознинг ҳурмати ян жойига қўйса, шунинг ўзи бас. Аф суски ҳаммамиз ҳам ана шу оддийгина бурчни, энг та бий инсоний бурч — ҳурматни ўрнига қўёлмаймиз. Ҳол буки бу ҳар бир инсоннинг зиммасидаги энг биринчи ва зифа.

### УРИНСИЗ «ТАНТИЛИК»

Расулжон энди ишини тугатиб турган эди, телефон жиринглаб қолди.

— Танимадингми, мен Низомиддинман!

Расулжон институтда бирга ўқиган дўстини энди таниди-ю қувониб кетди. Низомиддин институтни битирганидан кейин Киевга аспирантурага ўқишга кетган эди.

— Қачон келдинг? — деди Расулжон қувониб. — Қачондан кўнғироқ қилипсан?

— Ҳозир. Вокзалдан.

Ярим соатдан кейин дўстлар сершовқин вокзал дарвозаси олдида учрашишди. Низомиддин деярли ўзгармаган эди. Расулжон ҳали хотини ишдан келмаганини билгани учун дўстини вокзалдаги ресторанга судради. Икки юз грамм коньяк ичишди. Биттадан овқатланишди. Эски хотираларни гаплашиб ўтиришди.

— Қани турдик, — деди Расулжон овқатланиб бўлганларидан кейин.

— Уйга борамиз!

Семиз бўлишига қарамай чаққон-чаққон юраётган официант хотин уларнинг олдида зипиллаб келди.

— 9 сўм 20 тийин бўлади,— деди у ҳисобга қарамаёқ.

Расулжон аёлнинг қўлига 10 сўм қистирди-да, ташаккур айтди. Икки ўртоқ ташқарига чиқишди.

Такси бекатида одам кўп эди. Навбати билан бориб ўтиришди. Улар юрадиган тарафга яна икки йўловчи чиқди. Таксичи йигит гапдон экан. Зулукдек мўйлови остидаги тилла тишларини ярақлатиб, турли латифалар айтди, куннинг исиб кетганидан ҳасрат қилди.

— Иш кўп бўлса керак,— деди Расулжон гапга аралашиб.

— Э, акалар, нимасини айтасиз! Эртадан кечгача тиним йўқ. Одамнинг тинкаси қуриб кетади. Шундаям баъзи қурумсоқ одамлар меҳнатингни қадрламайди, тийин-тийинигача санаб беради.

Бояги икки йўловчи бир сўмдан бериб, йўлда тушиб қолди. Такси Расулжонларнинг уйи сдида тўхтаганида счётчик 1 сўм 30 тийин ёзган эди. Расулжон икки сўм бериб дўсти билан тушиб кетди.

Низомиддин уларнинг уйида икки кун турди. Кейин. Фарғонага, ота-онасини кўриш учун қишлоққа кетди.

Бу воқеаларнинг ҳаммаси Расулжоннинг хстирасидан чиқиб кетган эди. Лекин орадан икки ҳафта ўтганидан кейин бир воқеа бўлди-ю, у ўша гапларни бир бошдан эслади. Шу кун у главкага ҳисобот тайёрлаш учун ишда узоқ қолиб кетди. Ташқарига чиққанида қоронғи тушиб қолган эди. Автобус ҳадеганда келавермади. Икки-учта таксига қўл кўтарган эди, йўли бошқа ёққалигини баҳона қилиб, тўхтамади. Ниҳоят, бир такси тўхтади. Расулжон шошилиб ўтирди. Юз метрча юрмасдансқ таксичини таниди. Бу ўша — зулукдек мўйловли, тилла тишлари ярақлаб турган хушчақчақ ҳайдовчи эди. У йўл-йўлакай яна латифалар айтиб борди. Орқада ўтирган йўловчи бир сўм бериб тушиб кетди. Машина манзилга етиб борганда счётчик 1 сўм 20 тийинни кўрсатар эди.

Расулжон чўнтагини кавлади-ю, хижолат бўлганидан терлаб кетди. Унинг чўнтагида бор-йўғи 90 тийин пул қолган экан.

— Кечирасиз, — деди тангаларни узатиб, — бу сафар шундай бўлиб қолди.

Таксичи тангаларни унинг қўлидан олди-да, тунука қутичага зарда билан улоқтирди.

— Бу давлатнинг машинаси, катта ака! — деди жеркиб. — Холаваччам оберган эмас!

Расулжон ярим кечагача тўлғониб ётди.

Қизиқ, нега энди у таксичига 70 тийин ортиқча пул берганида ҳеч гап бўлмаган эди-ю, бугун мўлжалдан озроқ ҳақ тўлагани учун шунча гап эшитди? Аслини олганда машинага икки киши ўтирган. 1 сўм 20 тийинни иккига бўлса, ҳар бир йўловчи 60 тийиндан тўлаши керак-ку! Агар машинани таксичига холаваччаси олиб бермаган бўлса, машина давлатники бўлса, у шунда ҳам керагидан ортиқча пул олди-ку!

Нега энди сурбетлик қилишга таксичи уялмайди-ю, Расулжон шуларни айтишга уялади? Бунақа андишанинг кимга кераги бор! Нега у индамай кетди? Нима тили қисик жойи борми?

Расулжон қайта-қайта ўзига шундай саволлар берар, аммо жавоб тополмасди.

Бундай савол, бундай кўнгилсизликлар бир марта рўй берса ёки фақат бир одам билан рўй берса бу тўғри-да гаприб ўтирмаса бўлар эди. Шуниси ёмонки, бунақа гаплар ҳар кун, ҳар қадамда учраб туради.

Газета дўконига борасиз. Беш тийин берсангиз сотувчи иккита газета беради-да, кўзини лўқ қилиб тураверади. Кел, бир тийин учун андишасизлик қилиб ўтираманми, дейсиз-у, индамай кетаверасиз. Сартарошхонага кирасиз. Сочингизни олган устага бир сўм берасиз. У илжаиниб таъзим қилади:

— Саломат бўлсинлар!



Бу дегани «40 тийин пулинг менда қолса давлагинг камайиб қолмас, кетавер», дегани бўлади. Индамай кетаверасиз.

Машичангизга бензин олиш учун талон сотиб оласиз. Ён литрлик талон 95 тийин туради. Сиз 50 литр учун 5 сўм берасиз. Дўкончи бешта талон санаб беради-да, «следующий» деб қўлини чўзади. Сиз ҳеч гапдан ҳеч гап йўқ, 25 тийинни ташлаб кетаверасиз.

Ресторанга кирасиз. Официант ким билан кирганингизни аъло даражада билиб туради. Нозикроқ меҳмон билан кирган бўлсангиз, еб-ичишингизга 7 сўм кетган бўлса 9 сўм тўлайсиз, деб тураверади. Сиз тангилик қилиб 10 сўм бериб кетасиз. Кўрибсизки, официант сиздан икки сўм юлиб қолгани етмагандек, яна бир сўм «устама ҳақ» ҳам олади.

Бир қарашда буларнинг ҳаммаси майда-чуйда гапдек туюлади. Нима қипти, бир кунда беш-ўн тийин пулингиз кетса кетар... Лекин, жиддийроқ ўйлаб қаралса, ана шу майда-чуйданинг тагида катта гап ётганини пайқаш қийин эмас. Агар газета сотувчи ҳар куни бир одамдан бир тийиндан уриб қолганда ҳам минг кишидан ўн сўм «ишлайди». Сартарош ҳар кишидан 40 тийиндан уриб қолса ҳам бир кунда 20 сўм «ишлайди». Бензинчи ҳам, официант ҳам ундан ортиқ «ишласа ишлайдики», кам ўмармайди. Таксичилар бўлса давлат машинасини ўзининг машинасидек ишлатади.

Келинг уларнинг бир кунда қанча нопок пул ишлашини ҳисобламай қўя қолайлик. Муҳими бунда ҳам эмас. Муҳими шундаки, биз ўзимизнинг кераксиз «тангилигимиз» билан, кераксиз андишалилигимиз билан кўп нарсаларни чалкаштириб юборамиз. Нопокликнинг қарор топиши учун шароит яратиб берамиз. Бора-бора қарабсизки, таксичига ортиқча пул бермасангиз тўнғиллайди. Сартарошга ортиқча пул бермасангиз, соч тўла этакни бурнингизнинг тагига келтириб қоқади. Сотувчи яхшироқ нарсани пештахта тагига яширадиган бўлиб қолади...

Яқинда бир дўстим қизиқ воқеани айтиб берди. Икки киши бўлиб бир магазинга киришибди-да, ғалати тажриба ўтказишибди. Аввал улардан бири сотувчига 4 сўм 20 тийин пул узатибдида, «Экстра» ароқ сўрабди.

— Унақаси йўқ! — дебди сотувчи қовоғини солиб.

Кейин унинг оғайниси сотувчига яқин бориб 5 сўм узатибди-да, «новчасидан» сўрабди. Сотувчи дарҳол керакли матаҳни бериб 50 тийин қайтим узатибди.

Кўрдингизми, у ҳаром пулга шунчалик ўрганиб қолганки, 38 тийин фойда ишламаса, шундоқ қўлининг остида турган нарсани йўқ деб қутилаверади. Агар ўша «мол»дан бир кунда юзтасини сотса, қанча пул ишлайди? Нақд 38 сўм ишлайди. Эгри қўлли бир чаласавод топган пулни академик ҳам тополмайди!

Шундоқ қилиб майда-чуйдадан бошланган эгрилик катталашиб кетади. Энг яхши атласнинг бир кийимлиги давлат баҳосида нари борса 30 сўм туради. Бозордан эса анча қимматга оласиз. Чайқовчи атласни фабрикадан ўғирлаб чиқадими? Йўқ, у савдо ташкилотларидан олади. Негаки чайқовчига мол оширадиган сотувчилар ортиқча пул ишламаса ухлолмайди.

Буларнинг ҳаммасига аслида ўзимиз бошлаб берган «тангилик», «сахийлик», андиша қилиш сабабчи бўлаётганини баъзан ўйлаб ҳам ўтирмаймиз.

Албатта, бундан — ҳамма савдо ходимлари ҳам қўли эгри одамлар, деган хулоса келиб чиқмайди. Яқинда бир дўстим билан қўғирчоқ театри олдидаги майдонда гаплашиб ўтирдик. Майдонча ёнбошида кичкина дўконча бор экан. Дўстим дўконча ёнига борди-да, 15 тийин узатиб, битта «Прима» сигарета олди. Индамай бурилиб кетаётган эди, кекса сотувчи уни чақирди.

— Тўхтаг йигитча, қайтимингизни олиб кетинг. Сиз уни кўчадан топиб олмагандирсиз?

Дўстим қизариб-бўзариб қайтимини олди. Аммо кекса сотувчидан ранжигани йўқ. Аксинча мамнун бўлди.

Шу воқеани кўрганимда Кисловодск шаҳрида бўлган гап-сўзлар ёдимга тушди.

Кунлардан бирида биз вокзалдан таксига ўтирдик. Тўрт йўловчи бир-биримизни танимасдик. Лекин борадиган манзилимиз бир-бирига яқин экан. Счётчик 56 тийинни кўрсатди. Ҳаммамиз 1 сўмдан узатдик.

— Қараб кўринглар,— деди таксичи,— 15 тийиндан майда топилса керак.

Шундай қилиб у тўрт кишидан 60 тийин олди.

Яна бир воқеа ҳам менга сабоқ бўлган эди. Биз дам олаётган санаторийнинг шундоққина ёнида газета дўкони бор эди. Эрталаб дўкон олди гавжум бўлиб кетарди. Бир куни навбат билан бориб «Советский спорт» ва «Кавказская здравница» газеталарини олдим. 5 тийин бериб кетавердим. Эртасига яна навбат билан газета олишга келган эдим, сотувчи аёл шундай деди:

— Мен сизга газета сотмайман, йигитча!

Ҳайрон бўлдим.

— Нега?

— Негаки кеча сиз мени ҳақорат қилдингиз. Мен сизнинг тийинингизга зор эмасман.

Мулзам бўлганимдан қайта-қайта кечирим сўрадим.

Яна бир сафар қашқадарёлик зоотехник йигит билан «Болалар дунёси» магазинига борганимизда шунга ўхшаш ибратли воқеа бўлди.

Магазинда болалар шубаси сотилаётган экан.

— Кўпдан буён қизчаларимга шуба қидириб юрган эдим,— деди зоотехник йигит. Кейин 32-размерли шубадан битта олди.

— 34-размерли ҳам борми?— деб сўради сотувчидан.

Сотувчи унақаси йўқлигини айтди.

Зоотехник унинг қулоғига шивирлади:

— Битта топиб беринг, хурсанд қиламан.

— Кўзингиз кўрми?— деди сотувчи жаҳл билан.—

Кўриб турибсизку, прилавкада нима бўлса, сотувда ҳам ўша бор!

Йўқ, сотувчининг бу муомаласидан ранжиш номардлик бўлар эди. Негаки у ҳамиятига тегилгани учун шундай кескин муомала қилди. Рост гапга, ҳалол одамга доим тан бериш керак.

Бу гапларнинг ҳаммасидан қандай хулоса чиқариш мумкин? Ҳаммамиз ҳалол меҳнат билан пул топамиз Унинг 1 сўмини ҳам, 1 тийинини ҳам эгри йўл билан қўлга киритмаймиз. Шундай экан, нега энди тўғри йўл билан топилган нарсаларни эгри йўлга сарфлаш керак экан?

Аслини олганда биз ортиқча «тангилик» билан эгри йўлга шароитни ўзимиз яратиб берамиз-ку! Шароит яратиб берамиз-да, кейин нима қилишимизни билмай юрамиз. Негаки баъзи бир нафси бузуқ одамлар эгриликни бойиш манбаига айлантириб олади. Йўқ, ҳамма нарсанинг чегараси бўлади. Уз ҳақини тўғри талаб қилиш, кескин ва қатъий талаб қилиш андишасизлик эмас! Пешона тери билан топилган меҳнат ҳақини кераксиз «тангилик» билан сочиш мардлик эмас. Биз бу оддий ҳақиқатни тушунишимиз керак.

## ОДАМЛАР УЧУН ЯШАЙМИЗ

### *Бир қулоч чизимча*

Одам бахтиёр пайтида ташвишли дамларини кам эслайди. Лекин бугун Анорқул аканинг қувончи билан ташвишли хотиралари бир-бирига қўшилиб кетди. Бугун ўзининг энг бахтиёр кунда у энг мушкул кунларини кўп эслади.

Кеча уни гузардаги мактабга учрашувга чақиришган, собиқ фронтчиларнинг учрашувини ташкил қилаяпмиз, дейишган эди. Лекин бунчалик қувончли воқеа бўлишини Анорқул ака қутмаганди. У залда тўпланган юзларча болаларга уруш хотираларини гапириб берди. Бундан кейин ҳам ўша гаплар хотира бўлиб қолсин, энди бундай

унлар қайтиб келмасин деб тилак билдирди. Шунда лар урушдаги энг яқин дўстларингиз кимлар эди, деб ўрашди.

Анорқул ака кўпларнинг номини айтди. Аммо урал-тик Максим деган йигитнинг номини кўп қайтарди. Шунда кутилмаган воқеа рўй берди. Мактаб саҳнасининг энбошидаги эшик очилди-ю, кўксига қатор-қатор орден за медаллар тақиб олган Максим кириб келди. Орадан 30 йилдан ортиқ вақт ўтганига қарамай Анорқул ака уни ганиди. Кишининг сочи оқариши, юзига ажин тушиши, юриш-туриши ўзгариши мумкин экан-у, лекин яқин одамнинг кўзи ўзгармас экан. Анорқул ака дўстини ёниб турган кўзларидан таниди. Икковлари бир-бирининг бағрига отилганча узоқ вақт туриб қолишди. Шу тобда улар юзларча қоракўз болалар ўзларига тикилиб турганини ҳам, ёш болаларнинг олдида кўз ёши қилиш ноқулайлигини ҳам унутган эдилар. Сирасини айтганда, кулги билан кўз ёши бировдан рухсат сўраб келмайди.

Тантана тугагунча ўтган икки соат мобайнида Анорқул ака ҳаммасини тушунди. Мактаб ўқувчилари жанговар дўстларни топиштириш учун озмунча ҳаракат қилишмаганини, қанчадан-қанча жойларга хат ёзиб, Максим Матвеевни Анорқул ака билан учраштириш учун Украинанинг Кривой-Рог шаҳридан топишганини билди. Буларнинг ҳаммаси қувончли гаплар эди. Айни пайтда у уруш йилларининг ўша машаққатли дамларини ҳам бир бошдан эслади.

Анорқул институтга кириб ўқимоқчи, тарихчи бўлмоқчи эди. Лекин юрт бошига тушган ташвиш уни ҳам йўлга отлантирди. Аввал Самарқандда тайёгарликни ўтади. Кейин тўғридан-тўғри дўзах-жанги қизиган жойга — Курскка бориб тушди.

Биринчи жанг кишининг хотирасида абадий сақланади. Қўрқинч туйғусидан халос бўлган одам йўқ. Анорқул ака ҳам биринчи жангда қўрқди. Душманнинг даҳшатли танки худди Анорқул ётган траншея устига бостириб

келаётганида у эсанкираб қолди. Даҳшат ичида ўзини траншея ичига ташлаб ётиб олди. У тамом бўлдим, деб ўйлаган эди. Бир зумда темирнинг гулдуросли шақир-шуқури эшитилди. Атрофни зулмат қоплади. Боши устига шивиллаб тупроқ тўкилди. Танк траншея устида туриб бир неча марта айланса, уни патир қилиб юбориши аниқ эди. Тасодифни қарангки, Анорқул ётган траншеянинг икки чеккасида иккита каттакон харсангтош бор экан. Зум ўтмай яна ичкарига қуёш нури тушди. Анорқул тупроқ аралаш бошини кўтарган эди. Нарироқда кетаётган танкни, унинг ортидан эмаклаб бориб граната иргитган паст бўйли йигитни кўрди. Шу он мўъжиза рўй берди. Анорқулнинг назарида тоғдек кўринган танк лоп этиб ёниб кетди. Бояги йигит эса яна эмаклаб орқасига қайтди-ю, сакраб Анорқулнинг олдига тушди.

— Бахтинг бор экан, оғайни,—деди елкасига қоқиб.  
— Кўрқдингми? Қўявер, ҳали урушишни ўрганиб қолсан. Биринчи гал ҳамма кўрқади.

Анорқул русчани яхши билмас эди. Лекин ўша онда бу йигитнинг гапларини дарров идрок қилди. Максим Матвеев билан дўстлашувлари шу кундан бошланди.

Оғир пайтда топилган дўст хиёнат қилмайди. Максим Матвеев билан Анорқул уруш охирлаб қолгунча, бир-бирларидан ажралишмади. Березовка деган қишлоқ яқинида бўлган жангларда икковлари бараварига жанговар Қизил Байроқ ордени билан тақдирландилар. Ана шу жангда кейин икковларининг суратларини газетада чиқаришди. Анорқул Максимдан Кёнгсберг олдидаги жангда ажралди. Тўғрироғи қорнидан оғир яраланган дўстини ўзи майдондан олиб чиқди. У Максимни аллақачон ҳалок бўлган деб ўйлаб юарди. Мана бугун дўстини топди. Мактаб ўқувчилари газетадаги ўша сурат орқали қидирув олиб боришган экан.

Учрашувнинг охири катта таптанага айланиб кетди. Болалар жанговар дўстларга газетада чиққан ўша суратнинг катталаштирилган нусхасини, жанг йиллари

учун рамзий хотира бўлиб қолган тамаки халтасини, Симоновнинг «Халхиголдан Берлингача» китобини совға қилишди.

Икки дўст, уруш машаққатини биргалашиб тортган икки ўртоқ қўлларида совға-салом билан мактабдан чиқшар экан, улардан бахтлироқ одам йўқ эди.

— Ҳозироқ уйга борамиз!— деди Анорқул ака ҳаяжонидан энтикиб.— Бизнинг одатимизда қадрдон меҳмонни қўй сўймасдан жўнатишмайди. Шошма, мана бу нарсаларни ихчамроқ қилиб ўраб олайлик.

Иккала дўст кўча ёнбошидаги магазинга киришди. Анорқул ака ўқувчилар берган совға-саломларни пештахтага қўйиб, магазинчига илтимос қилди:

— Озгина қоғоз билан бир қулоч чизимча беринг, ука...

Ёшгина сотувчи йигит уларга бир қараб қўйди-ю, газмоллар тўпини тахлашда давом этаверди. Анорқул ака дўстининг олдида мулзам бўлганини сездирмаслик учун бир лаҳза жим турди-да, яна сўради:

— Менга қаранг, ука, бир қулоч чизимча бериб юборинг.

Сотувчи бошини кескин кўтарди-да, ўшқириб берди:

— Менинг чизимча заводим борми? Қўлингиздаги матоҳни қаердан сотиб олган бўлсангиз, ўша ерга обориб ўратинг!

Анорқул аканинг устидан биров сув қўйиб юборгандек бўлди. Максим ўзбекчани билмаса ҳам нима гап бўлганини тушуниди. Унинг кўзларидаги бояги чақноқ табасум бир лаҳза соя остида қолди. Анорқул ака пештахта устидан сакраб ўтиб йигитнинг қилтироқ бўйнидан бўғиб олгиси, бурнини ерга ишқалагиси келди-ю, ўзини босди. Қўллари титраганича мактаб болаларининг арзон, аммо бебаҳо совғасини олиб, индамай эшик томон юрди. Максим ҳам бошини қуйи солганча, унга эргашди.

Иккала дўст кўчага чиққанларидан кейин ҳозиргина бўлиб ўтган кўнгилсиз воқеани унутишди. Тўғри-

роғи унутишга ҳаракат қилишди. Улар ўтмиш йил  
Мар ҳақида, бола-чақалар тўғрисида, Тошкентнинг чи-  
ройлилиги тўғрисида гаплашиб боришар, лекин юракла-  
рининг бир чеккасини адолатли бир савол кемириб  
турарди. Улар тиззасидан қон кечиб юрганида, бугунги  
қувончли ҳаёт учун жон олиб, жон бераётганда онасининг  
қорнида ётган аллақандай гўдак нима учун димоғдорлик  
қилади? Ўз ота-боболарининг жасоратини унутмай, улар-  
нинг хотирасини пок сақлаш учун тинимсиз ҳаракат қи-  
лаётган қанчадан-қанча ёшлар орасида манави сотувчи-  
га ўхшаган пулга тузоқ қўйган қадр билмас ёшлар қаёқ-  
дан пайдо бўлиб қолди. Улар нима учун ўзидан бошқа  
ҳеч кимни танимайди, жангчилар бахтиёр ҳаёт учун ку-  
рашганида, келгуси авлод тинч яшасин деб қон кечиш-  
ганда бундай қадрсизларни эмас, ёшларнинг келажагини  
ўйлаб курашган эдилар-ку!

### *Асаб ўғриси*

Муҳаммаджон ака йигирма йилдан буён бир заводда,  
бир цехда ишлайди. Шунча йил мобайнида қанчадан-қан-  
ча шогирдлар тарбиялади, қанчадан-қанча аъло сифатли  
маҳсулот ишлаб чиқарди. Дарахт бир жойда кўкаради,  
деганлари рост экан. Завод Муҳаммаджон аканинг меҳ-  
натини қадрлайди. Унга участка ажратиб, уй қуришда  
ёрдамлашишди. Мана, болалари вояга етиб, бири инже-  
нер бўлди. Яна бири ТошМИДа ўқийди. Яқинда уларнинг  
оиласида яна бир қувончли воқеа бўлди. Муҳаммаджон  
акага заводдан «Жигули» машинаси ажратишди.

Ота-бола йигиб юрган пулларни ҳисоблаб кўришса,  
етиб қолар экан. Муҳаммаджон ака оғир-босиқ одам.  
Машинанинг дарагини эшитиб, ўғил айниқса шошиб  
қолди. Қачон ишдан келса, машина нима бўлди деб сў-  
райди. Муҳаммаджон ака завод касаба союз ташкило-  
тининг бошлиғига учрашган эди, унга тушунтиришди.

Шаҳарда сотиладиган шахсий машиналарни магазин-  
га ўтказадиган ташкилот бор экан. Ўша ерга бориб, уч-



рашсангиз, рўйхатингизни магазинга юборишади дейишди.

Муҳаммаджон ака ишдан бир соатга рухсат олиб, ўша ташкилотга борди. Бу иш билан Минорхўжа деган одам шуғулланар экан.

— Мен заводдан келган эдим,— деди Муҳаммаджон ака гапани нимадан бошлашни билмай.

— Заводдагиларнинг ҳаммаси саводсиз бўладими?— деди Минорхўжа ранги ўчиб.

Муҳаммаджон ака бу замзаманинг маъносини тушунмай турган эди, секретарь қиз Минорхўжанинг феълини билар экан, шекилли, унинг гапани «таржима қилиб» берди.

— Минорхўжа аканинг қабул қиладиган кунлари бор. Йўлакка ёпиштириб қўйилган рўйхатга қарасангиз, билиб оласиз.

Муҳаммаджон аканинг саводи яхши эди. Минорхўжа сешанба куни билан шанба куни пешиндан кейин қабул қилар экан.

Бугун чоршанба. Аксига олиб Муҳаммаджон ака бу ҳафта иккинчи сменада ишлайди. Майли, бир амаллар, у жума куни соат иккига етиб келди.

— Нима гап?— деди Минорхўжа қовоғини солиб.

— Мен қайси куни келган эдим...

— Менинг олдимга ҳар куни мингта одам келади!— Минорхўжа унинг гапани кесди.— Дардингизни очиқроқ айтинг!

— Заводдан машина беришган эди. Шунинг рўйхатини сиз юборишингиз керак эди.

— Келаси жумага келинг!— Минорхўжа гап тамом дегандек бармоғини ҳўллаб қоғоз титкилашга тушди.

Муҳаммаджон ака келаси жумага келди.

— Мунча бесабр одамсиз! Келаси сешанбага келинг!

...Келаси сешанба Минорхўжа хонасида йўқ эди. Муҳаммаджон ака уни кутиб-кутиб қайтиб кетди. Жума куни яна келди.

— Машинани маза қилиб минадиган сиз. Галваси менинг бўйнимгами? Боринг, масала ҳал бўлса, рўйхатни ўзимиз юборамиз. Эшигимнинг тагида қоровулчилик қилавериб одамни безор қилдингиз!

Муҳаммаджон ака машина олиш ҳақида гап чиққанда қандай қувонган бўлса, ҳозир худди шундай хафсаласи пир бўлди:— машинага ҳам лаънат, галвасига ҳам... алам билан дил-дилидан койиди у.

Унинг бўшашиб ўтирганини кўрган секретарь қиз раҳми келди шекилли кўнгил сўради:

— Билмадим,— деди Муҳаммаджон ака куйиниб,— шу билан саккизинчи марта бу ерга келишим. Қачон келсам галга солади. Энди бўлса бутунлай йўққа чиқпти.

— Шу одамнинг гапига ишониб юрибсизми,— деди секретарь қиз шивирлаб.— Минорхўжа ака биронта одамнинг ишини аниқ ҳал қилганини ҳеч ким билмайди. Яхшиси бошлиққа кириг.

Муҳаммаджон ака нима қилишини билмай турган эди, қизнинг маслаҳати маъқул тушди. Бошлиқнинг олдига кирди.

Минорхўжани ёмонламаслик учун гапни узоқдан бошлади.

— Заводда йигирма йилдан буён ишлайман. Шуни кадрлаб менга машина ажратишган экан.

— Қачон?

— Уч ойча бўлди.

— Қайси квартал ҳисобидан.

— Унисини билмайман.

Бошлиқ Минорхўжани чақирди. Минорхўжа қарор чиқарилган папкани кўтариб кирди.

— Нимага бу одамнинг машинасини шунча пайтгача тагингизга босиб ўтирибсиз?— деди бошлиқ жаҳлдан бўғилиб.

Минорхўжа минғиллади:

— Ўзингиз биласиз, иш кўп.

— Ишни эплэй олмасангиз, қўлидан келадиган одамга бўшатиб беринг. Қачонгача одамларни сарсон қиласиз!

Муҳаммаджон аканнинг иши тахминан ўн минутда битди. Минорхўжанинг вазифаси фалончига фалон маркали машина ажратилди, деб китобга ёзиб қўйиш экан. Шу ўн минутли иш учун Муҳаммаджон ака беш марта ишдан қолди. Икки марта Минорхўжани кун бўйи кутди. Қанча асаби қайралди. Энг муҳими Минорхўжа ишлайдиган ташкилотга нисбатан унинг кўнглида ишончсизлик, норозилик уйғонди. Минорхўжа бўлса парвойи палак.

Афсуски, ҳамон орамизда на ўз вазифасини, на инсоний ҳурматни ўрнига қўядиган одамлар бор. Уларга бир нима десангиз, мен эҳтиёткорман, ўз вазифамни тўғри бажаряпман, деб жавоб қилади. Йўқ, булар умуман ҳеч қандай вазифани бажараётгани йўқ. Улар жамиятга фақат зарар келтиради. Фақат ўз ўрнини амаллаб сақлаб қолиш учун уринади. Ҳолбуки, кўпчилик билан мулоқатда бўладиган жойда ишлайдиганлар аввало ўзгаларни ўйлаши, қисқаси инсон бўлиши шарт.

### ИНСОН ҚАДРИ

Тўй аини қизиб турган пайт. Тўрда, гулдасталар ортида ўтирган келин-куёв шаънига яхши тилаклар айтишлар, созандалар соз чалиб, хонандалар қўшиқ айтишар, чироқлар нуридан чарогон бўлиб кетган ҳовлини гул иси тутиб кетган эди. Мен болаликдан бирга ўсган, бир кўрпада тепишиб катта бўлган дўстим Рустамнинг тўйида оёғим олти, қўлим етти бўлиб елиб-югуриб хизмат қилардим: яқин кишининг тўйида хизмат қилишнинг ҳам ўзгача гашти бўлади. Тўй оқшоми охирлаб қолганида таванхонага яқин келдим-у, бир бурчакда йиглаб ўтирган Мастура холани кўриб, ҳайрон қолдим. У елкалари силкинганча унсиз йиғлар, атрофида куймани-

шаётган хотинлар уни овутишга ҳаракат қилишарди. Қизиқ, якка-ёлғиз ўғли уйланаётган бўлса-ю, Мастура хола йиғлаб ўтирса? Ҳайрон бўлиб яқин бордим.

— Нима бўлди? Нега хафа бўлаяпсиз?

Мастура хола бошини кўтариб, ёш тўла кўзларини менга тикди. Чироқ нурида унинг кўзларида ёш аралаш табассум порлади.

— Ўзим, гиргиттон, ўзим,— деди хўрсиниб.— Суюнганимдан...

Мен бир лаҳза унинг кўзларига тикилиб турдим, тўсатдан ҳаммасини тушундим. Бу аёл қанча машаққатларни бошидан кечирганини, бугунги кун унинг йигирма беш йил давомида муттасил ўйлаб юрган энг бахтиёр куни эканини ҳис қилдим.

Мастура хола чақалоқ боласи билан бева қолганида нақадар мушкул аҳволда қолгани ҳам, болалик пайтимизда эртадан кечгача нима учун қўлидан кетмон тушмаганлиги ҳам, Рустамнинг бувиси — яъни қайнонаси билан шунча йиллар бирга яшаб, ҳеч қачон сиз оғзи сенга бормаганини ҳам, хуллас, мана шу ёлғиз бола учун умрини ўтказганини ҳам пайқадим. Балки бугун умр бўйи қилган орзуси рўёбга чиққан куни у ана шу ўтган умрини эслаб, кўзга ёш олгандир? 20 яшар аёл учун ёлғиз гўдаги-ю, қайнонаси билан бева қолиш осон бўлмаганини бугун айниқса чуқур ҳис қилаётгандир? Балки шу топда Рустам ҳам тўй дастурхонининг тўрида ўтириб, онасини ўйлаётгандир. Шу туйғулар унинг ҳам қалбини ларзага солаётгандир? Ўзи учун бутун умрини ўтказган онасини ҳар қанча ардоқласа арзимабдими?

Ўша оқшом тўй тарқаганидан кейин Мастура хола билан унинг қайнонаси — Рустамнинг бувиси (биз ҳаммамиз уни буви деб атаيمиз) билан тонготаргача суҳбатлашиб ўтирдик. Буви Мастура холани шу қадар дуо қилдики, агар толе унинг илтижоларига қулоқ солса, Мастура хола камида минг йил умр кўриши керак.

Шу оқшом кўп нарсаларни ўйладим. Ўзим эшитган, кўрган, баъзан эса ўзим аралашган кўп воқеалар кўз ўнгимга келди.

Тошкентдаги ҳунар-техника билим юртининг бирида катта танаффус пайтида тўс-тўполон бўлиб қолди. Ўқитувчилар хонаси шовқин-суронга тўлди. Билим юртининг талаба қизлари ҳайрон бўлиб деразадан мўралашар, сочлари тўзғиган бир аёл хонанинг ўртасида туриб олиб шовқин солар, бир чеккадаги стулда оппоқ сочли бир кампир мунгайиб ўтирар, нарироқда эса, шу ўқув юртининг талабаси тикувчилик группасининг ўқувчиси Салима олазарак бўлиб гоҳ кампирга, гоҳ аёлга қарар эди.

— Қизимни қайтариб бер, жодугар!— дер эди сочлари тўзғиган аёл бурчакда ўтирган кампирга қараб.— Сен жоду қилиб қизимнинг бошини айлантиргансан. Қайтариб берсанг бердинг, бўлмаса судга бераман. Кампир эса бир оғиз ҳам гапирмас, фақат юм-юм йиғлар эди.

Ўқув юрти дирекцияси воқеани аниқлагунча, бояги хотин ҳаммаёқни остин-устун қилиб юборди. Маълум бўлишича, Салима чиндан ҳам шу аёлнинг қизи экан. Аёлнинг турмуши келишмаганидан кейин пияниста эридан ажрашибди. Икки яшар Салимани болалар уйига топшириб, ўзи эрга тегиб кетибди. Кампир эса, қизалоқни болалар уйдан ўз тарбиясига олган экан. Буни қарангки, Салима эсини таниб, ёши улгайгандан кейин, қўлидан иш келадиган бўлиб қолгандан кейин бояги сочи тўзғиган аёлнинг «оналик меҳри» бирдан жўш уриб кетибди.

— Майли қизи рози бўлса, мен ҳам бир нима деёлмайман,— деди кампир охири.— Мен ҳаммасига розиман. Зорим бор, зўрим йўқ.

Салима кампирни зорлантириб ўтирмади. У ўзининг бошини силаган, егимлигини билдирмаган, мана шу аёлдан бошқа ҳеч кимни тан олмаслигини айтди. Лекин барибир унга қийин бўлди. Кампир унинг ота-онаси ташлаб

кетганини ҳам, етимхонадан асраб олганини ҳам айтмаган экан. Шу кун Салима дугоналари олдида жуда қаттиқ мулзам бўлди. Ота-онасининг бир вақтлар қилган аблаҳлиги учун ўзи айбдордек кечаси билан йиғлаб чиқди. Сочлари тўзғиган «она» бўлса, қизнинг кўнглини вайрон қилиб ҳаммани судга берадиган бўлиб дағдага қилди-ю, этагини қоқиб кетди-қолди. Ақалли шу болани кўпчилик ўртасида қадрсизлантириш мудҳиш бир нарса эканлигини ўйлаб ҳам ўтирмади.

Чилонзорда бўлган бир воқеа ҳам бундан қолишмайди. Икки хонали секцияда она билан ўғил яшар эдилар. Она анча йил фабрикада ишлаган. Беш йил илгари касалланиб, ишдан бўшаган. Лекин ҳали пенсия ёшига етгани йўқ. Ўғли уйланганида, неваралик бўлганида унинг боши осмонга етди. Оғзидан бол томиб, келинини мақтаб юрди. Лекин ўғли аллақачон рўзгорини бошқа қилиб олганини, муносабатлари унчаюм дуруст эмаслигини яшириб юраркан.

Кунлардан бирида келин жуда галати иш қилибди. Ишхонасидан тўртта одамни олиб келибди-да, юкларни ортиб индамай жўнаб қолибди. Гап-сўз ҳам, жанжал ҳам бўлмабди.

— Ишхонамдан уй берди, кўчиб бормасак бўлмайди,  
— дебди қайнонасига.

Кечқурун келсаки, уйда ҳеч нима йўқ. Она бўлган воқеани ўғлига тушунтирибди. Ўғил ҳовлиқиб хотинининг ишхонасига борса, ҳеч қандай уй ҳам, ҳеч қандай квартира ҳам ҳеч кимга берилган эмас. Келин қайнонам билан турулмаяпман, ётоқхонага чиқишимга рухсат беринглар деб ишхонага ариза берган. Ишхонадагилар ҳам унинг талабини қондиришган. Бўлган гап шу. Ўғил бирикки кун гангиб юрди-ю, хотинининг ётоқхонасига кетиб қолди. Орадан бир кун, икки ҳафта, бир ой ўтди. На ўғилдан хабар бор, на келиндан. Шундай қилиб, касалманд она амалда қаровсиз қолди. Оладиган ойлиги ҳам, пенсияси ҳам йўқ.

Бир кун у йиглаб ҳасрат қилди.

— Бу замонда ҳеч ким оч қолмайди. Мен қорнимга эмас, қадримга йиғлаяпман. Эрим мени ташлаб кетганида ўғлим тўрт ёшда эди. Аввалига шу бола эсини танигунча бировга зориқмасин дедим. Эсини таниганидан кейин бошқа турмуш қуришга уялдим. Ишонасизми, шу болани соат-минутига қараб овқатлантирдим. Соат-минутига қараб ухлатиб-уйғотардим. Емаганини едирдим, киймаганини кийдирдим. Отасиз ўсаётганлиги билинмасин деб велосипед деса велосипед, соат деса соат олиб бердим. Майли, нима бўлса ҳам ўзидан тинсин. Фақат менга оғир ботадигани шуки, неварамни соғиндим, қизалоғимни бир кўргим келади.

Орадан бир неча кун ўтгандан кейин, ўша йигитни кўриб қолдим.

— Кўринмай қолдингиз?— дедим гапни узоқдан бошлаб.

— Нима, насиҳат қилмоқчимисиз?— деди у қовоғини солиб.— Насиҳатни укангизга қилинг!

Унинг шунчалик топқирлигини билмаган эканман. Гапни бошламасданоқ, оқаваси қаёққа кетаётганини англади-я, азамат!

— Майли, насиҳат қилмай қўя қолайлик. Эркак кишининг оддийгина битта вазифаси бўлади. Ҳеч бўлмаса, онанинг сутини оқлаши керак!

— Бизнинг оилавий ишимизга аралашманг.

— Жилла қурса, онангиздан унча-мунча хабар олиб турунг.

— Буниси менинг ишим,— деди у ҳамон чирсиллаб.— Қолаверса, кампирнинг олдига борсам, хотиним қизимни менга кўрсатмай қўяди. Ҳамманинг боласи ўзига ширин.

— Сизчи?— дедим ижирганиб.

— Нима мен?

Хўш унга нима деб жавоб қилиш керак? Ҳамманинг боласи ўзига ширин бўлса, сен аблаҳ ҳам онангга ширин-

сан-да, десангиз тушунармикап? Тушунмаса керак. Лекин пайти келиб, тушунади. Ишқилиб ўшанда кеч бўлма-са эди...

...Вақтингиз бўлса ҳам, бўлмаса ҳам маҳалла ишлари-га аралашиб туришга тўғри келади. Яқинда маҳалламиз-даги бир мажлисга таклиф қилишди. Ростини айтсам, бунақа узоқ чўзилган, бунақа шарманда мажлисни кўрмаган эдим. Маҳалла аҳли йиғилиб, бир-бирига болта кўтариб югурган икки ака-уканинг, тўғрироғи Ҳасан-Хусаннинг масаласини муҳокама қилди.

Ҳасан билан Хусан ёнма-ён участка қуришган экан. Ҳар иккаласи ҳам бола-чақали бўлишган. Ҳар иккаласининг ҳам ўзига яраша рўзғори, ташвиши, қувончи бор. Келинларнинг гапи келишмаганми, бола-чақалар ўртаси-да жанжал чиққанми, хуллас ўртадан уч пахса девор ўраб олишган. Ҳамма жанжалга ана шу девор остига экилган бир туп олча сабаб бўлибди.

Олча пишганда Хусан аканинг катта ўғли Ҳасан ака ҳовлиси томондан чиқиб турган олча шохини қайириб, мевасини еб турганида амакиси кўриб қолади... Бир тарсаки урибди. Бу ёқда турган дадаси воқеадан хабар топиб, болта кўтариб чиқибдида, дарахтни таги билан чопиб ташлабди.

— Нега дарахтни синдирдинг? — деб ўдағайлабди ака.

— Ўзи анчадан буён синдирмоқчи бўлиб юргандим, ҳовлимга сояси тушаяпти,— деб бақирибди ука.

Шу тариқа ака-ука ёқалашиб кетишибди.

Бу воқеанинг тафсилотини ҳикоя қилишар экан, бир вақтлар ўқиган эртагъм ёдимга тушиб кетди. Адашмасам, бу корейс эртаги эди. Қайси бир мамлакатда ака-ука яшар экан. Уларнинг кичкинагина томорқаси бўларкан. Бир сафар томорқага буғдой сепишибди. Кузга бориб йиғирма қоп буғдой ўриб олишибди. Иккала ака-ука ҳосилни баравар бўлашиб олибдилар. Уша куни кечаси аканинг уйқуси ўчиб кетибди. «Менку, оилали,



бола-чақали одамман. Ёнимга кириб қарашадиган хотиним, ўғлим бор. Укам сўққабош. Ҳали ўзини тиклаб олгани йўқ. Кел, буғдойнинг яна беш қопини укамга бера қолай» дебди-да, беш қоп буғдойни укасининг омборига киритиб қўйибди. Тонг отарга яқин ука уйғониб кетибди. «Мен-ку, сўққабошман, ўзимдан бошқа ташвишим йўқ. Қийин бўлгандан акамга қийин. Бола-чақаси кўп. Кел, яхшиси буғдойимдан беш қопини акамга берай, ҳар қалай бола-чақасига ёрдам бўлади» дебди-да, беш қоп буғдойни акасининг омборига киритиб қўйибди. Шундай қилиб, ака-уканинг буғдойи яна барабар бўлиб қолган экан.

Бу эртак хаёлимдан ўтар экан, Ҳасан-Ҳусанларнинг жанжалига жимгина қулоқ солиб ўтирардим.

— Шиғил ҳосилга кирган дарахтимни кесиб ташлади-я, имонсиз! — дер ака бўғилиб.

Ажаб қилдим! Ўзинг девор ураётганингда менинг ярим қулоч жойимни ҳовлингга қўшиб олгансан! — дер эди ука ундан баланд келиб.

Шу топда, назаримда мажлис аҳлида ўтирганларнинг ҳаммаси бир нарсани ўйлар эди. Қизиқ, бир вақтлар бир онанинг тор қорнига сиққан Ҳасан-Ҳусан энди наҳотки кенг ҳовлига сиғишмай қолган бўлса. Наҳотки бир ҳовуч мева-ю, бир тутам ер учун бир-бирини еб қўйгудек бўлса. Наҳотки арзимаган бойлик акани укадан, фарзандни онадан, отани боладан жудо қилса? Инсон қадри наҳотки арзимас бойлиги, чувриндиси чиқиб кетган майда туйғулар билан ўлчанса? Начора, орамизда ўткинчи туйғулар учун виждонини сотадиган одамлар ҳалиям учрайди. Шуниси кишига айниқса таъсир қилади.

Қайси бир йили шифохонада бир киши билан ҳамхона бўлиб қолгандик. Бир қарашда бу одамнинг жиддийроқ касали йўққа ўхшар, аммо врачлар уни жуда эҳтиёт бўлиб парвариш қилишар эди. Кейин билсам, унинг хафа бўлса ҳушидан кетиб қоладиган одати бор экан. Бу одамнинг олдига бўйи етган қиз ҳар куни келиб хабар олиб

турарди. Бир жойда узоқ вақт биргалашиб туз-насиба егандан кейин киши беихтиёр сирдош бўлиб қолади.

— Ҳаммадан ҳам қизимга қийин бўлди,— деб қолди бир куни ҳамхона.— Айни ўйнаб-куладиган пайтида уятга қолди.

Шу тариқа у ўзининг чалкаш қисматини гапириб берди. У хотини билан ўн беш йил турмуш қурган экан. Бундан бир йил илгари унинг кўзига парда тушиб, кўр бўлиб қолибди. Хотини аввалига унинг ҳолидан хабар олиб турибди-ю, бора-бора силтайдиган, жеркийдиган одат чиқарибди. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, бегона бир одам билан қочиб кетибди.

— Ҳайрон бўлаяпсизми,— деди ҳамхонам хўрсиниб.— Аввалига мен ҳам ҳайрон бўлдим. Ўз қулоғимга ўзим ишонмадим. Узингиз ўйланг, наҳотки ўн беш йил бир ёстиққа бош қўйган, бир товоқдан туз тотган аёл ёши қирқдан ошганида бегона эркакнинг этагидан тутиб кетса? Тагин ногирон эрини ташлаб, бўйи етган қизининг юзини ерга қаратиб кетса? Начора, бора-бора кўникдим. Докторларга минг раҳмат! Кўзимни очиб ёруғ дунёни қайта кўрсатишди. Лекин уйга қайтиб келганимдан кейин, тўғриси кўзим очилганига хафа бўлдим. Негаки, орадан уч ҳафтача ўтгач, хотиним менинг тузалганимни эшитибди шекилли, ҳеч нима бўлмагандек, кўчадан иршайиб кириб келди. Қўлимга нима тушса ҳаммасини улоқтирибман. Кейин ҳушимдан кетиб қолибман. Ушандан буён сал хафа бўлсам, ўзимни йўқотиб қўяман. Менинг-ку, неча йиллик умрим қолгани аён эмас, фақат қизимга ачинаман.

У ўнинчи синфда ўқийди. Онасининг қилмишидан ўртоқлари олдида доим маъюс бўлиб юради...

Бунга нима дейиш мумкин? Ўзига яқин бир инсоннинг қадрини, ўз фарзандининг қадрини, шилтаси чиққан туйғуга алишган одамни ким деб аташ керак?!

Орамизда бундай кимсалар оз. Балки яхшилар кўп бўлгани учун, ёмонлар отнинг қашқасидай кўрниниб қо-

лаётгандир? Балки эл-юртимиз бундай иллатларга жирканиб қараётгани учун улар кўзга яққол ташланиб қолаётгандир?.. Шундай бўлса не ажаб?! Ахир, халқимизда иззат-ҳурмат, сабр-қаноат, қадр деган тушунчалар табаррук саналади. Шоир ҳам бу борада шундай деб ёзгани бежиз эмас-ку:

Дўстлар! Яхшиларни авайлаб сақланг!  
«Салом» деган сўзнинг салмоғин оқланг.  
Улганга юз соат йиғлаб тургандан,  
Уни тирикликда бир соат йўқланг.

### «МЕҲНАТГА БЎЙИН ЭГСИН»

«Туринг, суд келяпти!» Уч оғиз сўз. Уни эшитганда биров сергакланади, биров изтироб чекади. Лекин ҳеч ким лоқайд қолмайди.

— Туринг, суд келяпти!

Залга тўпланган одамлар оёққа қалқди. Исмоил ака сергакланди. Ҳалима ая ваҳимага тушди. Жалил эса изтироб ичида бошини ҳам қилди. Бугун судда унинг иши кўриляпти. Бугун у қора курсида ўтирибди. Яқиндагина у мактаб партасида ўтирарди. Биринчи партада, шундоқ ўқитувчининг рўпарасида.

Нима бўлди ўзи? Ахир кечагина эмасми, у синфдошлари билан югуришиб юрганлари. Кечагина эмасми, битириш кечасида ўртоқлари номидан нутқ сўзлагани!

Ҳали орадан бир йил ҳам ўтгани йўқ. Атиги, бир неча ой. Нақадар оз вақт! Кеча мактаб партаси, бугун суд курсиси. Нақадар узоқ вақт! Энди унинг орзулари нима бўлади? Ахир, у архитектор бўлмоқчи эди-ку. Ўзининг қобилиятли одам эканини кўрсатмоқчи эди-ку. Нима бўлди ўзи? Нимадан бошланди ҳаммаси?

Жалил буларнинг ҳаммасини энди ўйлаяпти. Начора, баъзан шунақа бўлади ўзи. Баъзилар оқибат рўй берганидан кейин сабабини қидира бошлайди. Жалилники ҳам шунақа бўлди. Мана, у оқибат кўринганидан кейин шунга сабаб бўлган воқеалар тўғрисида бош қотирыпти.

Ҳа, у яхши ўқирди. Мактабга қачон комиссия келса, албатта Жалил доскага чиқарди. Бошқа бирон мактабга ўқувчилар вакил қилиб юборилса, Жалил делегация бошлиғи қилиб тайинланарди. Бора-бора шундай бўлдики, бирон ўқитувчи «беш»дан бошқа баҳо қўйса, Жалилга ҳақоратдай туюладиган бўлиб қолди.

Уйда бўлса унга ҳамма шароит яратиб берилган эди. У тўққизинчи синфга ўтганда моторли велосипед мингиси келди. Дадаси йўқ демади. Санаторийга бориб дам олмоқчи бўлган пулидан велосипед олиб берди. Унингча ўтганда «Ракета» деган соат тақишни орзу қилди. Бу сафар дадаси койиб берди. Аммо ойсис ўртага тушди.

Сирасини айтганда, Жалилнинг ёлғиз фарзандлиги унга анча қўл келарди. Бир вақтлар опаси бўлган экану, қизамиқданми, аллақанақа касалликдан нобуд бўлган экан. Уша-ўша онаси Жалилни ерга қўйсам чанг, осмонга қўйсам гард юқмасин деб авайларди. Ҳар нима бўлганда ҳам Жалил ота-онасининг ишончини оқлади. Мактабни аълочи ўқувчи сифатида битирди.

Жалил ўз кучига ортиқча баҳо берган экан. Мактабда кўтар-кўтар қилишгани билан билими ўзи ўйлаганчалик кучли эмас экан. У биринчи имтиҳонданоқ уч олди. Иккинчи имтиҳонни амаллаб тўртга топширди. Учинчи имтиҳондан яна уч олди. Бу баҳолар билан мандат комиссиясидан ўтишни ўйламасаям бўларди. Бунинг устига, меҳнат стажи йўқ. Жалилнинг назарида институт домлалари ноҳақ баҳо қўйгандай, унинг қадрига етмагандай туюлди. Устига устак Ҳалима ая шовқин солди:

— Худо олсин ҳаммасини! Ҳар ким ўзиникига жон тортади. Шундоқ аълочи бола киролмаса, ким кирар экан ўқишга! Уртоқларининг олдида қандоқ бош кўтариб юради?!

Бу сафар Исмоил аканинг жаҳли чиқди.

— Эсинг жойидами ўзи!— деди Ҳалима аяни койиб.— Институтга киролмасликнинг нимаси айб экан? Ҳозир ўнта боладан биттасини чертиб-чертиб олишади. Сенинг

Ўғлингдан яхшироқ ўқийдиган бола йўқми, бутун Ўзбекистонда?!

— Хўп, нима қилсин, қаёққа борсин, бола?

— Қаёққа борарди. Архитектор бўлиш орзуси бор экан, ана қурилишда ишласин. Қўли иш ўрганади, кўзи пишйди.

Шунча йил ўқиб, энди лой чангаллаб юрсинми, ёлғиз болангиз! Ё ўзингизга ўхшаган рабочий бўлсинми?

— Рабочий бўлса нима қипти?— Мен шунча йил заводда ишлаб ёмон бўлдимми? Ё топганим етмадими сенга?

— Сизнинг йўлингиз бошқа. Жалил ҳали ёш, суяги қотмаган.

— Бўлмаса билмадим,— деди Исмоил ака бўғилиб.— Ана хоҳласа ҳунар юртида ўқисин! Ҳам ҳунар ўрганади, ҳам билим олади. Битирганидан кейин институтга имтиҳонсиз киради.

— Ҳо, унгача армияга обкетиб қолсинми?

— Армияга борса нима қипти!— Исмоил ака баттар бўғилди.

— Қайтага одам бўлиб келади.

Уша кеча эр-хотин узоқ баҳслашишди. Жалил ўз хонасида уларнинг жанжалини эшитиб ётди. У юрагининг бир чеккасида отаси ҳақ гапни айтаётганини ҳис қилар, ўз тенгдошларига қўшилиб, ўйнаб-кулиб ишлагиси келар, аммо шу ондаёқ онасининг сўзлари қулоғида акс-садо берарди. «Ўртоқлари ичида қандоқ бош кўтариб юради!» У шуни ўйларди-ю, дарров фикридан қайтар эди. Рост-да мактабнинг энг олди ўқувчиси институтга киролмаса!

Эр-хотин жанжали бир ҳафтача давом этди. Охири Ҳалима ая ютиб чиқди. Жалил ҳеч қаерда ишламай, бутун бир йил кириш имтиҳонларига қайтадан тайёрланадиган бўлди. Бу фикр ўзига ям ёқиб тушди. Бир ойча математика, физика дарсларини қайта-қайта ўқиди. Аммо бора-бора зерикди. Бекорчилик жонига тегди. Кў-

чага чиқадди, уйга киради. Биров ишда, биров ўқишда. Собиқ синфдошлари билан кўча-куйда учрашиб қолса, ҳаммаси шошиб турган бўлади. Бир куни бекатда Анварни кўрди. Авиация заводда ишлаётган экан. Кечки институтда ўқирмиш. Шунини битириб инженер бўлармиш. Муҳаббат бўлса медицина техникумига кирибди. Иккови ҳам Жалилни койди.

— Сандирақлаб юраверасанми! Вақтинча бўлсаям ишга кир!

Жалил ўртоқларининг гапиди опасига айтган эди, Ҳалима ая бурнини жийрди.

— Улар сенинг тенгинг эмас!

Жалилнинг зерикаётганини кўриб Ҳалима ая қўлига унча-мунча пул бериб, кинога юборадиган бўлди. Шундай кунлардан бирида Жалил уйларининг охириги подъездда турадиган Темур билан учрашиб қолди. Володя иккови карта ўйнаб ўтиришган экан. Бу болалар Жалилдан икки-уч ёш катта бўлиб, Жалил улар билан деярлик гаплашмас, унчалик ёқтирмас ҳам эди. Тузукроқ алоқа қиладиган одами бўлмагандан кейин шу болалар ҳам кўзига яхши кўриниб кетди. Уша куни алла-паллагача карта ўйнашди, йўқ, пулга эмас, шунчаки.

Шанба куни учовлашиб паркка — танцага боришди. Темур билан Володя Жалилни вино билан меҳмон қилишди. Шу куни Жалил ўзини жуда бахтиёр ҳис этди. Кейин ҳафтасига икки марта, ундан кейин кун ора танцага борадиган бўлишди. Ҳадеб бировнинг виносини ичавериш яхши эмас. Жалил танцага бораётганида опасидан бир сўмдан пул сўрайдиган бўлди.

Албатта, у қаёққа кетаётганини яширар, кутубхонага бораман деб баҳона қилар эди. Унинг кун ора алла-паллагача қолиб кетиши Исмоил ақани шубҳага солди шекли, ўғлинига пул бермайсан деб Ҳалима аяни сиқувга олди.

Жалил онлави пул сервантдаги чинни вазада туршини билар эди. Бир гал 3 сўм, бир гал 5 сўм ўғирлади.

Ҳалима ая билмадимми, ё билса ҳам сезмасликка солдими, аммо Жалил онасининг унсиз йиглаб ўтирганини икки марта кўрди. У худди бош-кети йўқ, чалкаш туш кўраётганга ўхшар, аммо уйғонолмас эди. Кун ботиши билан ўша паркка, пана скамейкага бориб қолганини ўзиям билмас эди.

Кунлардан бирида Темур билан Володя танца майдончасида бир йигит билан гижиллашиб қолишди. Орага Жалил қўшилди. Танцага келишганида пуллари йўқ эди... Жанжалдан кейин ароқ сотиб олиб ичишди. Энди Жалилнинг ўзи жанжал чиқаргиси келадиган, икки шериги ёрдамида бировга тихирлик қилиб пул топишни қўмсайдиган бўлиб қолди.

Бир куни кечқурун паркда қотмагина йигитчага рўпара келди. Ўз одатига биноан папирос сўради. Йигитча чекмас экан. Жалилга бунинг аҳамияти йўқ эди. У орқасида икки шериги турганини билиб йигитчага қўл кўтарди. Аммо шу ондаёқ ўзи ер парчин бўлиб тушди. Кейинги лаҳзада у бояги йигитча иккала ўртоғини ҳам елкасидан ошириб улоқтириб ташлаганини кўрди. Қаёқдандир милиция етиб келди. Уч оғайнининг хатти-ҳаракатини анчадан бери кузатиб юришган экан, оёғини ерга тегизмай олиб кетишди.

Атиги бир неча ой ичида шунча ўзгариш. Бир неча ой. Нақадар яқин, нақадар узоқ вақт! Ана, суд залида Исмоил ака пешонасини чангаллаб ўтирибди. Ана Ҳалима ая рўмолининг учига кўз ёшларини артиб йиғлаяпти. Аълочи ўглини, меҳнат қилишдан ор қилган аёл аълочи боласини жиноят курсисида кўриб ўтирибди.

Бу нима, тақдирми! Агар шундай бўлса, бунақа тақдирни ким яратди?! Ҳар қалай, бу қисмат осмондан тушгани йўқ-ку...

Бунақа тақдирлар кўп эмас. Аммо йўқ ҳам эмас. Киши шунисига ачинади. Эртага ким бўламан деган муаммога енгил-елпи қараган одамнинг иши ҳеч қачон унган эмас. Меҳнат, орзу, интилиш деган табаррук тушунчага

енгил-елпи қараган одамнинг ҳеч қачон омади келган эмас. Балки шунинг учундир, муштдек боши билан даладан ҳар кунни сигирга бир қоп ўт юлиб келадиган, ёз бўйи колхоз даласидами, томорқасидами дадасига қарашадиган қишлоқ болаларига ҳавасим келади. Балки, шунинг учундир, сал ақли кириши билан уй юмушларини онасининг қўлидан оладиган қизалоқларга ҳавасим келади.

Ўтган йили маҳалламиз гузаридаги сартарошхонага чиқсам қўшнимиз Тожибой аканинг ўғли — саккизинчи синфга ўтган Содиқжон деган бола устага кўмаклашиб юрибди. Тожибой ака «Таштекстильмаш» заводида ишлайди, саккиз боланинг отаси.

— Тўнғич ўғлингизни сартарош қилмоқчи экансиз-да, — дедим эртасига қўшнимиз билан кўришганда.

— Йўқ, нега энди! — деди қўшним кулиб. — Менинг ниятим бошқа: ишга бўйин эгсин, кўмаклашгани устага, ўргангани ўзига фойда. Ҳар йил каникулда бирон ҳунарни кўриб кўзи пишсин.

Тожибой ака тўғри айтган экан. Бу йил ўғлини нонвойга шогирдликка берибди.

Яна бир шунга ўхшаган воқеанинг гувоҳи бўлганман. Аллақайси журналдан Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Мустақим Юсупов ҳақида очерк ёзиб беришни сўрашди. «Ташсельмаш» заводида Мустақим ака билан узоқ гаплашдик. Кейин унинг ишини ўз кўзим билан кўрмоқчи бўлдим. Цехда тайёр деталларни йиғиб юрган ёшгина йигитча, тўғрироғи ўсмир болани кўриб ҳайрон қолдим.

— Бу ҳам сизнинг шогирдингизми? — деб сўрадим Мустақим акадан. Жуда ёш-ку.

— Шогирдим эмас, ўғлим! — Мустақим ака ўсмирнинг елкасига қоқиб қўйди. — Ҳозир каникулда. Тўққизинчи синфга ўтди. Атайлаб ишлатяпман. Ишлаш қанақа бўлишини кўриб қўйса, зиён қилмайди. Меҳнатга бўйин эгсин...

«Меҳнатга бўйин эгсин!» Билмадим, ҳаёт фалсафасининг ўзи шу эмасмикин?!



Ботирали ишдан келиб, энди овқатланиб бўлган эдики, эшик қўнғироғи жиринглади. У эшикни очди-ю, останада турган Акбарни кўриб, суюниб кетди. Улар институтда беш йил бирга ўқиган, гарчанд икковлари бир соҳанинг одамлари бўлишса ҳам кўпда кўришолмас эдилар. Ботирали ҳарчанд судраса ҳам Акбарали уйга кирмади.

— Машинам пастда қолди,— деди у қатъий бош чайқаб.— Эртага оиланг билан сени далага олиб чиқмоқчиман. Эсингдами, институтда бирга ўқиб юрганимизда пахтада бир кўрпада ётардик. Ўша кунларни соғиндим. Хотининг билан шай бўлиб турунглар. Барвақт келамиз.

Ботирали кутилмаган таклифдан дафъатан эсанкираб қолди.

Қаёққа борамиз ўзи?

— Э, барибир эмасми сенга! Михдай жой топганман. Ҳалқа йўлидан сал четроқда. Ўтирасанми саратонда каталакка тиқилиб!

Акбар студентлик пайтида ҳам шамолдек елиб-юғирарди. Ҳозир ҳам шу одати қолмабди. Бор гапни шарт-шарт айтди-ю, елди-кетди.

Ботирали ўртоғининг таклифини хотинига айтган эди, Санобар қувониб кетди.

Хайрият, ўртоғингиз бор экан. Бўлмаса ёз ўтиб кўксимизга шамол тегмас эди.

Санобар кечаси билан бўлажак сафарга тайёргарлик кўриб чиқди. Тухум қайнатди, гўшт қовурди.

Акбар тонг саҳарда келди. Ботирали билан Санобар қизчаларини етаклаб тушишди. Акбар хотини билан ўғилчасини олган экан. «Москвич» лиқ тўлди.

— Бир иш чала қолди,— деди Акбар рулни чаққон бошқариб бораркан.— Қармоқ олмабмиз.— У ҳеч кимнинг жавобини кутмай, машинасини спорт магазини томон бурди.

Бир соатчадан кейин улар олмазор боғ чеккасида тўхтадилар. Машина кетидан қувиб келган чанг тарқалгач, ҳаммалари тушишди.

— Олмазорнинг ўртасига борамиз!— деди Акбар бир қўлига ўроғлиқ адёлни, бир қўлига «Спидола» ни кўтариб олганча.

— Ҳеч ким индамасмикан?— Ботирали хавотирланиб боғ ичкарасига қараб қўйди.

— Нима, ейилиб қолармиди? Қани, ҳар ким қўлига илинган нарсани кўтарсин!

Акбар харажатни катта қилиб юборган экан. Машина юкхонасидан сиркаланган гўшт, консервалар, кабоб кўраси, бир яшчик пиво, арақ шишалари чиқди.

Ҳаммалари белга урадиган бедазор ўртасидан кесиб ўтиб, боғ ичкарасига йўл олишди. Мевалари кичикроқ тухумдек бўлиб қолган каттакон олма тагига жой қилишди.

Хотинлар дастурхон билан овора. Акбар кўрага ўт қалашга тушди. Болалар эса бедазорда гоҳ кўриниб, гоҳ кўринмай капалак қувишар эди.

Ботирали адёлнинг чеккасига ёнбошлади-да, бир лаҳза чалқанча ётиб олди. Олма шохларидаги губор қўнмаган япроқлар орасидан қуёш олтин танга сочар, майин, жонбахш шабада эсар, унинг димоғида бедазорнинг алланечук ўткир намхуш ҳиди гуркирар эди. Атрофга чўмган сукунатни аллақерда сайраётган қарқиноқнинг қийқиллаши бузар, онда-сонда чигирткаларнинг журъатсиз чириллаши эшитилар эди. Бу нурлар, бу ислар, бу сукутбахш оҳанглар Ботиралига жуда қадрдон, жуда яқин, айни пайтда жуда узоқ ўтмишини эслатади. Унинг болалиги қишлоқда ўтган, тенгқур болалар билан сигир боққани чиққанида худди шу нурларни кўрган, шу ҳидларни туйган, шу оҳангларни эшитган эди. Шу топда у бензин ҳидидан ҳам, шаҳар шовқинидан ҳам безганини, асаблари толиққанини бирдан ҳис қилди, Ҳис қилди-ю, ўзининг ғализлашиб қолгани, битмас-туганмас турмуш

никир-чикирлари билан ўралашиб қолиб, табиатдан, гўзалликдан узоқлашиб кетганини пайқади.

— Ухлаб қолдингми, нима бало?

Ботирали Акбарнинг товушини эшитиб, илдам ўрнидан турди.

— Қани, оч, анавиларни!— Акбар ароқ шишасига имо қилди.

Жиндай-жиндай ичишгандан кейин кабоб пишди. Яна озроқ ичишди. Ботирали бояги болаларча хаёлпарастлиги учун ўз-ўзидан кулиб, хушчақчақ кайфиятга берилди.

— Хотинлар волейбол ўйнаб туради. Биз балиқ овлаймиз!— деди Акбар қорин тўйдириб олишганидан кейин.

Иккала ўртоқ майкачан бўлиб олиб, боғнинг нариги чеккасига йўл олишди. Чиндан ҳам боғ этагида анҳор бор экан. Икковлари эркаклаб кетган ялпизлар ўсиб ётган соҳилда бир-бирларидан анча узоқда ўтириб олиб, сувга қармоқ ташлашди. Улар балиқни чўчитиб юбормаслик учун гаплашмай ўтиришар, шунинг учун атрофга янаям чуқурроқ сукунат чўккан эди. Онда-сонда соҳилга тўлқин урилиб, сув шовуллаб қўяр, ялпизлар устида гунафшаранг қанотли ниначилар унсиз учиб юрарди.

Ботирали яна болалик йилларини эслади. Қишлоқдаги қора-қура болалар билан Мозортепанинг нариги ёнидаги каналда чўмилганлари, қумдан уйча ясаганлари кўз ўнгига келди.

Орадан анча вақт ўтди. Негадир Ботиралининг юраги сиқила бошлади. У нимадандир норози бўлар, аммо нега эканлигини ўзи ҳам билмасди. Бора-бора кун ҳам оғиб қолди шекилли, офтобнинг дами қайтди. Ҳатто салқин тушгандай бўлди.

— Илиндими ҳеч?

Ботирали Акбарнинг овозини эшитиб чўчиб бошини кўтарди.

— Йўқ, деди қармоқни сувдан олиб.

— Менгаям илинмади, қайтдикми? Хотинларнинг ҳам тоқати тоқ бўлгандир.

Зум ўтмай, Акбар қармоқнинг ипини таёққа ўрай-ўрай Ботиралининг теласига келди. Ботирали ҳам ўридан турди. Энди унинг бояги хушчақчақ кайфияти йўқолган, аллақандай лоқайд бўлиб қолган эди.

Бедазордан қайтаётганида у бедаларни босиб-янчмасликка иложи борича ҳаракат қилар, кесаклироқ жойга оёқ қўяр эди. Ҳарқалай бировнинг меҳнати!

Улар ўз манзилларига етиб келишганида Ботирали адёл чеккасига уйиб қўйилган хом-хатала олмаларни кўриб, серрайиб туриб қолди.

У боядан бери кўнглини ғаш қилаётган сабабни энди топди. Топди-ю, баттар ғижиниб кетди. Санобар билан Акбарнинг хотини волейболни анча эҳтирос билан ўйнашган бўлса керак, атрофдаги бедазор пайхон бўлиб кетган, консерва банкалари, шиша синиқлари, газета парчалари, колбаса қолдиқлари — яна алланималар сочилиб ётарди. Ботиралининг назарида боя келишганида адёл устига қалин соя тушиб тургандай эди. Ҳозир соя камайиб қолгандай туюлди. У бошини кўтариб қарадию, сесканиб кетди. Каттакон олманинг кўп шохлари синиб кетган, таги билан битта бўлиб хом олмалар сочилиб ётарди. Унинг назарида ҳалигина мана шу одамларни ўз паноҳига олган дарахт ҳозир оёқ-қўли синиб нажот кутаётган гўдакка ўхшаб кетди.

— Олмани ким синдирди?— Ботирали ўз хотинига қараб жаҳл билан сўради.— Нега синдирдинг?

— Синибдимми?— Санобар ҳайрон бўлиб елкасини қисди.— Компотга озгина олдик-да.

Ботирали ғижиниб юзини ўгирди. Ҳар ким ҳар алпозда ўтириб, яна овқатланишди, яна ўша шодон суҳбат давом этди. Ботирали машинага чиқишгунча бир оғиз ҳам гапирмади.

У энди бу ерга келганига афсусланар, негадир ўзини, ўз болалиги, ўз туйғуларини ҳақоратланган ҳис этар,

ўзини-ўзи ёмон кўрар эди, шу топда. Акбар «Москвич» ини уларнинг подъезди олдида тўхтатганида Санобар қизчасини етаклаб тушаркан, қувониб гапирди:

— Келаси отидхдаям бир айланамиз-а, Малоҳат-хон!

Акбарнинг хотини эрининг номидан ваъда берди.

— Албатта! Энди бошқа жойга чиқамиз.

— Энди бошқа жойни молга пайхон бўлиши қолувди!— деб тўнғиллади Ботирали Акбар билан совуққина хайрлашаркан.

У тўртинчи қаватга чиқди-ю, ўзини қаттиқ ҳориган ҳис қилди. Гўё у дам олган эмас, оғир меҳнат қилган кишига ўхшар эди.

...Бу воқеани менга шаҳардаги лойиҳа институтларидан бирида ишлайдиган собиқ ҳамқишлоғим Ботирали Йўлдошевнинг ўзи айтиб берди.

— Илтимос, шу воқеани албатта ёзинг,— деди у.— Биз шаҳар шовқинидан, шаҳар ҳавосидан қочиб, табиатда жон асрагимиз келади-ю, шўрлик табиатнинг ўзи биздан безиллайдиган бўлиб қолибди. Тўғриси баъзан ваҳшийларга ўхшаган қилиқ қиламиз, Табиат ҳам жонли нарса-ку. Нега унга раҳмимиз келмайди.

Чиндан ҳам, нима учун табиатни ҳақорат қиламиз? Ахир ҳозир табиатни муҳофаза қилиш жаҳоннинг энг биринчи муаммоси бўлиб қолди-ку.

Кўзингиз тушган бўлса, Америкада баъзи кўлларнинг заҳарланиши ҳақида хабарлар босилди. Бундан бир неча ўн йил илгари кўлнинг чучук суви, балиқлари, покиза тўлқинлари қанчадан-қанча авлодларнинг насибаси бўлган. Бугун эса уларда ҳатто чўмилиш мумкин бўлмай қолган. Кўл суви шу даражада ифлосланиб кетган.

Халқимизда қадимдан қолган гап бор. Сувни ҳаром қилиш гуноҳ бўлади. Сувга мағзава тўкиш, ахлаг ағдаришдан оғир гуноҳ йўқ. Бунинг сабаби шуки, сен ҳаром қилган сувни бошқа бир сенга ўхшаган инсон ичади. Сен ҳаром қилган сувда бошқа бир сенга ўхшаган одам чўми-

лади. Сирасини айтганда бу табаррук қонда ҳамон ўзгарган эмас.

Биз табиат фарзандимиз деймиз. Табиат эса нопокликни ёқтирмайди. Табиатнинг ўз қонунлари бор. Ленин мукофоти лауреати Василий Песков Америка туристларидан бири Африкадаги энг баланд тоғ-Қлиманжаро чўққисига мотоцикл билан чиққани ҳақидаги хабардан қувониб эмас, афсусланиб ёзади. Мотор товуши, бензини си, тутун захри фақат шаҳарларни эмас, табиатнинг энг сокин жойларини ҳам қоплаб олса, охири фожиа рўй бериши муқаррарлигидан куюниб ёзади. «Яқинда,— дейди у,— ўзим ўсиб-унган, болалигим ўтган ўрмонга бордим. Бир вақтлар бу ўрмонда тантанавор, сукунат ҳукмрон эди. Ҳозир эса ҳар секундда мотоцикл моторининг садолари ўрмон сукунатини ўққа тутяпти. Бир вақтлар ўрмон устида салобатли туман сузиб юрар эди. Энди эса туман ўрнида аччиқ тутун осилиб турибди».

Бизда-чи? Бизда-ку, ўрмоннинг ўзи кам. Қолаверса, республикамиздаги қайси бир боғ сокин деб мақтана оламиз? Қайси боғда мотор овози эшитилмайди?

Биз — табиат фарзандимиз. Ундан паноҳ ахтарамиз. Аммо табиатга ўзимиз қўл кўтарамиз. Уни яксон қиламиз. Ўз онасига қўл кўтариш — энг оғир гуноҳ ҳисобланиб келган. Шундоқ бўлиб қолади. Модомики, биз табиат фарзанди эканмиз, табиат бизнинг онамиз экан, унга қўл кўтарган нобакорларнинг жиловини нега тортиб қўймаймиз? Ахир, бу бизнинг энг оддий инсоний бурчимиз-ку!

## МУНДАРИЖА

Жаннатмакон ўлка . . . . .	3
Уй ичилар тинчми? . . . . .	9
Қадаҳдаги оғу . . . . .	15
Мактабим . . . . .	24
Хонаки гул . . . . .	29
Тўй азага айланмасин . . . . .	34
Бир оғиз сўз . . . . .	45
Менинг маҳаллам . . . . .	51
Садағанг кетай кўпчилик . . . . .	55
Мен — пахтакорман . . . . .	59
Одами эрсанг... . . . . .	62
Қатта ҳаёт бўсағасида . . . . .	68
Дипломли келин . . . . .	75
Устоз ҳурмати . . . . .	79
Ўринсиз «тантилик» . . . . .	86
Одамлар учун яшаймиз. . . . .	92
Инсон қадри . . . . .	99
«Меҳнатга бўйин эгсин» . . . . .	107
Биз — ер фарзандимиз . . . . .	113

Хашимов Уткир

**ПУТИ И ВСТРЕЧИ**

*На узбекском языке*

Издательство «Узбекистан» — 1977— Ташкент, Навои, 30.  
Отпечатано в типографии № 2. Янгиюль, Самаркандская, 44.

Редактор М. Фафорова  
Рассом К. Алиев  
Бадний редактор А. Алимджанов  
Техредактор С. Собирова  
Корректор М. Содикова

ИБ № 209

Теришга берилди 17/XII-1976 йил. Босишга рухсат этилди 10/II-1977 йил.  
Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>32</sub>. № 1. Бос. л. 3,75. Шартли бос. л. 5,25. Нашр. л. 5,38.  
Р-09383. Тиражи 15 000. «Узбекистон» нашриёти, Тошкент, Навоий, 30.  
Шартнома 380—76.

УзССР Министрлар Советининг нашриётлар, полиграфия ва китоб савдоси  
ишлари бўйича Давлат Комитетининг № 2 босмахонасида босилди. Янгийул,  
Самарқанд кўчаси, 44. Заказ № 39. Баҳоси 18 т.